3	Қониқарл и	Талаба уй вазифасини бажариб келган, оғзаки ва тест саволларига қийналиб жавоб беради, таърифларни ёд билади, лекин моҳиятини яхши тушунмайди.
4	Қониқарс из	Талаба уй вазифасини дафтарига ёзиб келган, лекин мавзу бўйича саволларга жавоб бера олмайди. Моҳиятини тушунмайди.

Талаба дарсга келиб унга мутлоқ тайёрланмагандага ва муҳокамада мутлоқ иштирок этмаганида 1-2 балл қўйилади.

### Талабанинг мустақил иши (ТМИ)

Талабанинг мустақил иши ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25-август 333-сонли буйруғи ва институт ректори томонидан 2014 йил 3 сентябрда тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” асосида ташкил этилади.

Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55% дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва 2 йил мобайнида сақланади.

Ижтимоий фанлар кафедрасида талаба мустақил иши бўйича кафедра низоми ишлаб чиқилади. Бунда талаба мустақил ишининг шакл ва турлари, ҳар бир иш турига соатларни тақсимлаш ва аниқ баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

ТМИ нинг ўзлаштириши қуидагича баҳоланади. Максимал балл 5.

Баллар	Баҳо
4,3-5,0	“5” аъло
3,6-4,2	“4” яхши

2,8-3,5	“3” қониқарли
2,8 дан кам	“2” қониқарсиз

Талабанинг мустақил ишдан олган бали ЖБ балига қўшилади.

### **Оралиқ баҳолаш (ОБ)**

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими ёки қисми бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш қобилияти аниқланади.

Бир семестрда ўтиладиган фанлардан битта ОБ ўтказилади.

Икки семестрда ўтиладиган фанлардан иккита ОБ ўтказилади. ОБга ўкув машғулотларининг қарзи бўлмаган талабалар қўйилади.

Оралиқ баҳолашнинг максимал бали 10 балл;

Ўзлаштириш	10 балл
Аъло	8,6-10
Яхши	7,1-8,5
Қониқарли	5,5-7
Қониқарсиз	5,5

ОБ кафедра мажлиси қарори билан ёзма иш, тест, оғзаки сухбат шакларида ёки уларнинг комбинацияларида ўтказилиши мумкин. ОБ бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55% дан кам балл тўплаган талаба ЯБ га қўйилмайди.

### **Якуний баҳолаш (ЯБ)**

ЯБ да талабанинг билим, кўникма ва малакалари фаннинг умумий мазмунидоирасида баҳоланади. ЯБ фан бўйича ўкув машғулотлари тугагандан сўнг ўтказилади. ЯБ нинг максимал бали - 30 балл.

Ўзлаштириш	30 балл
Аъло	30-25,8
Яхши	25,5-21,3
Қониқарли	21-16,5
Қониқарсиз	16,5 дан кам

ЖБ ва ОБ га ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБ га иштирок этишга хуқуқ берилади.

ЯБ ўтказиш шакли – тест, оғзаки, ёзма иш ёки ушбу усуулар комбинациясида Илмий Кенгаш қарори билан белгиланади.

ЖБ, ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштира олмаган (54 % дан кам балл тўплаган) ёки узурли сабаблар билан баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга қуйидаги тартибда қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилади:

- қолдирилган амалий машғулот келгуси дарсга қадар гурух ўқитувчисига қайта топшириш ва маслаҳат кунида топширилади. З та машғулотни қолдирган талаба факультет декани рухсати билан қайта топширади;

- ОБ ни 2 ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади ва бали коэффицентсиз қайт этилади;

- семестр якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади;

- академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин декан руҳсатномаси асосида қайта ўзлаштириш учун – 2 ҳафта муддат берилади. Шу муддат давомида ўзлаштира олмаган талабага белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Педагогик технолгия фанидан намуна:

№	Ф.И.Ш														ТМИ	ЖБ	Об	ЯБ	УМ.
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13ОН					
1	Исаев А	+	5	5	5	5	5	4	5	5	5	5	5	10	5	54	10	27	91
2	Аллаев Б	+	4	4	4	5	4	5	4	5	5	5	5	9	4	50	9	25	84
3	Алимо в Б	+	3	5	й	4	3	3	3	5	3	4	4	8	3	37	8	22	67

Талабанинг рейтинги қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = \frac{Q \cdot V}{100} \text{ бунда: } Q - \text{ўзлаштириш даражаси (балл), } V - \text{умумий ўқув юкламаси (соат)}$$

### Рейтинг натижаларини қайд қилиш тартиби

Фандан рейтинг назорати бўйича якунловчи қайднома варақаси (ведомость) фан тугаган кундан бир кун муддатда кафедра 2 нусхада тўлдиради ва масъул ходим кафедра мудирига имзолатиб, 1 нусхаси деканатларга топширилади.

Талабанинг фан бўйича баҳолаш турларида тўплаган баллари рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Умумий соат” устунига фанга ажратилган умумий юклама соатлари, “Балл” устунига эса талабанинг мазкур мезоннинг 3.1 бандига мувофиқ 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш бали, “Рейтинг” устунига ҳисобланган рейтинг кўрсаткичи қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши “Рейтинг дафтарчаси” да қайд этилмайди.

Деканат ва кафедралар томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖБ, Об ҳамда ЯБ турларида кўрсатилган ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичларининг мониторинги олиб борилади. Ўзлаштириш натижалари

кафедра томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишида ёритиб борилади ва белгиланган тартибда қайдномаларга киритилади. Рейтинг назорати экранининг ташкил этиши ва унинг белгиланган муддатларда тўлдириш вазифаси кафедра мудири ва факультет декани зиммасига юклатилади .

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари. 3-18 бетлар.
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари. 18-52 бетлар.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

- 4.Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999 й.
- 5.Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: “Ўзбекистон” 2009.-56 б
- 6.Каримов И. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т.: Ўзбекистон, 2009.-24 б.
- 7.Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
- 8.Ислом Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият».2008
- 9.”Президентга мактублар” Т., «Маънавият» 2014й
- 10.Ислом Каримов “ Ўзбек халқига тинчлик ва Омонлик керак “Т., «Ўзбекистон», 2014 й.

### **Асосий адабиётлар**

#### **Дарслар**

- 11.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Тошкент.,2003.
- 12.Омонов Х., Хўжаев Н.Х. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.Т.2009 й
13. Ибрагимов Х ., Абдуллаева Ш Педагогика назарияси. Т., 2008 йил.
14. Хошимов К.,Нишонова Ш Педагогика тарихи 2-қисм Т., 2005 йил.

### **Қўшимча адабиётлар**

- 15.Ғайбуллаев Н., Ёдгорова Р., Маматқулова Р Педагогика. Т., 2005 йил.
- 16.Тожибоева Д.,Юлдашев Ю Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2009.
- 17.Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели. – Т., 2001.
- 18.Саидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2006.
- 19.Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.
- 20.Йўлдошев Ж, ,Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: “Иқтисод-молия”,2009.

21.Бекмурадов А.Ш, Голиш Л.В и др. Современные технологии обучения.Т.: ТГЭУ, 2009г

22.А.Ч.Чориев Педагогик технология ва педагогик маҳорат (маъruzалар матни)- Қарши 2010.

### **Интернет сайплари**

www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона

www.glef.org. Джордж Лукаснинг Таълимнинг фонди.

www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.

www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.

www.Ilm.uz.

www.Ziyo-NET.uz.

www.ToshDPU.uz.

## **МУНДАРИЖА**

1. Сўз боши.....	3
2. Фаннинг мазмуни .....	5
3. Амалий машғулотларнинг номи.....	7
4.Фанни ўқитишда компьютер,ахборот ва бошқа замонавий педагогик технологиялар.....	9
5. Якуний назорат саволлари.....	10
6. Бахолаш мезонлари.....	13
7. Адабиётлар рўйхати .....	17

**Мавзу № 1****Педагогик технология фанининг предмети, максади, вазифалари**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Тематик маъруза</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1.Педагогик технологияларнинг вужудга келиши ва шаклланиши.</p> <p>2.Педагогик технологияларнинг предмети, максади, мазмуни ва вазифалари.</p> <p>3.Бугунги кунда педагогик технологияларга берилаётган таърифларни тахлил.</p>
<i>Дарс мақсади :</i> Педагогик технологияларнинг предмети, мазмуни, максади, вазифалари ва келиб чиқиши тарихи хакида талабаларда тушунча хосил килиш	
<i>Педагог вазифалари:</i> •Педагогик технологияларнинг келиб чиқиши тарихини ёритиб бериш •Педагогик технологияларнинг предмети, мазмуни, мақсадини ва вазифаларини ёритиб беради •«Педагогик технология» тушунчасига берилаётган таърифларни тавсифлайди •Педагогик технологиялар ва методиканинг фарқли томонларига изох беради.	<i>Ўқув натижалари:</i> •Педагогик технологияларнинг вужудга келиш боскичларини санаб беради ва хар бир боскичга изох беради.  • Педагогик технологияларни мазмунини тахлил килади ва вазифаларини санаб беради.  • «Педагогик технология» тушунчасига берилаётган таърифларга изох беради ва ўз мустакил фикрларини баён этади. • Педагогик технологиялар ва методиканинг ўзига хос жиҳатларини таққослайди ва изохлайди.
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	Маъруза, сухбат, бахс-мунозара муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

**Педагогик технология фанининг предмети, максади, вазифалари  
мавзусидаги маъзуза дарсига технологик харита**

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш (25 дақиқа)	<p>1.1. Талабаларга янги курс ҳақида маълумот беради. Курс давомида бажариладиган вазифалар билан таништиради. (1- илова)</p> <p>1.2 Курс давомида қандай мавзул ар изчиллик билан ўрганилиши билан талабаларни таништиради.( 2- курс)</p> <p>1.3. Биринчи мавзуни эълон қиласи ва тегишли адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p> <p>1.4. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади ва талабаларнинг билим даражасини диагностикасини амалга оширади.(3-илова)</p>	<p>Эшитадилар ва керакли маълумотларни ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Педагогик технологияларнинг вужудга келиши ва шаклланиши масаласини слайдлардан фойдаланган холда ёритиб беради (4- илова).</p> <p>Талабаларга саволлар билан мурожат этади ( 5- илова).</p> <p>Саволларни умумлаштиради.</p> <p>2.2. Педагогик технологияларнинг мазмуни, мақсадини ва вазифаларини слайдлар ёрдамида ёритиб беради(6-илова 1,2.)</p> <p>2.3. Педагогик технологияларнинг хусусиятларини изохлайди ва «Педагогик технология» тушунчасига берилаётган таърифларни тавсифлайди (7-слайд)</p> <p>2.4. Педагогик технологиялар ва методиканинг фарқли томонларига изох беради.</p> <p>2.5. Мавзу бўйича назорат ишлари юзасидан мурожат этади ( 8- илова)</p>	<p>2.1. Эшитадилар ва чизиб оладилар</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>2.2. Тала-балар ёзиб олдаи.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4 .Тахлил қиласидилар.</p> <p>2.5. Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хуносаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради (9-илова)</p>	<p>3.1. Савол берадилар.</p> <p>3.2. Ёзадилар. ЎМ га қаранг.</p>

## Рейтинг баллари

Жорий назаорат : 55 балл

Оралиқ назорат: 10 балл

Якуний назорат: 30 балл


Жорий назоарт баллари:

Амалий машғулот дарсларида: 5 баллдан =  $11 \times 5 = 55$  балл түплаш

Мустақил иш: 5 бал түплаш

Жами: 100 балл

## Курс мазмунни




3-илова.

Саволлар:

1. «Технология» тушунчасига изох беринг.
2. Педагогика фанинг обьекти ва предмети нималардан иборат?
3. Бугунги кунда таълим тизимиға қандай талаблар қўйилмоқда?
4. Методика фани қандай вазифаларни бажаради?
5. Сиз «Педагогик технология» термини билан учрашганмисиз?
6. Сиз «Педагогик технология» тушунчасига изох бера оласизми?

4-илова

### **Педагогик технологияларнинг ривожланиш босқичлари**



5-илова

Саволлар:

1. Таълим тизимини такомиллаштириш жараёнида қандай босқичларни ўз ичига олади?
2. Хотира мактабига изох беринг.
3. Даструрлаштирилган таълимга тавсиф беринг.
4. Муаммоли таълимга тавсиф беринг.
5. Педагогик технологиялар ўзидан аввалги ёндошувларнинг қандай ижобий хусусиятларни сингдириб олган?

**1. Педагогик технологияларнинг мазмуни:**

- А) Гуманлаштириш ва демакратлаштириш.
- Б) Дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш
- С) Ривожлантириш
- Д) Фаолликни ошириш (бажариб ўрганиш)

**2. Педагогик технологияларнинг вазифалари:**

- 1. Диагностика.
- 2. Таълим тизимини дифференциаллаштириш.
- 3. Технологиялаштириш ( аниқ лойихалар тузиш).
- 4. Аниқ мақсадларни белгилаш.
- 5. Инновацион технологияларни ишлаб чиқиш.

7-слайд

**1. Педагогик технологияларнинг хусусиятлари.**




## 2. Педагогик технологияларга бериләётган таърифлар

1. Олдиндан лойихалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда тадбиқ этиш ёки педагогик масалаларни ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлар тизимиdir.

2. Педагогик технологиялар—педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган, аник ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойихалаштирилган, такрорлана олувчи педагогик ҳаракатлар тизимиdir.

3. Таълим жраёнини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методир. (ЮНЕСКО).



8-и洛ва

## **1. Педагогик технологияларни шаклланиш босқичларини кетма-кетлигини ўрнатиг.**

1. Муаммоли таълим
2. Программали таълим
3. Таълим технологиялари
4. Репродуктив таълим
5. Хотира мактаби

## **2. Ҳар бир шаклланиш босқичига изоҳ беринг.**

№	Босқич номи	Изоҳ
1	Муаммоли таълим	
2	Дастуроли таълим	
3	Хотира мактаби	
4	Репродуктив таълим	
5	Таълим технологиялар	

### **3.Педагогик технологияларнинг мазмунни, вазифаларини санаб беринг ва тавсиф беринг.**

№	Педагогик технологияларнинг мазмунни.	Педагогик технологияларнинг вазифалари
1		
2		
3		
4		
5		


#### **Саволлар:**

1. Педагогик технологияларга берилган таърифлардан қайси бири сизда тўлиқ тасаввур ҳосил қилди?
2. Сиз ўзингиз педагогик технологияларга қандай таъриф берган бўлар эдингиз?
3. Методика қандай хусусиятга эга?
4. Қандай хусуситяларни методикада учратмайсиз?

**9-илова**


Педагогик технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини ва анъанавий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини «Венн» диаграммасидан фойдаланган ҳолда таққосланг.

#### **« ВЕНН» ДИАГРАММАСИ**



**«Венн» диаграммаси асосида фаолиятни ташкил этиш босқичлари**

«Венн» Диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, тушунчани, гояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиши жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, грухлаш малакаларини шакллантиради.



### Жадвални тўлдиринг

№	Педагогик технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари( П/Т)	Анъанавий таълимнинг ўзига хос жиҳатлар (А/Т)	П/Т ва А/Тнинг ўхшаш томонлари
1			
2			
3			
n			

## Семинар дарсини олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 20</i>	<i>Вақти-4соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Семинар дарси</i>
<i>Семинар режаси</i>	<p>1. Педагогик технологияларни шаклланиш тарихини таҳлили</p> <p>2. Педагогик технологияларнинг максади, мазмуни ва вазифаларини таҳлил қилиш.</p> <p>3. “Педагогик технологиялар” мавзусига тақдимот тайёрлаш</p> <p>4. Педагогик технологияларни ва анъанавий таълимни хусуиятларини ўзаро таққослаш.</p>

*Дарс мақсади :* Педагогик технологияларнинг мазмуни, максади, вазифалари ва келиб чиқиши тарихи хакидаги билимларни мустаҳкамлаш.

<i>Педагог вазифалари:</i>	<i>Ўқув натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Педагогик технологияларни шаклланиш босқичларини кетма-кетлигини ўрнатади ва ҳар бир босқични изохлайди.</li> <li>• Педагогик технологияларнинг келиб чиқиши заруратини ва бугунги кунда бажариш лозим бўлган вазифаларни аниқлайди.</li> <li>• «Педагогик технология» тушунчасига берилаётган таърифларга изох беради ва ўз мустакил фикрларини баён этади. «Педагогик технология» мавзусига тақдимот тайёрлайди.</li> <li>• Педагогик технологиялар ва анъавий таълимнинг хос жиҳатларини таққослайди ва изохлайди.</li> </ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	сухбат, баҳс-мунозара муҳокама қилиш, фикр алмашиш, синквейин
<i>Ўқитиши восита-лари:</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал, кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш технологияси.
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

**Педагогик технология фанининг предмети, мақсади, вазифалари мавзусидаги семинар дарсига технологик карта**

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш (10 дақықа)	1.1. Аудиториянинг ва талабаларнинг дарсга тайёрлик даражаси текширилади. 1.2. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади ( 1- илова).	Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий босқич (55 дақықа)	2.1. Педагогик технологияларнинг шаклланиш босқичларини кетма-кетлигини жуфтликларда фаолият кўрсатган холда ўрнатишни ташкил этади ( 2-илова) 2.2. Бажарилган топшириқни тақдимотини ташкил этади. 2.3. Педагогик технологияларнинг хусусиятларига бағишлиланган кластерни тўлдиради (3-илова) 2.4. Педагогик технологияларнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва заруратига бағишлиланган реклама тайёрлаш ишини уюштиради ва баҳолаш меъзонлари билан талабаларни таништиради. ( 4, 5,6 -илова)  2.5. Рекламани тақдимотини эълон қиласи. 2.6. «Педагогик технология» тушунчасига синквейн усули асосида кичик гурухларда характеристика беради. ( тлова -6) Берилган вазифани таҳлил қиласи ва энг яхши синквейн тузган талабаларни рағбатлантиради.  2.7. Педагогик технологиялар ва анъанавий таълим тизимининг хусусиятларини жадвал асосида таққослаш фаолиятини ташкил этади ( 7-илова).  2.8. Фаолият натижаларини текшириади ва жавобларни таҳлил этади.	2.1. Жуфтликда фаолият кўрсатадилар. 2.2. Тақдимот қиласи. 2.3. П/Т га бағишлиланган реклама кичик гурух-ларда тайёр-ланади. 2.4. Тақдимот қиласи. 2.5. Талабалар таққослаш вазифасини бажаради. 2.6. Синк- вейн асосида фаолият кўрсатади.  2.7. Таққослайдилар.  2.8. Эшитадилар ва таҳлил қиласи.
3-босқич Якуний. ( 10 дақықа)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни айтиб ўтади. 3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.	3.1. Савол берадилар.


1-илова

**Фаоллаштирувчи саволлар:**

1. Курснинг мазмунин нимадан иборат?
2. Сиз курс давомида қандай вазифаларни бажаришингиз лозим?
3. Курс давомида сиз қандай билимларни эгаллашингиз мумкин?


2-илова

**Педагогик технологияларни шаклланиш босқичларини тартиб рақамларга мос ҳолда ёзинг ва изох беринг.**



3-илова

**Педагогик технологияларнинг хусусиятларини бўш доирачалар ичига ёзинг**



4-илова

#### **Рекламанинг шартлари :**

1. Ҳар бир гурӯҳ ўз номини, шиорини, эмблемасини ишлаб чиқиши керак.
2. Рекламанинг ахборот материалини ёзиши талаб этилади.
3. Ахборот материалида педагогик технологияларнинг мазмун-моҳияти ёритилган бўлиши талаб эталади.
4. Рекламанинг такдимотини уюштириши керак.

5-илова

#### **Рекламани баҳолаш меъзонлари**

Гурӯҳ №	Шиор ва эмблема учун балл ( 10 баллгача)	Ахборот материалининг тушунарли ва жозибадор бўлиши ( 10 баллгача)	Педагогик технологияларнинг моҳиятини очиб бериш маҳорати учун (10 баллагача)
1			
2			
3			

6-илова

### **“Педагогик технологиялар” тушунчасини синквейн технологияси асосида тавсифланг.**

«Синквейн» тушунчаси бешлик деган маънони билдиради ва ўрганилаётган тушунчани ҳар томнлама ифодалашни тақазо этади.

Синквейн тузиш қоидаси

1. Бир сўздан иборат от( тушунча берилади)
2. Тушунчани икки сўздан иборат гап билан сифатлаш талаб этилади.
3. Тушунчани уч сўздан иборат феъл билан ифодалаш талаб этилади.
4. Тушунчага нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.
5. Тушунчани бир сўздан иборат бўлган синоним билан ифодаланг.

7-илова

### **Жадвални тўлдиринг**

№	Педагогик технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари( П/Т )	Анъанавий таълимнинг ўзига хос жиҳатлар (А/Т)	П/Т ва А/Тнинг ўхша什 томонлари
1			
2			
3			
n			

<b>Топшириқларни баҳолаш мезонлари күрсаткичлари</b>	<b>1 гурұх</b>	<b>2 гурұх</b>	<b>3 гурұх</b>	<b>4 гурұх</b>
1 топшириқ (0,3)				
2 топшириқ				
Мавзу мазмуни ва күргаз-малиигига (0,8)				
Мантиқан түғри тузғанлиги учун				
3 топшириқ (0,5)				
4 топшириқ:				
Аниқ хулоса келтиргани учун (0,5)				
Регламентта риоя қылғанлиги учун (0,2)				
Назорат саволларига түғри жавоб берганлиги учун (0,1)				
Бошқа құшимчалар (0,1)				
<b>Жами (5 балл):</b>				

86 – 100% 4,3-5,0 балл “аъло”

71 – 85% 3,6-4,2 балл “яхши”

55 – 70% 2,8-3,5 балл “қоникарлы”

<b>Мавзу -2</b>	<b>Таълим жараёнида ўқувчиларнинг шахси</b>
-----------------	---

### **Маъруза дарсини олиб бориш технологияси**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Визуал маъруза</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Таълим жараёни ва унга қўйилаётган замонавий талаблар</p> <p>2. Шахс сифатлари тузилиши</p> <p>3. Шахс - инсон – индивид</p> <p>4. Шахсни ўзини бошқариш механизимлари</p>
<i>Дарс мақсади :</i> таълим жараёни ва унга қўйилаётган замонавий талабларни ўзлаштириш	
<i>Педагог вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим жараёнига қўйилаётган замонавий талабларни очиб бериш;</li> <li>• Шахс сифатларига изох берилади;</li> <li>• Шахс - инсон – индивид тушунчаларининг фарқли жихатлари келтирилади;</li> <li>• шахсни ўзини бошқариш механизимлари хақида тушунча берилади;</li> </ul>	<i>Ўқув натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим жараёнини таҳлил этади.</li> <li>• Ўқув жараёнида шахс сифатлари таҳлил этилади.</li> <li>• Талабалар шахс, инсон, индивид тушунчаларининг фарқини англаб оладилар</li> <li>• Ўқув жараёнини бошқариш қоидаларини баён этади.</li> </ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	Маъруза, сухбат, кичик груҳларда ишлаш муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши восита-лари:</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал, груҳда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

## Маъруза дарсига технологик карта

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Ўтган темани текшириш мақсадида эксперт варақлари тарқатади.</p> <p>Адабиётлар рўйхати билан танишитиради.</p> <p>1.2. Мавзуни эълон қилади, дарснинг мақсади ва талabalар эришиши лозим бўлган натижаларни баён этади.</p> <p>Фаоллаштирувчи саволлар билан талabalарга мурожат этади (1-илова).</p> <p>Талabalар фаолиятига баҳо беради.</p>	<p>1.1. Эксперт варақларига жавоб берадилар.</p> <p>Эшитадилар ва керакли маълумотларни Ёзib оладилар.</p>
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Таълим тизими ва ўзлаштириш даражалари ҳақида ахборот берилади (2,3-илова).</p> <p>2.2. Ўрганилган маълумотлар бўйича саволлар билан талabalарга мурожат этади мурожат этади.</p> <p>2.3. Ҳар бир талабага тарқатма материал тақдим этади. Ўзлаштириш даражаларини таҳлил этади ва формуласини доскага ёзиб тушунтиради (4-илова)</p> <p>2.4. Талabalар турли даражадаги мураккабликка эга бўлган назорат ишларининг намуналари билан танишадилар.</p> <p>2.4. Мавзу бўйича саволлар билан мурожат этади (5-илова)</p>	<p>2.1. Эшитадилар ва чизиб оладилар</p> <p>2.2. Эшитадилар, мулоҳаза қиладилар.</p> <p>2.3. Тарқатма материаллар билан танишади.</p> <p>2.4. Талабалар ёзиб олдаи.</p> <p>2.4 Жавоб берадилар</p>
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хulosаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Талabalарнинг дарс давомидаги фаолиятини</p>	<p>3.1. Савол берадилар.</p> <p>3.2. Ёзади-</p>

тахлил этади ва баҳолайди.

3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради


лар. ЎУМ  
га қаранг.

1-илова

Фаоллаштирувчи саволлар.

1. Анъанавий таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
2. Анъанавий таълим тизимида ўқув мақсадлар қандай белгиланади?
3. “ДТС” тушунчасини ниамни билдиради ва қандай вазифани бажаради?

2-илова



4-илова

#### Тарқатма материал

Махсулдор фаолият жараёнида укувчи хар доим укув предметида узлаштириб олинганига нисбатан акс харакат яратади, изланувчанлик ва тадқикотчилик фаолиятини олиб боради.

Репродуктив фаолият албатта бирламчи булиб, ундан махсулдор фаолият келиб чикади. Талаба аввал репродуктив фаолиятни бажариши ва куникма, малака хосил килиш лозим, сунгра ўзлаштиришнинг махсулдор даражасига кутарлиши лозим.

Масала ёки вазиятни ечимини топишда 4 хил даражада ажратилади:

**1-эксперт вароги.** Агар максад, харакат ва вазият аник курсатилган булса, хамда талаба факат шу харакатни бажариши талаб этилса, бу биринчи даражали узлаштириш деб аталади.

Ма – Ва – Ха      ○

**2-эксперт вароги.** Агар 52акса два вазият маълум, аммо харакатни талаба узини олдинги билимларини эслаш хисобига топиши лозим булса, бу иккинчи

даражали узлаштириш хисобланади. Бу икала узлаштириш усули репродуктив фаолията киради.

М а – В а – Х х О>О

**3-эксперт вароғи** Агар вазифада максад аник, аммо вазият ноаник булса, талабадан вазиятни эслаш ва нотипик масалани ечиш талаб этилса, бу эвристик типдаги фаолият хисобланади.

М а – В х – Х х



**4-эксперт вароғи.** Агар фаолиятнинг максади умумий тарзда берилган булса, вазиятни хам, харакатни хам излаш талаб этилса, бу ижодий типдаги махсулдор фаолият хисобланади.

М у – В х – Х х    эллипсоид



Фаолиятни узлаштиришнинг бу 4 даражаси билим, малака ва қуникмаларни шаклланиши боскичлариdir. Укув жараёнида ва умуман таъли тизимида репродуктив фаолиятдан махсулдор фаолият турларига ута олиш таълим самарадорлигин оширади.

5-илова

### Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўкув жарёни қандай қисмлардан иборат?
2. Ўзлаштиришнинг қандай типлари ажратилади?
3. Ўзлаштиришнинг қандай даражалари ажратилади?
4. Анъанавий таълим тизимида ўзлаштиришнинг қандай типи ва даражалари ҳукмронлик қиласи?

### Семинар дарсига технология

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вакти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Тематик маъруза</i>
<i>Машигулом режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Таълим жараёни ва унга қўйилаётган замонавий талабла</li><li>2. Шахс сифатлари тузилиши</li><li>3. Шахс - инсон – индивид</li><li>4. Шахсни ўзини бошқариш механизимлари</li></ol>
<i>Дарс мақсади :</i> таълим жараёни ва унга қўйилаётган замонавий талабларни ўзлаштириш. Шахсни ўзини бошқариш механизимларини шакллантириш	
<i>Педагог вазифалари:</i> • Таълим жараёнига қўйилаётган замонавий талабларни очиб	<i>Ўқув натижалари:</i>  • Таълим жараёнини таҳлил этади. Таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, онгли фаолият юритишга, ҳар қанақа муаммоларни тушунишлари ва мустақил ҳал этишга қизиқиши уйғотади.

<p>бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахс сифатларига изох берилади;</li> <li>• Шахс - инсон – индивид түшүнчаларининг фарқли жихатлари келтирилади;</li> <li>• шахсни ўзини бошқариш механизма қақыда түшүнча берилади;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқув жараёнида шахс сифатлари таҳлил этилади</li> <li>• Талабалар шахс, инсон, индивид түшүнчаларининг фарқини англаб оладилар</li> <li>• Ўқув жараёнини бошқариш қоидаларини баён этади.</li> <li>• Ўқув жараёнини бошқариш қоидаларини баён этади.</li> </ul>
<p><i>Ўқитиштеги усул, техникаси:</i></p>	<p>Кичик грухларда ишлаш мухокама қилиш, фикр алмашиш.</p>
<p><i>Ўқитиш воситалари:</i></p>	<p>Маъруза матни, тарқатма материаллар.</p>
<p><i>Ўқитиш шакли:</i></p>	<p>Фронтал, грухда ишлаш.</p>
<p><i>Ўқитиш шарт – шароитлари:</i></p>	<p>Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория.</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаш:</i></p>	<p>Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.</p>

### Семинар дарсига технологик харита

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш (25 дақиқа)	1.1. Дарснинг мақсади ва талабалар эришиши лозим бўлган натижаларни баён этади. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади (1-илова). Талабалар фаолиятига баҳо беради.	Эшитадилар ва керакли маълумотларни
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Таълимни ўзлаштириш типлари ва даражаларини схемада кўрсатинг(2-илова) 2.2. Талабларни кичик грухларга бўлади(3-илова)  2.3. Ҳар бир грух танланган мавзуга тўрт даражали назоарт иши ишлаб чиқиши талаб этилишини эълон қиласди.	2.1. Схемани тўлдиради. 2.2. Кичик грухларга бўлинадилар. 2.3. Кичик грухларда фаолият

	<p>2.4. Тақдимотга таклиф этади</p> <p>2.5. Ҳар бир тақдимотдан сўнг фаолият натижаларини таҳлил этади ва баҳолайди (4-илова)</p>	<p>юритадилар.</p> <p>2.4. Тақдимот қиласидилар.</p> <p>2.5. Эшитадилар</p>
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хulosаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	<p>3.1. Савол берадилар.</p> <p>3.2. Ёзадилар. ЎУМ га қаранг.</p>


1-илова

### **Фаоллаштирувчи саволлар**

- Таълим жараёни ва унга қўйилаётган замонавий талаблр нималардан иборат?
- Анъанавий ва ноанъанавий таълим турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари?
- Шахс, инсон, индивид тушунчаларининг фарқлари?
- Анъанавий таълим тизимида ўзлаштиришнинг қандай типи ва даражалари хукмронлик қиласиди?

2-илова

Схемани тўлдиринг



3-илова

### **Гурӯҳда ишлаш қоидалари**

- Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.
- Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
- Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
- Ҳар ким гурӯҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
- Ҳар ким бошқаларга ўргатиб ўзи ўрганишни билиши зарур.

<b>Мавзу № 3</b>	<b>Педагогик технологияларнинг илмий асослари</b>
------------------	---

#### **Маъруза дасрининг технологияси**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Маъруза дарси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагогик технологияларни турлари. Фалсафий жихатдан классификация.</li> <li>2. Ташкил этиш, бошкариш, шахс хусусиятларини ривожлантириш буйича классификация.</li> </ol>

	3. Муносабат турлари. Илмий тажрибани урганиш буйича классификациялаш.
--	--

*Дарс мақсади :* Педагогик технологияларнинг турлари ва классификацияси ҳақида талабаларда билимларни шакллантириш

<i>Педагог вазифалари:</i> • Педагогик технологияларнинг турлари билан таништириш • Фалсафий жихатдан, ташкил этиш, бошкариш, шахс хусусиятларини ривожлантириш буйича классификациялашнинг моҳиятини ёритади. • Муносабат турлари. Илмий тажрибани урганиш буйича педагогик технологияларни грухларига изох беради.	<i>Ўқув натижалари:</i> • Педагогик технологияларнинг турларини санаб беради ва ҳар бир турга изох беради.  • Педагогик технологияларни фалсафий, ташкил этиш, бошкариш, шахс хусусиятларини ривожлантириш буйича классификациясини ёддан айтиб беради ва изохлади.  • Муносабат турлари. Илмий тажрибани урганиш буйича педагогик технологияларни грухларга ажратади.
<i>Ўқитишинг усул, техникаси:</i>	сухбат, баҳс-мунозара кўргазмали материаллардан фойдаланиш, муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шакли:</i>	Фронтал ва индивидуал савол-жавоб
<i>Ўқитиш шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

### Маъруза дарснинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Талаба
1. Босқич Кириш (10дақиқа)	1.1.Дарсга тайёргарлик даражасини текширади. 1.2.Ўрганиш лозим бўлган янги мавзуни ва унинг режасини эълон қиласди. 1.3.Адабиётлар рўйхати билан талабаларни таниширади.	1.2. Эшитадилар ва ёзадилар. 1.3. Ёзадилар
2.Босқич ( 60 дақиқа)	2.1. Талабларни жуфтликларга ажралишларини сўрайди.	2.1. Жуфтликларга ажраладилар ва

	<p>“Б/Б/Б” техникасидан фойдаланган ҳолда талабалардан ўрганилаётган мавзу бўйича биладиган ва билишни хохлайдиган билимларни жадвалда белгилаб чиқишини сўрайди(1- илова).</p> <p>2.2. Жадвални таҳлил қилиб талабалар нимани билишни хоҳлашларини ҳисобга олган ҳолда кўргазмали материаллар асосида мавзуни қисқа баён этади(2-илова).</p> <p>2.3. Мавзунинг баёни тугагач, талабалардан “Б/Б/Б” жадвалининг 3- устунини тўлдиришларини сўрайди.</p> <p>2.4. Талабаларнинг билимини текшириш мақсадида назорат ишларини ўтказади(3-илова ).</p>	<p>“Б/Б/Б” жадвалининг 1 ва 2-устунини тўлдирадилар</p> <p>2.2. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Жадвалнинг 3-устунни тўлдирадилар.</p> <p>2.4. Жавоб берадилар.</p>
3.Босқич ( 10 дақиқа)	<p>3.1. Дарсга яқун ясайди, талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил фаолият учун вазифа беради.</p>	<p>3.1. Эшитадилар ва ўзлари учун хуносалар қиласадилар.</p> <p>3.2. Эшитади ва ёзади</p>

1-илова

### **“ Б/Б/Б” техникасининг қоидаси**

Б/Б/Б жадвали  
Биламан, Билиш-ни хохлайман, Билдим-матн тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради. -тизимли муроҳаза юритиш, грухлаш кўникмаларини ривожлантиради

1. Б/Б/Б жадвалини тузиш қоидалари билан таништирилади. Якка тартибда ( жуфтликда) жадвал расмийлаштирилади.
2. Қўйидаги саволга жавоб берилади: “Ушбу савол бўйича сиз нимани биласиз?” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз?».
3. Жадвалнинг 1- ва 2- устуни тўлдирилади.
4. Мустақил равишда маъруза матнини ўқиёди ( маърузани эшигади).
5. Жадвалнинг 3- устунини мустақил ( жуфтликда) тўлдиради.

### “ Б/Б/Б” жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

2-илова

### Кўргазмали материаллар

- ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

1. Фалсафий жихатдан.
2. Шахс хусусиятлари жихатидан.
3. Муносабат турлари бўйича.
4. Илмий тажрибани ўрганиш.
5. Бошқариш бўйича.

### ФАЛСАФИЙ ЖИХАТДАН

- МАТЕРИАЛИСТИК
- МАЖБУРИЙ
- ГУМАНИСТИК
- ИДЕАЛИСТИК
- ИЛМИЙ

## ■ ДИНИЙ

### ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ОПЕРАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР
- ЭСТЕТИК
- БОШКАРУВЧИЛИК
- ЭВРИСТИК
- АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### МУНОСАБАТ ТУРЛАРИ

- АВТОРИТАР
- ДИДАКТИК МАРКАЗЛАШГАН
- ШАХСА ЙУНАЛТИРИЛГАН
- ИНСОНИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
- ХАМКОРЛИК
- ЭРКИН ТАРБИЯ
- ЭЗОТЕРИК

### ИЛМИЙ ТАЖРИБАНИ УРГАНИШ

- АССОЦИАЦИЯ-РЕФЛЕКС.
- ГЕШТАЛЬТ Т.
- БИХЕИВИОРИСТИК.Т
- РИВОЖЛАНТИРУВЧИ.Т
- СУГГЕСТИВ.Т

### БОШКАРИШ(узлаштириш.ж)

- СУСТ БОШКАРИЛУВЧИ
- ЦИКЛЛИ БОШКАРИШ(узаро текшириш.)
- ФРОНТАЛ( ялпи)
- ЙУНТАРИЛГАН(индивидуал)
- ВЕБРАЛ(укитувчи иштирокида)
- АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН( техник

воситалар)

### Психик ривожланиш омили бўйича;

Биоген, яъни инсоннинг жипсланган ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; бу технология асосан жисмоний тарбия каби фанларда қўлланилади.

Социоген, яъни шахснинг социологик онгини ривожлантиришга қаратилган технология, булар қаторида жамиятшунослик, хукуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларни санаб ўтиш мумкин

Психоген, яъни инсоннинг психологик ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; булар жумласига psychology, этика, эстетика, маънавият, рухият, диншунослик каби фанларни киритишмиз мумкин.


## Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлади

### Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлади:

**1. Илмий аспект**-педагогик технология педагогика фанининг бир қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганади ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳа ради.

**2. Процессуал-тавсифий аспект**-таълимда режалаштрилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мАқсад, таркиб, услугуб ва воситалар мажмуидир.

**3. Процессуал-амалий аспект**-педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларига амал килиши



З-илова

### **Мустаҳкамлаш учун назорат саволлари.**

1. Педагогик технологияларни қамровига кўра қандай турларини биласиз?
2. Фалсафий жиҳатдан педагогик технологиялар қандай гуруҳларга тавсифланади?
3. Ташкил этиш ва бошқариш жиҳатидан қандай ёндашувлар мавжуд?
4. Шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича қандай технологияларни ажратиш мумкин?
4. Қандай муносабат турларини биласиз?

### **Тест саволлари**

#### **1. Психик ривожланиш омилига кўра педагогик технологияларни турлари белгиланг.**

- А)биоген
- Б) социоген
- В) ривожлантирувчи
- Г) психоген
- Д) \* биоген, социоген, психоген

#### **2. Фалсафий жиҳатдан педагогик технологиялар.**

- А) материалистик, мажбурий.
- Б) илмий, диний
- В) материалистик, идеалистик, илмий , мажбурий
- Г) идеалистик, илмий
- Д) \*материалистик, идеалистик, илмий , диний, мажбурий

**3. Шахс ривожланиши хусусиятига қараб педагогик технологиялар қўйидагиларга бўлинади.**

- А) ахборот технологияси
- Б) эстетик-аҳлоқий технология
- В) бошқарувчилик
- Г) амалий ҳатти-харакатларни шакллантириувчи
- Д) \* хаммаси тўғри

**4. Педагогнинг ўқувчига нисбатан муносабатига қараб педагогик технологиялар неча турга бўлинади?**

- А)\* 5 та
- Б) 3 та
- В) 8 та
- Г) 4 та
- Д) 3 та

**5. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар қайсилар?**

- А) инсоний, ҳамкорлик
- Б) ҳамкорлик, эркин тарбия, инсоний
- В) \*инсоний, ҳамкорлик, экзотерик, эркин тарбия
- Г) инсоний, ҳамкорлик, эркин тарбия
- Д) эркин тарбия

**6. Муносабат технологияларини белгиланг.**

- А) авторитар
- Б) дидактик марказлашган
- В) шахсга йўналтирилган
- Г) экзотерик
- Д) \* хаммаси тўғри

**7. Илмий тажрибани ўрганиш бўйича педагогик технологилар нечага бўлинади?**

- А) \* 4 та
- Б) 3 та
- В) 2та
- Г) 5 та
- Д) 7та

## Семинар дарсини олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 25</i>	<i>Вақти -4соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Семинар</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1.Педагогик технологияларнинг турларини аниқлаш.</p> <p>2.Фалсафий жиҳатдан гуруҳларни тавсифлаш.</p> <p>3.Ташкил этиш ва бошқариш, шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича ташкил этилган груҳларга тавсиф бериш.</p> <p>4. Муносабат турларини изохлаш.</p>
<i>Дарс мақсади :Билимларни мустаҳкамлаши ва кенгайтириши..</i>	
<i>Педагог вазифалари:</i>	<i>Ўқув натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>•Педагогик технология турларини танишни ва аниқлашни ташкил этади.</li> <li>•Кичик груҳларда ишни ташкил этади</li> <li>•Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича мавжуд шаклларга тавсиф беришни ташкил этади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Педагогик технология турларини аниқлайди.</li> <li>• Педагогик технология турларини тавсифлайди.</li> <li>• Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича мавжуд шаклларни тавсифлайди.</li> </ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	сухбат, кичик груҳларда ишлаш муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал, груҳда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

## Семинар дарсига технологик харита

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш	1.1. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида саволлар билан мурожат этади (1-илова) 1.2. Дарснинг мақсади ва талабалар эришиши лозим бўлган натижаларни баён этади. 1.3. Дарснинг структураси билан таништиради.	1.1. жавоб берадилар. Эшитадилар ва керакли маълумотларни Ёзib оладилар.
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Педагогик технологияларни тавсифлаш тизимини муҳокама қилиш.  2.2. Талабаларни кичик груҳларга бўлади  2.3. Бешта кичик грухга алоҳида вазифа тарқатилади. Ҳар бир гуруҳ педагогик технологияни ўзига тегишли жиҳатдан тавсифлаши талаб этилади. (2-илова)  2.4. Тақдимот эълон қилинади. Натижалар баҳоланади. 2.5. Мавзу бўйича тестларни тарқатади.  2.6. Натижалар таҳлил этилади ва камчиликларни тузатади.	2.1. Тавсилайдилар.  2.2. Кичик гуруҳларга бўлинадилар. 2.3. Талабалар тақдимотга тайёрланади  2.4. Тақдимот қиласилар. 2.5. Тестларни жавобларини белгилайдилар. 2.6. Тест натижалари билан танишади.
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни айтиб ўтади. 3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди. 3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради	3.1. Савол берадилар.  3.2. Ёзадилар. ЎУМ га қаранг.

## **Мустаҳкамлаш учун саволлар**

- 1.Педагогик технологияларни қамровига кўра қандай турларини биласиз?
- 2.Фалсафий жиҳатдан педагогик технологиялар қандай гурухларга тавсифланади?
- 3.Ташкил этиш ва бошқариш жиҳатидан қандай ёндашувлар мавжуд?
- 4.Шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича қандай технологияларни ажратиш мумкин?
4. Қандай муносабат турларини биласиз?


**2-илова**

Педагогик технологияларни турли жиҳатдан тавсифлаш

- 1.Фалсафий жиҳатдан.
2. Шахс хусусиятлари жиҳатидан.
3. Муносабат турлари бўйича.
4. Илмий тажрибани ўрганиш.
5. Бошқариш бўйича.

**3-илова**

## **СИНКВЕЙН**

- |   |   |
|---|---|
|  <ul style="list-style-type: none"><li>■ Тушунча-от</li><li>■ 2 суздан иборат сифат</li><li>■ 3 суздан иборат феъл</li><li>■ 4 суздан иборат муносабат</li><li>■ 1 суздан иборат синоним</li></ul> | <ul style="list-style-type: none"><li>■ Укиш</li><li>■ кизикарли янгилик</li><li>■ Фикрлаш кобилиятини ривожлантиради</li><li>■ Маънавий тарбиялашга ёрдам беради</li><li>■ муроала</li></ul> |
|---|---|

#### 4.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<b>Машгулом вақти-4 соат</b>	<b>Талабалар сони:</b>	
<b>Машгулом шакли</b>	<b>Ахборотли- кўргазмали маъруза</b>	
<i>Маъруза режаси</i>	1. Инновацион технологиилар ҳақида тушунча. 2. Инновацион технологииларнинг моҳияти ва уларнинг турлари.	
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Инновацион технологиилар бўйича умумий тушунчаларни шакллантириш.		
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инновацион технологиилар ҳақида тушунчаларни бериш;</li> <li>• Инновацион технологииларнинг моҳияти ва уларнинг турлари бўйича маълумот бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инновацион технологиилар ҳақида айтиб берадилар;</li> <li>• Инновацион технологииларнинг моҳияти ва уларнинг турларини тушунтирадилар.</li> </ul>	
<i>Таълим берииш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, сухбат, блиц-сўров, тушунириш, савол-жавоб.	
<i>Таълим берииш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий	
<i>Таълим берииш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор	
<i>Таълим берииш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлар и ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
<b>Тайёргарлик босқичи.</b>	<p>1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.</p> <p>2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёраш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи топшириқ саволлари ҳамда мустаҳкамлаш учун вазифалар тайёрлаш.</p>	
<b>1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b>	<p>1.1. Экран орқали янги маъруза машғулоти мавзуси ва унда кўриладиган асосий саволлар, таянч иборалар моҳияти билан таништиради.</p> <p>1.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида ўтган машғулот мавзуси юзасидан саволлар беради: “<i>Модулли таълим деганди сиз нимани тушунасиз?</i>” “<i>Ахборотли модул мазмунини қандай танланади?</i>”, “<i>Модулли дастур қандай тузилади?</i>”.</p> <p>1.3. Берилган жавобларни умумлаштиради ва янги мавзу мазмуни бўйича маълумотлар беришга ўтади.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</b>	<p>2.1. Маърузани бошлашдан аввал талабаларда янги мавзу бўйича дастлабки маълумотларни текшириш мақсадида савол билан мурожаат этади: “<i>Инновация тушунчasi нимани англатади?</i>”, “<i>Инновацион технологиялар деганда нимани тушунасиз?</i>” Жавобларни қабул қиласди.</p> <p>2.3. Маърузанинг биринчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (<i>1-илова</i>). Талабалар билан бирга савол мазмунини холосалайди.</p> <p>2.4. Маърузани иккинчи саволини ёритишдан аввал талабаларга савол беради: “<i>Инновацион технологияларнинг қандай турларини биласиз?</i>” Жавобларни қабул қиласди.</p> <p>2.6. Маърузанинг иккинчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (<i>2-илова</i>). Талабалар билан бирга савол мазмунини</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар ёзадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар ёзадилар.</p>

	<p>хulosалайди.</p> <p>2.11. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li><i>Инновацион технологияларнинг моҳияти нимадан иборат экан?</i></li> <li><i>Инновацион технологияларнинг қандай турлари мавжуд экан?</i> Берилган жавобларни қабул қиласи.</li> </ol>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Яқуний босқич (10 дақиқа)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хulosा қиласи.</p> <p>3.2. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқларига тайёрланиб келиш вазифасини беради.</p>	<p>Саволлар берадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

## Ўқув кўргазмали материаллар

1-илова

### 1-савол. Инновацион технологиялар ҳақида тушунча



### 2. Инновацион технологияларнинг моҳияти ва уларнинг турлари

2.1-слайд

#### *Фикрлар хужуми (ақлий хужум)*

Бу усулнинг мақсади: катта микдордаги ғояларни йигиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишdir.

#### *Кластер технологияси*

Бу усулнинг маъноси -фикрларнинг тармоқланиши. «Кластер» технологияси- педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам беради. Талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

### ***«Иқтисодчи» технологияси (авторлик)***

Бу усул интерактив технология бўлиб, талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради.

### ***Бумеранг технологияси***

Ушбу технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит холатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. Биз бу усулни турли мазмун ва характерга эга бўлган мавзуларни ўрганишга фарқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини камраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топширикларни бажариши, навбат билан талаба ёки педагог ролида чиқиши мумкин.

### ***«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси***

Бу ўйин-усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

### ***Ролли ҳамда ишбон ўйинлар***

Ўйинли технологиялар таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлаш, талабаларда муайян фаолликни юзага келтириш, шунингдек, билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилувчи вақт оралигини қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

### **Веер (елтигич) технологияси**

Бу технология мураккаб қўп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, унда мавзунинг турли тармоқлар бўйича бир йўла шарҳ берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нукталарда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожланишига, ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

### **«Қарорлар шажараси» («қарорлар қабул қилиш технологияси») методи**

«Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хulosалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндошувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хulosса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва тушунишга хизмат қиласди.

### **«Қарорлар шажараси» методи қўйидаги шартлар асосида қўлланилади:**

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хulos (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.
2. Ўқитувчи талабаларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.
3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзил борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.
4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гурухи қарори борасида ахборот берадилар, Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигига барча талабалар билдирилган хulos (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» методи					
УМУМИЙ МУАММО					
1 - қарор варианти		2 - қарор варианти		3 - қарор варианти	
Афзаллиги	Камчи - лиги	Афзал- лиги	Камчи - лиги	Афзал- лиги	Камчи — лиги
<b>Қарор:</b>					

**Үзини текшириши учун савол ва топшириқлар:**

1. Фикрлар хужуми (ақлий хужум)моҳияти нимадан иборат?
2. Иқтисодчи» технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
3. Бумеранг технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
4. Иқтисодчи-раҳбар технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
5. Ролли ҳамда ишбоп ўйинларнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Веер (елпифич) технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
7. Қарорлар шажараси («қарорлар қабул қилиш технологияси») моҳияти нимадан иборат?

## Семинар дарснинг технологияси

<b>Машгулот вақти-4 соат</b>	<b>Талабалар сони:</b>	
<b>Машгулот шакли</b>	<b>Ахборотли- кўргазмали маъруза</b>	
<i>Маъруза режаси</i>	1. Инновацион технология турлари 2. Инновацион технологияларнинг моҳияти ва уларнинг турлари. 3. Инновацион технологияларни қўллаш маҳорати.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инновацион технология турларини аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этади;</li> <li>• Ишбилиармон ўйинларни мазмунини аниқлаш юзасидан фаолиятни ташкил этади;</li> <li>• Инновацион технологияларни ташкил этиш маҳорати масаласини таҳлил этишни уюштиради.</li> </ul>	
<i>Таълим берииш усуллари</i>	Суҳбат, тушунтириш, савол-жавоб.	
<i>Таълим берииш шакллари</i>	Оммавий, кичик гурӯҳларда, индивидуал	
<i>Таълим берииш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор	
<i>Таълим берииш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

**Машғұлотининг технологик харитаси**

<b><i>Иш босқычлар и ва вакти</i></b>	<b><i>Фаолият мазмуни</i></b>	
	<b><i>Таълим берувчи</i></b>	<b><i>Таълим олувчилар</i></b>
<b>1-босқыч. Мавзуга кириш (15 дақықа)</b>	1. Мавзу бүйича фаолият турларини белгилаш. 2. Талабалар ўкув фаолиятини фаоллаштирувчи топшириқ саволлари ҳамда мустахкамлаш учун вазифалар тайёрлаш.	
<b>2-босқыч. Асосий (55 дақықа)</b>	1.1. Ўтган мавзу юзасидан фаоллаштирувчи саволлар билан мурожат этади (1-илова). 1.2. Ишбилармон ўйинларнинг тамойиллари, вазифалари ва мақсадини аниқлаш бүйича индивидуал топшириқ беради (2-илова). 1.3. Бажарилган топшириқни текширади ва баҳолайди. 1.4. Талабаларни етти гурухга ажаратади ва ҳар бир гурухга алоҳида технология асосида талабаларнинг фаолиятини ташкил этиш вазифасини юклайди. 1.5. Ҳар бир гурух ўз топшириқни грухнинг бошқа аъзолари томонидан бажаришларини ташкил этадилар. 1.6. Бажарилган амалий топшириқ натижаларини таҳлил этади ва баҳолайди.	1.1. Тинглайдилар. 1.2. Жадвални тўлдирадилар. 1.3. Фаолият натижаларини таҳлил этадилар. 1.4. Грухларга ажараладилар ва ўзларига берилган топшириқни бажарадилар. 1.5. Ишланма бүйича грухнинг бошқа аъзоларини фаоляйтини ташкил этадилар. 1.6. Тинглайдилар.
<b>3-босқыч. Якуний босқыч (10 дақықа)</b>	3.1. Мавзу бүйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қиласи. 3.2. Кейинги мавзуни эълон қиласи ва унга тайёрланиб келишни сўрайди	Саволлар берадилар.  Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

### **Фаоллаштирувчи саволлар**

1. Фикрлар ҳужуми (ақлий ҳужум)моҳияти нимадан иборат?
2. Иқтисодчи» технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
3. Бумеранг технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
4. Иқтисодчи-раҳбар технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
5. Ролли ҳамда ишбоп ўйинларнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Веер (елпифич) технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
7. Қарорлар шажараси («қарорлар қабул қилиш технологияси») моҳияти нимадан иборат?

2-илова

### **Жадвални тўлдиринг**

№	Ишбилармон ўйинларни ташкил этиш тамойиллари	Ишбилармон ўйин жараёнида эришиш мумкин бўлган натижалар.	Ишбилармон ўйин-ларни ташкил этиш мақсади
1			
2			
3			

### 5.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<b>Машгулот вақти-4 соат</b>	<b>Талабалар сони:</b>	
<b>Машгулот шакли</b>	<b>Ахборотли- кўргазмали маъруза</b>	
<b>Маъруза режаси</b>	1. Интерфаол технологияларга изоҳ. 2. Органайзерлардан фойдаланиш маҳорати 3 Баркамол шахсини шакллантириш жараёнида интерфаол технологияларнинг ўрни.	
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Интерфаол технологиялар бўйича умумий тушунчаларни шакллантириш.		
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Интерфаол технологияларнинг мазмуни ва мақсадини ёритади;</li> <li>• Органайзер ва унинг турлари хақидаги маълумотни баён этади.</li> <li>• Муаммоли интерфаол технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беради.</li> <li>• Ҳамкорликда ўқитиш технологиларини мазмуни ва қўллаш қоидаларини баён этади.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Интерфаол технологиялар тушунчасига изоҳ беради;</li> <li>• Органайзерларнинг турларини санаб беради.</li> <li>• Муаммоли интерфаол технологияларни ўзига хос жиҳатларига изоҳ беради.</li> <li>• Ҳамкорликда ўқитиш технологияларни қўллаш қоидаларини билади.</li> </ul>	
<b>Таълим бериши усуллари</b>	Кўргазмали маъруза, сухбат, блиц-сўров, тушунтириш, савол-жавоб.	
<b>Таълим бериши шакллари</b>	Оммавий, жамоавий	
<b>Таълим бериши воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор	
<b>Таълим бериши шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<b>Мониторинг ва баҳолаши</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим оловчилар</i>
<b>Тайёргарлик босқичи.</b>	<p>1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.</p> <p>2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёраш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи топшириқ саволлари ҳамда мустаҳкамлаш учун вазифалар тайёрлаш.</p>	
<b>1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b>	<p>1.1. Экран орқали янги маъруза машғулоти мавзуси ва унда кўриладиган асосий саволлар, таянч иборалар моҳияти билан таништиради.</p> <p>1.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида ўтган машғулот мавзуси юзасидан саволлар беради (1-илова).</p> <p>1.3. Берилган жавобларни умумлаштиради ва янги мавзу мазмуни бўйича маълумотлар беришга ўтади.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</b>	<p>2.1. Маъruzani бошлишдан аввал талабаларда янги мавзу бўйича дастлабки маълумотларни текшириш мақсадида савол билан мурожаат этади “<i>:интерфаол</i>”, “<i>технология</i>”, <i>тушунчалари ҳақида қандай тассавурга эгасиз?</i></p> <p>2.3. Маъruzанинг биринчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (1-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хуносалайди.</p> <p>2.4. Маъruzani иккинчи саволини ёритишдан аввал талабаларга савол беради: “<i>Инновацион технологиялариниң қандай турларини биласиз?</i>” Жавобларни қабул қиласди.</p> <p>2.6. Маъruzанинг иккинчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (2-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хуносалайди.</p> <p>2.11. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар ёзадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар ёзадилар.</p>


	<p>саволларни беради: Интерфаол технологияларга изох беринг.</p> <p>Органайзерлар түшүнчесига изох беринг.</p> <p>Органайзерларни қандай турларини биласиз?</p> <p>Тахлилий технологияларга мисоллар келтириңг.</p> <p>Матн билан ишлашга мүлжалланган технологияларга мисоллар келтириңг.</p> <p>Муаммоли технологияларга мисоллар келтириңг.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Яқуний босқич (10 дақықа)</b>	<p>3.1. Мавзу бүйича талабаларда юзага келгандар саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қиласы.</p> <p>3.2. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқларига тайёрланиб келиш вазифасини беради.</p>	<p>Саволлар берадилар.</p> <p>Вазифани ёзіб оладилар.</p>

## Фаоллаштирувчи саволлар

1. Инноваци нима?
2. Инновацион жараён қарама-қаршиликлари нималардан иборат?
3. Қандай инновацион технологиларни биласиз?
4. Ролли ҳамда ишбоп ўйинларнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Веер (елпифич) технологиясининг моҳияти нимадан иборат?
6. Қарорлар шажараси («қарорлар қабул қилиш технологияси») моҳияти нимадан иборат?

2-илова

<b>Умумий асихология</b>	<b>Ижтимоий психология</b>	<b>Ёш даврлари психологияси</b>	<b>Умумий ва ижтимоий психология</b>	<b>Ижтимоий ва ёш даврлари психологияси</b>	<b>Ёш даврлари ва умумий психология</b>	<b>Умумий, ижтимоий ва ёш даврлари психологияси</b>
психика, онг, ҳиссий иродавий ҳолатлар	Гурухлар, жамоа, гурухлараро муносабат)	ёш даврларининг табақаланиши, ёш даврларининг тараққиёти, ёш даврларининг инқиро-зи)	Шахслар аро муносабатлар	Жамоада шахснинг ривожланиши	Индивиж уал типологик хусусиятлар	Фаолият, билиш жараёни, шахс



З-илова

**«Т» схема асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш.  
(**«Т» схема жадвали**)**

+ (ха, ижобий)	- (йүқ, салбий)



НАМУНА

## Т- СХЕМА «Тест назорати»

Ютуғи	Камчилиги
Ватқни тежалиши	Нтүқнинг ривожлан-маслиги
Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони	Мулоқатни йўқлиги.
Мантқий фикрни ривожлантириш.	Ҳамкорликда фао-лиятнинг йўқлиги Педагогик муно-сабатнинг йўқлиги


3-илова

### Инсерт

- V- биламан тугри келмади (-)
- (+) –янги ахборот ( ? )- тушунмадим

V	+	-	?

**SWOT – таҳлили жадвалидан фойдаланиш жараёнида  
талаба мавқжуд ҳолатни таҳлил қиласи ва баҳолайди.**  
**Таҳлил ва синтез қилиш йўли билан бирор мантиқий**



4-илова


## SWOT -таҳлили

- S-кучли томони
- W- кучсиз томони
- O- имкониятлари
- T- хавф-хатар

Strengths	Weakness
Opportunities	Threats


**Муаммоли таълим методига SWOT – таҳлил**

<b>S</b>	<b>Кучли томони</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- муаммоли таълим асосида талабалар билимларни фаол ўзлаштирадилар</li> <li>- мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради</li> <li>- мавзунинг моҳиятини чуқур тушунишга ёрдам беради</li> </ul>
<b>W</b>	<b>Ожиз томони</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- кўп вақт талаб этади</li> <li>- алоҳида тайёргарлик талаб этади</li> <li>- кўп куч талаб этади</li> </ul>
<b>O</b>	<b>Имкониятлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- талабалар сони чекланган бўлиши лозим</li> <li>- барча мавзуларни муаммоли таълим асосида ўрганиш имкони йўқ</li> <li>- педагогдан маҳсус тайёргарликни талаб этади</li> </ul>
<b>T</b>	<b>Хавфлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- белгиланган вақт оралиғида муаммонинг ечими топилмаслиги мумкин</li> <li>- барча талабалар фаол иштирок этмаслиги мумкин</li> </ul>

**«Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши****«Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари**

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

## Ахлоқий тарбия жараёнини самарадорлигини ошириш муаммоси



### «Қандай?» иерархик диаграммаси

«Қандай?» иерархик диаграммаси асосида фаолиятни ташкил этиш қоидалари:

1. Вужудга келган муаммони сабабини аниқлаш зарур, аммо ана шу муаммони қандай йўллар билан ҳал этиш мумкин деган саволга жавоб беришни ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. «Қандай?» иерархик диаграммаси ана шундай ҳолларда самарали натижа беради.

«Қандай?» иерархик диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишга имкон берадиган саволарнинг мантиқий занжири кўринишида намоён бўлади.

Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйиш орқали сиз факат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усулларини ҳам ўрганасиз.


Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ҳал этишнинг қуий даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос бўлади.

2. Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиштиромай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.

3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агарда савол схемада бир қанча «шохлар»да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши керак.

### «Қандай?» иерархик диаграммасининг схематик кўриниши



## «Кандай» технологияси


■ КАНДАЙ?



■ муаммони ҳал  
этишнинг барча  
имкониятларини  
тадқиқ этиади  
ва уларни  
амалга ошириш  
усулларини ҳам  
ўрганади

намуна

## «Қандай ?» иерархик диаграммасыга



## Семинар дарснинг технологиясининг модели

<b>Машгулом вақти-4 соат</b>	<b>Талабалар сони: 30</b>
<b>Машгулом шакли</b>	<b>Ахборотли- кўргазмали</b>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Интерфаол технологияларга изоҳ.</li> <li>2. Органайзерлардан фойдаланиш маҳорати</li> <li>3. Муаммоли интерфаол технологиялар.</li> <li>4. Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари.</li> <li>5. Баркамол шахсини шакллантириш жараёнида интерфаол технологияларнинг ўрни.</li> </ol>
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Интерфаол технологияларни қўллаш малакасини шакллантириш	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Интерфаол технологиларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш фаолиятини ташкил этади;</li> <li>• Органайзерларга асосланиб иқтисодий мисоллар ишлаб чиқиши ташкил этади.</li> <li>• Муаммоли интерфаол технологияларни қўллаш асосида талабаларнинг фаолитини ташкил этади.</li> <li>• Ҳамкорликда ўқитиш технологисини амалда қўллаш бўйича фаолиятни ташкил этади..</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Интерфаол технологияларга изоҳ беради;</li> <li>• Органайзерлар асосида иқтисодий топшириқларни ишлаб чиқади.</li> <li>• Муаммоли интерфаол технологиялар асосида бажарилувчи иқтисодий топшириқларни ишлаб чиқади.</li> <li>• Ҳамкорликда ўқитиш технологиясини қўллаш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш малакасини намоён этади..</li> </ul>
<i>Таълим бериши усуллари</i>	Суҳбат, блиц-сўров, амалий иш
<i>Таълим бериши шакллари</i>	Жамоавий ва индивидуал
<i>Таълим бериши воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим бериши шароити</i>	Кичик гурӯҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат, амалий топшириқ

**Семинар машғулотининг технологик харитаси**

<b><i>Иш босқичлар и ва вақти</i></b>	<b><i>Фаолият мазмуни</i></b>	
	<b><i>Таълим берувчи</i></b>	<b><i>Таълим олувчилар</i></b>
<b>Тайёргарлик босқичи.</b>	1. Мавзу бўйича ўқув тарқатма материалларни тайёрлаш. 2. Талабалар ўқув фаолиятини ташкил этувчи топшириқлар тайёрлаш	
<b>1-босқич Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b>	1.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида ўтган машғулот мавзуси юзасидан саволлар беради (1-илова). 1.3. Берилган жавобларни умумлаштиради ва янги мавзу мазмуни бўйича маълумотлар беришга ўтади.	Саволларга жавоб берадилар.
<b>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</b>	2.1. Органайзерларнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш юзасидан саволлар билан мурожат этади. 2.2. Талабаларни 3 та кичик гурухларга бўлади. 2.3. 1-гурухга “ВЕНН” диаграммаси асосида фаолит кўрсатиш учун назорат топширигини ишлаб чиқиш топширилади. 2- гурухга “SWOD” таҳлил диаграммаси асосида фаолит кўрсатиш учун назорат топширигини ишлаб чиқиш топширилади. 3-гурухга “Т”схема асосида фаолит кўрсатиш учун назорат топширигини ишлаб чиқиш топширилади. 2.4. Тақдимотни эълон қиласди. 2.5. Тақдимот натижаларини таҳлил этади ва грух фаолиятини баҳолайди. 2.6. Талабаларни икки гурухга бўлади биринчи гурухга “Таълим самарадорлигини ошириш муаммоси” масаласини нима учун диаграммаси асосида сабабларини аниқлаш юклатилади. 2- гурухга “Таълим самарадорлигини ошириш муаммоси” масаласини қандай диаграммаси асосида ечимини топиш юклатилади. 2.7. Тақдимот натижаларини таҳлил этади ва баҳолайди.	Саволларга жавоб берадилар. Грухларга бўлинади.  Гурухларда фаолият кўрсатади ва тақдимот тайёрлайди Тақдимот қиласдилар.  Диаграмма асосида фаолият юритадилар.
<b>3-босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қиласди. 3.2. Кейинги маъruzza дарсини мавзусини эълон қиласди.	Саволлар жавоб берадилар.

1-илова

### **Фаолштирувчи саволлар**

- Интерфаол технологиялар деб қандай технологиларга айтилади?
- Органайзерларнинг қандай турларини биласиз?
- Муаммоли интерфаол технологияларга мисоллар келтиринг.
- Баркамол шахсини шакллантириш жараёнида интерфаол технологияларнинг ўрнига қандай баҳо берасиз?

2-илова

### **Тақдимотни баҳолаш меъзонлари**

№	Топширикнинг максадга мувофиқлиги	Гурух аъзоларининг иштироки	Нуткнинг равонлиги	Кургазмалилик
1	2	1	1	1
2				
3				

Тўплаш мумкин бўлган максимал балл- 5 балл

86 – 100% 4,3-5,0 балл “аъло”

71 – 85% 3,6-4,2 балл “яхши”

55 – 70% 2,8-3,5 балл “қониқарли”

<b>Мавзу - 6</b>	<b>Педагогик жараённи шахсга йўналтириш асосидаги педагогик технологиялар. Ҳамкорлик педагогикаси</b>
------------------	---

**Маъруза дасрининг технологияси**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вакти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Маъруза дарси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаллифлик технологиялари</li> <li>2. Ҳамкорлик педагогикаси</li> <li>3. Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш</li> <li>4. Ўқитиши жадаллаштириш технологияси</li> </ol>
<p align="center"><i>Дарс мақсади :</i> талабаларда ҳамкорлик педагогикаси технологиялари ҳақида билимларни шакллантириш</p>	
<i>Педагог вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мақсадларни аниқлаштириш механизмини ёритиб беради.</li> <li>• Ўқув мақсадларини назоратга ўтказиш қоидаларини тушунтиради.</li> <li>• Тест шакллари ва турлари ҳақидаги маълумотни талабаларга етказади.</li> </ul>	<p align="center"><i>Ўқув натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мақсадларни аниқлаштириш йўллари ва ва усулларини айтиб беради.</li> <li>• Ўқув мақсадларини назоратга ўтказиш қоидаларини айтиб беради.</li> <li>• Тест шакллари ва тест турларини санаб беради</li> </ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	сухбат, кўргазмали материаллардан фойдаланиш, мұхокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал ва индивидуал савол-жавоб
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

## Маъруза дарсига технологик харита

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш	<p>1.1. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида саволлар билан мурожат этади (1-илова)</p> <p>1.2. Дарснинг мақсади ва талабалар эришиши лозим бўлган натижаларни баён этади.</p> <p>1.3. Дарснинг структураси билан таништиради.</p>	<p>1.1. жавоб берадилар.</p> <p>Эшитадилар ва керакли маълумот-ларни Ёзib оладилар.</p>
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Мини маъруза уюштиради ва аниқлаштирилган мақсадларни белгилаш механизми, бунинг зарурати ҳақидаги ахборотни слайдлар асосида талабаларга етказади(2-илова)</p> <p>2.2. Талабаларга саволлар билан мурожат этади (3-илова)</p> <p>2.3. Ўқаув мақсадларини назорат ишларига ўтказиш қоидаларини ва қўлаш мумкин бўлган тест шакллари ва турлари ҳақида маълумот беради(4-илова)</p> <p>2.4. Программалаштирилган таълим ҳақида маълумот беради.</p> <p>2.5. Талабаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида саволлар билан мурожат этади (5-илова)</p>	<p>2.1. Эшитади.</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.3. Эшитади ва ёзib оладилар</p> <p>2.4. Тинглайди лар ва ёзадилар.</p> <p>2.5.</p>
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хуносаларни айтиб ўтади.</p> <p>3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	<p>3.1. Савол берадилар.</p> <p>3.2. Ёзадилар. ЎУМ га қаранг.</p>

1-илова

### Текшириш учун саволлар


1. Педагогик технологияларни қамровига кўра қандай турларини биласиз?
2. Фалсафий жиҳатдан педагогик технологиялар қандай гурухларга тавсифланади?
3. Ташкил этиш ва бошқариш жиҳатидан қандай ёндашувлар мавжуд?
4. Шахс хусусиятларини ривожлантириш бўйича қандай технологияларни ажратиш мумкин?
4. Қандай муносабат турларини биласиз?

2-илова

## АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ



### Ўқув жараёнигининг тузилиши



## Аниқ мақсадларни белгилаш

АНИК  
МАҚСАД  
ЛАР  
1  
2  
3

НАЗОРАТ  
ИШИ  
1  
2  
3

УСУЛНИ  
АНИКЛАШ  
1  
2  
3

БАХОЛАШ  
1  
2  
3




### ТУШУНЧАЛАР

- МАВХУМ
- ЎРГАНМОҚ
- ТАНИШИБ ЧИҚМОҚ
- КҮРИБ ЧИҚМОҚ
- ТУШУНМОҚ
- ТАСАВВУР.К.

- АНИК
- БЕЛГИЛАШ
- ГУРУХЛАШ
- АЖРАТИБ ОЛИШ
- ТУЗИШ
- ЁДДАН АЙТИШ
- МАСАЛА ЕЧИШ
- ЧИЗИШ

## Бенджамин Блум

Педагогик мақсадлар таксономияси




1. Таълимнинг мақсади таълим олувчининг фикрлари, хислари ва ҳаракатларини ўзгартириш
2. Натижада-шахсий қадриятлар ва эътиқод ҳосил бўлади.

## **Таксономия**

«Таксономия» түшүнчөсү  
биология фанидан кириб  
келган булиб,  
классификациялаш, кетма-  
кетлик ва динамик  
боглиглика  
системалаштириш-деган  
маңнори билдиради.  
(иерархия)  
**(последовательность)**



## **Б.Блум таксономияси**



3-илова


### **Назорат учун саволлар**

1. Аңынавий таълим тизимида ўқув мақсадлари қандай белгиланади?
2. Мақсадларни аниқлаштириш қоидалари қандай?
3. ДТС да белгиланган талабалар қандай мақсадларни белгилашни тақазо этади?

4-илова

## **МУРАККАБЛИК ДАРАЖАСИГА КҮРА ТЕСТ ТУРЛАРИ**

- 1.ОДДИЙ ТЕСТ (ЭСЛАШ, ЁДДА САҚЛАШ, ТАНИШ КАБИ ПСИХИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОРИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТЕСТ. БИЛИМЛАРНИ МУСТАХКАМЛАЙДИ.**
- 2.РЕПРОДУКТИВ ТЕСТ (ЭСЛАШ, ЎХШАШ ВАЗИФАНИ БАЖАРИШ) БИЛИМ, МАЛАКА, КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ТЕКШИРАДИ.**
- 3.ПРОДУКТИВ ТЕСТ( ЭСЛАШ, ФИКР ЮРИТИШ, МУАММОНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШ) МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ШАКЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ТЕКШИРАДИ.**
- 4.ИЗЛАНУВЧАН – ИЖОДИЙ ТЕСТ ( БИЛИМЛАРНИ ЭСЛАШ, АНАЛИЗ-СИНТЕЗ, ХУЛОСА ВА ЕЧИМ ТОПИШ) ИЖОДИЙ ФИКРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ.**



5-илова

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Аниқлаштирилган мақсадларни белгилаш заруратини таҳлил қилинг.
2. Б.Блум таксономиясининг мазмунига изоҳ беринг.
3. Назорат ишларни қандай шаклларини ва турларини биласиз?
4. Программали таълимга изоҳ беринг.

#### **1.Аниқ мақсадларни белгилаш тартиби.**

- А) \* аниқ мақсад, назорат, усул, баҳолаш.
- Б) умумий мақсад, назорат, усул, баҳолаш.
- В) мақсад, усул, назорат.
- Г) мақсад, усул, назорат, баҳолаш
- Д) мақсад, назорат, баҳолаш

#### **2. Қуйидаги тушунчаларнинг қайсилари аниқ тушунчалар қаторига киради..**

- A) Ўрганмоқ.
- Б) Танишмоқ
- В) Кўриб чиқмоқ.
- Г) Тасаввур ҳосил қилмоқ.
- Д)\* Ёддан айтиб бермоқ

**3. Қуйидаги тушунчаларнинг қайсилари мавхум тушунчалар қаторига киради.**

- A) Белгилаб чиқмоқ.
- Б) Тузиш.
- В) Ёддан айтиш.
- Г) Иззоҳ бериш.
- Д) Тассавур қилмоқ

**4..Блум таксономияси неча даражадан иборат**

- А) 3 та
- Б) 2та
- В) 4 та
- Г) 5 та
- Д)\* 6 та

**5. Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади қандай даражаларда ойдинлашади?**

- А) таълим муассасаларининг мақсади ҳамда ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси;
- Б) ўқув предметининг мақсади, ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси;
- В) модул (ўқув элементи) нинг мақсади ва ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билан хамкорликдаги фаолияти модули, унинг ташхис қилинадиган охирги натижалари;
- Г) таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиришда, таълим мазмунини тартибга солишда;
- Д)\* а,б ва в.

## Семинар дасрининг технологияси

<i>Талабалар сони: 13</i>	<i>Вақти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Режа</i>
<i>Машиғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаллифлик технологиялари</li> <li>2. Ҳамкорлик педагогикаси</li> <li>3. Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш</li> <li>4. Ўқитиши жадаллаштириш технологияси</li> </ol>
<i>Дарс мақсади : талабаларда хамкорлик педагогикаси технологиялари ҳақида билимларни шакллантириш</i>	
<i>Педагог вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аниқ мақсадларни белгилаш бўйича талабаларнинг фаолиятини ташкил этади.</li> <li>• Ўқув мақсадларини назоратга ўтказиш юзасидан фаолиятни уюштиради</li> <li>• Турли мураккабликдаги тест назоратини ишлаб чиқишини ташкил этади</li> </ul>	<i>Ўқув натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз соҳаси бўйича бирор мавзуга аниқ мақсадларни ишлаб чиқади.</li> <li>• Ўқув мақсадларига мос ҳолда назорат ишлаб чиқади.</li> <li>• Турли даражадаги мураккабликга эга бўлган назорат турларини ишлаб чиқади.</li> </ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	сухбат, кўргазмали материаллардан фойдаланиш, муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиши шакли:</i>	Фронтал ва индивидуал савол-жавоб
<i>Ўқитиши шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория. Проектор
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

## Семинар дарсига технологик харита

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-босқич. Кириш	1.1. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида саволлар билан мурожат этади (1-илова)  1.3. Дарснинг структураси билан таништиради.	1.1. жавоб берадилар.  Эшитадилар .
2-босқич. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабаларни кичик гураҳларга бўлади ва уларга анъанавий мақсадни белгилаш усули ва мақсадларни аниқ белгилаш усулини таққослаш вазифасини юклайди(2-илова).  2.2. Таққослаш натижаларини тақдимотини эълон қиласиди (3-илова)   2.3. Танланган мавзуга аниқ мақсадларни тузиш ва уларга мос назорат ишларини ишлаб чиқиш топширилади.  2.4. Тақдимотни баҳолайди, камчиликларни белгилайди ва хулоса қиласиди.	2.1.Кичик гурухларда фаолиятни ташкил этади. 2.2.Тақдимот қиласиди.   2.3. Кичик гурухларда фаолият юритади. 2.4. Эшитади.
3-босқич Якуний. ( 10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни айтиб ўтади. 3.2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этади ва баҳолайди. 3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради	3.1.Савол беради.  3.2.Ёзади-лар.ЎУМ га қаранг.


## Назорат учун саволлар

- Педагогик жараёнида шахсни кўзда тутишга асосланган педагогик технология (Ш.А.Амонашвили технологияси).
- Ўқув материалини схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитишни жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов технологияси).
- Ўқитишни дастурлаш технологияси (Б.П.Беспалько).

2-илова



### «Венн» Диаграммаси



- 2 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

#### «Венн» диаграммаси асосида фаолиятни ташкил этиш босқичлари

«Венн» Диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, грухлаш малакаларини шакллантиради.

##### 1-босқич

Талабалар ушбу диаграммани тузиш қоидалари билан таниширилади

##### 2-босқич

Якка, жуфтликда ёки гурӯҳ ичидаги диаграмма асосида таққослаш фаолияти ташкил этилади

##### 3-босқич

Ўхшаш ва фарқли хусусиятлар диаграммага ёки жадвалга туширилади.

##### 4-босқич

Фаолият натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади

3-илова

### **Баҳолаш мезонлари кўрсаткичи (балл ҳисобида)**

- 86 – 100% 4,3-5,0 балл “аъло”  
71 – 85% 3,6-4,2 балл “яхши”  
55 – 70% 2,8-3,5 балл “қониқарли”

**7-Мавзу**

**Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва  
интенсификациялаш асосидаги педагогик  
технологиялар.Муаммоли ўқитиш технологияси**

**Таълим бериш технологиясининг модели**

<b><i>Машгулот вақти-6 соат</i></b>	<b>Талабалар сони:</b>
<b><i>Машгулот шакли</i></b>	<b>Ахборотли маъруза</b>

<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Муаммоли таълим ҳақида тушунча.</p> <p>2. Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаси ва усуллари.</p> <p>3. Муаммоли вазият.</p> <p>4. Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологияси.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Иқтисодий фанларни ўрганишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича умумий тушунчаларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммоли таълим ҳақида маълумот бериш;</li> </ul> <p>Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаси ва усулларини тушунтириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммоли вазиятларни тушунтириш;</li> <li>• Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологиясини ёритиб бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммоли таълим ҳақида маълумот берадилар;</li> <li>• Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаси ва усулларини тушунтирадилар;</li> <li>• Муаммоли вазиятларни тушунтирадилар;</li> <li>• Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологиясини ёритиб берадилар.</li> </ul>
<i>Таълим берииш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, сухбат, блиц-сўров, тушунтириш, савол-жавоб, муаммоли саволлар
<i>Таълим берииш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим берииш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим берииш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчиilar</i>

<b>Тайёргар лик босқичи.</b>	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёраш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи топшириқ саволлари ҳамда мустаҳкамлаш учун вазифалар тайёрлаш.	
<b>1-bosқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b>	1.1. Экран орқали янги маъруза машғулоти мавзуси ва унда кўриладиган асосий саволлар, таянч иборалар моҳияти билан таништиради. 1.2. Ўтган мавзу бўйича саволлар билан талабаларга мурожат этади, жавобларни умумлаштиради ва хulosалайди.	Тинглайдилар.  Жавоб берадилар
<b>2-bosқич. Асосий (55 дақиқа)</b>	2.1. Маъruzani бошлишдан аввал талабаларда янги мавзу бўйича дастлабки маълумотларни текшириш мақсадида савол билан мурожаат этади: “ <i>Муаммоли таълим деганди сиз нимани тушиунасиз?</i> ” 2.2. Жавобларни қабул қиласди. 2.3. Маъruzанинг биринчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (1-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хulosалайди. 2.4. Маъruzani икkinchi саволини ёритишдан аввал талабаларга савол беради: “ <i>Нима мақсадда муаммоли таълимга мурожсат қилинмоқда?</i> ” 2.5. Жавобларни қабул қиласди. 2.6. Маъruzанинг икkinchi саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (2-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хulosалайди. 2.7. Маъruzani учинчи саволини ёритишдан аввал блиц-савол ўtkazadi: “ <i>Муаммоли вазият деганда нимани тушиунасиз?</i> ” 2.8. Жавобларни қабул қиласди. 2.9. Маъruzанинг учинчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзиб олишларини эслатади (3-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хulosалайди. 2.10. Маъruzani тўrtinchi саволини ёритишдан	Саволларга жавоб берадилар.  Тинглайдилар, ёзадилар.  Саволларга жавоб берадилар.  Саволларга жавоб берадилар.

	<p>аввал блиц-савол ўтказади: “Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологияси қандай кўринишга эга бўлиши мумкин? Жавобларни қабул қиласди.</p> <p>2.11. Маъruzанинг тўртинчи саволини Power Point дастури слайдларини намойиши орқали ёритади ва уни ёзib олишларини эслатади (4-илова). Талабалар билан бирга савол мазмунини хulosалайди.</p> <p>2.12. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: “Муаммоли таълим деганда нима тушунилар экан?”, “Муаммоли таълим қандай тузлмага эга экан?”, “Муаммоли таълим дараҷаси ва усулларининг моҳиятини нимадан иборат экан?”, “Муаммоли вазиятнинг моҳияти нимадан иборат?”.  2.11. Берилган жавобларни қабул қиласди.</p>	
<b>3-босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хulosса қиласди.</p> <p>3.2. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқларига тайёрланиб келиш вазифасини беради.</p>	<p>Саволлар берадилар. Вазифани ёзib оладилар.</p>

## 1-савол. Муаммоли таълим ҳақида тушунча

1-слайд

Муаммоли таълим дейилганда, ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади.


Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:


- Ўқув материалини муаммолаштириш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириши;
- Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириши;
- Ўқитувчи томонидан муаммоли усуллардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш билиши;
- Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини

Муаммоли таълимнинг ноёблиги, унинг кўп вазифавийлигидадир, яъни уни қуйидаги вазифаларни самарали ҳал этишда кўриш мумкин:

- ✓ Ўқишига бўлган ички мотивацияни кучайтиришда;

✓ Гуллик ишанинни аниқлашда;





## 2-савол. Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаси ва усуллари

### Муаммоли таълимнинг тузилиши:

- Ўқув муаммоси;
- Уни ҳал этиш бўйича фараз ёки тахминлар;
- Илгари сурилган фаразни асослаш, яъни турли кўринишдаги исботлар (назарий, тажрибавий-амалий, далилий);

## 2.2-слайд

Агарда, илгари сурилган муаммо бир фаразни илгари суриб унинг исботи билан ҳал этилса, унда бу ерда *монотузлима* бўлади (битта муаммоли- тузлимага келтирилган блок).

Агарда муаммони ҳал этишда бир фатор фаразлар илгари сурилса, ва уларнинг ҳар бири бўлиш эҳтимоли бўлиб қўринса ва шу боис чуқур таҳлил қилиш, исботларни кўриб чиқиш талаб этилади, бундай ҳолда *параллел турдаги ярим тузилмага* эга бўламиз:

## 3-илова

Агарда илгари сурилган муаммо катта ҳажмли бўлса ва уни изчилликда ҳал этиладиган кичик муаммоларга бўлиш мумкин ва буни изчиллик туридаги ярим тузилмавий муаммоли ўқитиш ҳисобланади:

Муаммо → Кичик муаммо → 1 Фараз 1 → Исботлаш 1 → Хулоса 1 →  
Кичик муаммо 2 → Фараз 2 → Исботлаш 2 → Хулоса 2... → Умумий хулоса

бўлиб, бунда талаба ўзи мустақил равишда муаммони илгари суради ва уни ҳал этади. Бу даражага *тадқиқотчилик усули* мос келади ва уни амалга ошириш шакли бўлиб - бу муаммоли амалий ва назарий топшириқларни ечиш ҳисобланади.

## 2.5-слайд

## 4-илова

Қисман-изланувчилик даражада муаммо (муаммоли вазият) таълим берувчи томонидан илгари сурилиб, уни ечимини мустақил равишда топишни эса, таълим берувчи раҳбарлиги остида талабага топширилади. Бу муаммоликнинг ўртача даражаси бўлиб, у *эвристик-диалог усули* ёрдамида ташкил қилиниши мумкин ҳамда уни эвристик хусусиятидаги сухбат шаклида амалга оширилади.

Қисман-изланувчилик даражада муаммо (муаммоли вазият) таълим берувчи томонидан илгари сурилиб, уни ечимини мустақил равишда топишни эса, таълим берувчи раҳбарлиги остида талабага топширилади. Бу муаммоликнинг ўртача даражаси бўлиб, у *эвристик-диалог усули* ёрдамида ташкил қилиниши мумкин ҳамда уни эвристик хусусиятидаги сухбат шаклида

## 2.7-слайд

### 3-илова

Муаммоликнинг энг паст даражаси- бу муаммоли баён этиш бўлиб, бунда таълим берувчини ўзини талабалар олдига муаммоли вазиятни яратиб, муаммони илгари суради, ўзи фаразни илгари суради ва ўзи уни исботлайди. Бу даражага мос келадиган усулни - муаммоли баён этиш деб аталади ҳамда уни амалга ошириш шакли – муаммоли хусусиятдаги маъруза ҳисобланади.

## 3.1-слайд

**Муаммоли вазият-** бу таълим олувчини рухий ҳолати бўлиб, бунда у:

- 1) зиддиятларни кўради;
- 2) уларни мураккаблигини ҳамда уларни енгиб ўтиш учун янги маълумотлар талаб этилишини англаб етади.
- 3) ушбу зиддиятларни ҳал этишни истайди.

Муаммоли вазиятлар натижасида талаба онгига муаммо шаклланади. У ваҳоланки, савол шаклида амалга оширилади ва муаммо қанчалик чукур шакллантирилган бўлса, унга қизиқиш қўпроқ бўлади, демак уни ҳал этиш ҳам мувваффакиятли бўлади.

### 4-илова

**Муаммоли вазиятларни яратишдаги зиддиятлар:**

- Маълум ва номаълум ўртасида;
- Расмий ва ҳақиқий билим ўртасида;
- Ўзлаштирилган билим ва уларни янги амалий шароитларда қўллаш ўртасида;
- Фақат бир хусусиятдаги, лекин энг пастроқ ва баландроқ даражага эга бўлган билимлар ўртасида;
- Илмий ва ҳаётий билимлар ўртасида;
- Назария ва амалиёт ўртасида;
- Маълум бўлган ва янги бўлган далиллар ўратасида;
- Фантазия (ҳаёл, уйларма) ва ҳақиқат ўртасида



## Муаммоли вазиятлар

- **Фавқулотда вазият**
- **Низо вазияти**
- **Танлаш вазияти**
- **Инкор вазияти**
- **Фараз вазияти**
- **Номуттаносиблик вазияти**

*Муаммоли машгулотларни тузиб чиқиши босқичлари:*

- 1) Таянч билимларни фаоллаштириш;
- 2) Муаммоли топшириқ таҳлили;
- 3) Муаммони ажратиш;
- 4) Барча имконли тахминларни илгари суриш;
- 5) Излаш майдонини торайиши;
- 6) Ишчи фаразлар исботи;
- 7) Ечимни тўғрилигини текшириш.

**Ўзини текшириш учун савол ва топшириклар:**

1. Муаммоли таълим деганда нима тушунилади?
2. Муаммоли таълим қандай тузлмага эга?
3. Муаммоли таълим даражаси ва усулларининг моҳиятини тушунтириб беринг.

3. Муаммоли вазиятнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологияси қандай босқичлардан иборат?

### **Семинар дарсини технологияси**

<b>Машгулом вақти-бсоат</b>	<b>Талабалар сони:</b>
<b>Машгулом шакли</b>	<b>Ахборотли маъруза</b>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаммоли таълимни келиб чиқиши трихи ва аҳамияти</li> <li>2. Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаси ва усуллари.</li> <li>3. Муаммоли вазиятларни яратиш</li> <li>4. Муаммоли таълимни тузишнинг умумий технологияси.</li> </ol>
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b>	Муаммоли таълим ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, муаммоли таълимни ташкил этиш бўйича малака ва кўнимкаларни шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммоли таълимнинг бугунги кундаги аҳамиятини аниқлаш жараёнини ташкил этади;</li> <li>• Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаларини ташкил этиш шартларини ўрганишни ташкил этади;</li> <li>• Муаммоли вазиятларни яратиш жараёнини ташкил этади;</li> </ul> <p>• Муаммоли таълимга баҳо беради.</p> <p>• Муаммоли таълимнинг тузилиши, унинг даражаларини ташкил этиш малакасига эга бўлади.</p> <p>• Муаммоли вазиятларни яратидилар.</p>
<i>Таълим берииш усуллари</i>	савол-жавоб, кичик груҳларда фаолият юритиш,

<i>Таълим берииш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим берииш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим берииш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

### **машғулотининг технологик харитаси**

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
<b>Тайёргарлик босқичи.</b>	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи топшириқ саволлари ҳамда мустаҳкамлаш учун вазифалар тайёрлаш.	
<b>1-босқич Мавзуга кириш (15 дақиқа)</b>	1.1. Блиц сўров ўтказади (1-илова). 12. Жавобларни умумлаштиради ва хulosalайди.	1.1. Жавоб берадилар. 1.2. Тинглайди
<b>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</b>	2.1. Жуфтликларга бўлиннишни таклиф этади. 2.2. “Венн” диаграммаси асосида репродуктив таълим тизими билан муаммоли таълим тизимини таққосланг(2-илова). 2.3. Фаолият натижаларини текширади, хатоларни тўғирлайди ва хulosalайди. 2.4. Муаммоли таълим даражаларига изоҳ беишни сўрайди. 2.5. Талабаларни олти гурӯхга ажаратади ва ҳар бир гурӯхга алоҳида муаммоли вазият яратиш вазифасини юклайди. Яратилган вазиятларга қўшни гурӯхлар жавоб топишлари лозим эканлигини эълон қиласди. (3-илова).	2.1. Талабалар жуфтликларга бўлинади. 2.2. “ВЕНН” диаграммаси асосида фаолият юритади. 2.3. Тинлайди, текширади. 2.4. Жавоб беради. 2.5. Гурӯхда фаолият

	2.6. Ҳар бир гурӯҳ тузган муаммоли вазиятга бошқа гурӯҳ ечим топишини уюштиради. 2.7. талабалар фаолитини таҳлил этади ва баҳолайди	юритадилар. 2.6.Муаммоли вазиятларни ечимини топадилар. Тинглайдилар.
<b>3-босқич. Яқуний босқич (10 дақиқа)</b>	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қиласди. 3.2. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқларига тайёрланиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова


### Блиц сўров

- 1.Муаммоли таълим талабаларда қайси хусусиятларни шакллантиради?
2. Муаммоли таълимнинг неча даражаси бор?
3. Муаммоли вазиятларни неча турини биласиз?
4. Муаммоли таълим назарияси ким томонидан ишлаб чиқилган?
- 5.Муммомли таълимнинг икониятлари қандай?

2-илова

«Венн» диаграммаси асосида фаолиятни ташкил этиш босқичлари

**«Венн» Диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, түшүнчани, гояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, грухлаш малакаларини шакллантиради.**



**1-боскич**

Талабалар ушбу диаграммани тузиш қоидалари билан таништирилади




**2-боскич**

Якка, жуфтликда ёки гурӯх ичида диаграмма асосида таққослаш фаолияти ташкил этилади



**3-боскич**

Үхшаш ва фарқли хусусиятлар диаграммага ёки жадвалга туширилади.



**4-боскич**

Фаолият натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади

3-илова

### **Гурӯхларда ишлаш учун вазифалар**

- 1-гурӯх- Танлаш вазиятини яратади.
- 2-гурӯх- Низо вазиятини яратади.
- 3-гурӯх- Номуттаносиблик вазиятини яратади.
- 4-гурӯх- Фараз вазиятини яратади.
- 5-гурӯх –Инкор вазиятини яратади.

<b>Мавзу -8</b>	<b>Ўйин технологиялари. Ўйин фаолиятининг вазифалари</b>
-----------------	--

### **Маъруза дарсини олиб бориш технологияси**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти -4 соат</i>
<i>Дарс шакли</i>	<i>Визуал маъруза</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўйин технологияси тушунчасига изоҳ.</li> <li>2. Ўйин технологияларининг функциялари.</li> <li>3. Ўйин структураси.</li> <li>4. Педагогик ўйинлар классификацияси.</li> </ol>

	5. Тадбиркорлик ўйинлар ва уларнинг турлари.
<i>Дарс мақсади : Ўйин технологияси ҳақидаги билимларни шакллантириш.</i>	
<i>Педагог вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"><li>• Ўйин технологияси тушунчасини ёритади;</li><li>• Ўйин технологияларининг функциялари моҳиятини ёритади;</li><li>• Ўйин структураси билан талабаларни таниширади;</li><li>• Педагогик ва тадбиркорлик ўйинларини ташкил этишнинг ахамиятини ёритади</li></ul>	<i>Ўқув натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"><li>• Ўйин технологиясининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлайди.</li><li>• Ўйин технологияси тушунчасига изох беради.</li><li>• Ўйин структураси қоидаларига изох беради.</li><li>• Педагогик ва тадбиркорлик ўйинларига изох беради.</li></ul>
<i>Ўқитишининг усул, техникаси:</i>	Маъруза, сухбат, муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
<i>Ўқитиши восита-лари:</i>	Маъруза матни, слайдлар.
<i>Ўқитиш шакли:</i>	Фронтал ва индивидуал
<i>Ўқитиш шарт – шароитлари:</i>	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб.

### Маъруза дарсига технологик карта

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	педагог	талаба
1-bosqich. Кириш (15 daqika)	1.1. Талабалар диққатини жамлайди ва янги мавзуни эълон қиласди. 1.2. Дарсдан кутилаётган натижаларни эълон қиласди.	1.1. Эшитадилар. 1.2. Ёзиб оладилар.
2-bosqich. Асосий босқич (55 daqika)	2.1. Фаоллаштирувчи саволлар билан талабаларга мурожат этади (1-илова). Талабалар фаолиятига баҳо беради. 2.2. Педагогик диагностикага оид маълумотни минни	2.1. Жавоб берадилар. 2.2. Эшитадилар,

	<p>лекция тарзida слайдлар асосида талабаларга баён этади(2-илова).</p> <p>2.3. Ахборот мавзусига оид саволлар билан мурожат этади ва ўзлаштирганлик даражасини аниқлади (3-илова).</p> <p>2.4. Ўйин технологиясининг мазмуни, мақсади ва уни ишлаб чиқиш технологиясига оид маълумотни талабаларга слайдлар асосида баён этади (4-илова)</p> <p>2.5. Ўйин технологияси мазмуни, мақасди ва турларига бағишлиланган тест асосида талабалар билимини текширади (5-илова).</p>	<p>мулохаза қиласидилар.</p> <p>2.3.Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.4.</p> <p>Тинлайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.5. Тест саволларига жавоб беради</p>
**Педагогик технология** – 1) олдиндан лойихалаштирилган педагогик жараённи амалиётга режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимиdir; 2) таълим-тарбия методларини у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимиdir; 3) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир.

«Технология» юонча сўздан келиб чиқкан бўлиб «*techne*» - маҳорат, санъат, малака ва «*logos*» - сўз, таълимот маъноларини англатади.

**Таълимни технологиялаштириш** – бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

**Педагогика тизим** – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир.

**Метод** – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

**Методика** – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

**Методология**- дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот.

**Муаммоли ўқитиш** – ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиласидилар.

**Педагогик фаолият** – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

**Педагогик жараён** - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, маҳсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари.

**Педагогик маҳорат** - педагогик жараенни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

**Дидактика** - таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

**Таълим олиш** – бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараш ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.

**Ўқитиш** – бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, муентазамли ташкилий жараёндир.

**Ривожлантирувчи вазифа** - ўқитиши жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.

**Тарбияловчи вазифа** – ўқитиши тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиши ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади.

**Билим** - ҳақиқий борлик умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

**Кўникма** – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

**Малакалар** – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.

**Анъянавий тизим-** ушбу тизим асосчилари Я.О. Коменский, Г. Песталоцци, И. Гербартлар таълим беришда асосий ўринни ўқитувчи фаолиятига ажратганлар.

**Дастурлаштирилган таълим бериш-** бу фоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиши жараёнини бошқаради.

**Ривожлантирувчи таълим-** ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.

**Ўқитиши мазмуни** (ўқитиши, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

**Таълим принциплари** - бу педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро хамкорликдаги фаолиятларини белгиловчи асосий коидалар тизимиdir.

**Таълим бериш усули** - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

**Маъруза** - давомли вақт ичида катта ҳажм бўйича монологик ўқув материалини баён қилиш.

**Семинар** - бу таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол сухбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиши шаклидир.

**Фанни ўқитиши услубиёти** – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиши мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиши воситалари баёнини ўз ичига олади.

**Концепция** - умумий фоя ёки бирор-нарса тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.

**Таълим воситалари** - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиши самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

**Таълимнинг техник воситалари (ТТВ)** - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

**Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ)** – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

**Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ)** - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

**Графикли ташкил этувчи** – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

**Таълим шакллари** (forma-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.

**Оммавий иш** (фронтал) - барча таълим оловчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

**Жамоавий иш** (коллектив) - ҳам умумий ва гурухлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисбот шаклини танлаш; 3) хulosаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим оловчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хulosаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

**Гурухли** - кичик гурухларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

**Якка тартибли (индивидуал)** - ўқув топширигини якка ўзи бажариши.

**Назорат** – доимӣ текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим оловчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади.

**Билимни текшириш ва баҳолаш** – таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларнинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириклар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.

**Назорат қилишли вазифаси** – талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

**Таълимий ва таълим бериш вазифаси** – талаба ўқитувчини саволига нафақат жавоб беради, балки топшириқ ҳам бажариб, ўртоқлари жавобларини мулоҳазалайди, ўзгартиришлар киритади.

**Жорий назорат** – ўқитувчи томонидан ҳар кунги ишда, асосан дарсда жараёнида амалга оширилади.

**Оралиқ назорат** – дастур мавзуси, бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

**Якуний назорат** – ўқув йили ярмида ёки йил охирида амалга оширилади.

**Фронтал текширув** – ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, ийлномалар) кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.

**Оғзаки текшириш** – назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани онсон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам беради.

**Ёзма назорат (диктант, баён ёзиши, саволларга ёзма жавоб бериши ва ёзма назорат ишилари)** – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гурухни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб, топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажralиб туради, бироқ топшириқни текширишга кўп вақтни талаб қиласди.

**Бошқарув** - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг маҳсус шакли.

**Мақсадни белгилаш** - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргалиқдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

**Ташхис** - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

**Башорат қилиш** - ўрнатилган вақт ичидаги мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

**Лойиҳалаш** - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш.

**Режалаштириш** - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишидан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари. 3-18 бетлар.
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меёрий хужжатлари. 18-52 бетлар.

#### **II. Ўзбекистон Республикаси президенти Фармон ва Қарорлари**

- 4.«Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2005, 3-июн.

#### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меёрий хужжатлари**

- 5.“Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. “Халқ сўзи”, 2010 й. 28 январь, 1- бет.

- 6.Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш”. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 й. 30 январь, 1-3 бетлар.

7.«Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

8.«2010 йилгача бўлган даврда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.

9.Ўзбекистоне Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисининг Қарори. “2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисида”, 2009 йил 13 февраль.

10.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруги.

11.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруги.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

12.Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999 й.

13.Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: “Ўзбекистон” 2009.-56 б

14.Каримов И. Энг асосий мезон-хаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т.: Ўзбекистон, 2009.-24 б.

15.Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

16.Ислом Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият».2008

#### **V. Дарсликлар**

17.Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2004.

18.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.

19.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент.,2003.

20.Фаберман Б.Л,Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишининг замонавий усуллари.Т-2002.

21.Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиши технологиялари.Тошкент 2001.й.

22.Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии.М.:Педагогика 2000г.

23.Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва 1998.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар**

24.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш

– устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуя. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010. – 340 б.

25.Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърӯзалар матни. – Т. 2007.

26.Хўжаев Н., Шарипов Ш. Маҳсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърӯзалар матни. – Т., 2005.

27.И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба 2007.

28.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2006.

29.Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. – Т., 2001.

30.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

31.Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2007.

32.Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.

33.Расулова Ф. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Т.: ТДИУ. 2007.

34.Маҳкамов У. Тилабова Н. Касбий маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.

35.Тожибоева Д. Маҳсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2007.

36.Йўлдошев Ж, ,Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: “Иқтисодмолия”,2009.

37.Рахимов Б.Х ва б. Педагогик технологиялар схемаларда. Т.:Фан ва технологиялар, 2009.

38.Абдалова С, Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси.Т.: Фан ва технологиялар, 2009.

39.Бекмурадов А.Ш, Голиш Л.В и др. Современные технологии обучения.Т.: ТГЭУ, 2009г.

40.Ходжиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе. Т.:ТГЭУ,2009.

41. Х.Авлияқулов,Н.Мусаева Педагогик технология (дарслик) - Т.2012

42.Ш.Шодмонова,Р.С.Эргашев Қиёсий педагогика -Т.2005.

43.А.Ч.Чориев Педагогик технология ва педагогик маҳорат (маъruzалар матни)- Қарши 2010.

## **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

41.Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.-С.12

42.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000.-46 б.

## **XIII. Интернет сайтлари**

43. www.glef.org. Джордж Лукаснинг Таълимнинг фонди.
44. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.
45. www.rhecherswithoutborders.org. Чегарасиз ўқитувчилар.
46. www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.
50. www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**«Тасдиқлайман»**  
Ўқув ишлари бўйича проректор  
в/б. Ф.ф.д. Х.С.Зайнитдинов

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 йил

*Талабалар рейтинг тизими бўйича билимини баҳолаш*

# Мезони

Тошкент - 2014

Ушбу Низом ижтимоий фанлар кафедраси йиғилишида «30» июнь\_2012 йилдаги йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Иш баёни №14

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги №276 сонли буйруғи, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ва 2005 йил 3 декабрдаги «Тиббиет олий ўқув юртларида талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида Намунавий Низом»га асосан ишлаб чиқилди.

## 1. Умумий қоидалар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшликлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

1.2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) талабаларда Давлат таълим стандартлариға мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;
- б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари:
- Давлат таълим стандартлариға асосланганлик, аниқлик, хаққонийлик, ишончлилик ва кулай шаклда баҳолашни таъминлаш;
- в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштиришини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;
- г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- д) талабалар билимини холис ваadolатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;
- е) ўқув жараёнининг ташкилиш ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш..

1.3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг нazorати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

1.4. Талабалар билимини 100 балли рейтинг тизими орқали баҳолаш фанларни чуқур ўзлаштириш, топшириқлар ва уй вазифаларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш ва ишлашни кўзда тутувчи, умумий ўқув юкламасини ҳисобга олиш, ўз билими ва кўникмаларини мунтазам равишда оширишга интилиш, ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни шакллантиришга эришилади.

## **2. Баҳолаш мезонлари**

Талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида олиб борилади ва қўйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ)
- машғулотлардан бўш вақтда талабалар мустақил ишини баҳолаш
- оралиқ баҳолаш (ОБ)
- якуний баҳолаш (ЯБ)

Хар бир фан бўйича талабанинг семестр (йил цикл) давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

№	Баҳолаш тури	Максимал балл
1	Жорий баҳолаш	55
2	Талабанинг мустақил иши	5
3	Оралиқ баҳолаш	15
4	Якуний баҳолаш	20
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>

Талабанинг фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар-бир баҳолаш турларида тўплаган баллар йигиндисига тенг бўлади.

### **ЖОРИЙ БАҲОЛАШ (ЖБ)**

ЖБда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва кўникмаларини аниқлаб бориш кўзда тутилади ва у амалий, семинар машғулотларида амалга оширилади. Баҳолашда талабанинг билим даражаси,

амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси, шунингдек амалий билим ва қўникмаларни ўзлаштириш даражаси (яъни назарий ва амалий ёндашувлар) ҳисобга олинади.

ЖБ ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда оғзаки, ёзма иш, тест ёки уларнинг комбинацияси шаклида амалга оширилади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт.

ЖБ да максимал балл - 55 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ЖБ (саралаш)	55	30,2
2	Қониқарли	56-70	30,8-38,5
3	Яхши	71-85	39-46,7
4	Аъло	86-100	47,3-55

Талаба дарсга келиб унга мутлок тайёрланмаганида ва муҳокамада мутлок иштирок этмаганида – 1-2 балл қўйилади.

Саралаш бали 55 бални ташкил этади.

#### ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ (ТМИ)

Талабанинг мустақил иши ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 21.02.2005 йил 34-сонли буйруғи ва институт ректори томонидан 2005 йил 3 сентябрда тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” асосида ташкил этилади.

Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва 1 йил мобайнида сакланади.

Ижтимоий фанлар кафедраси барча фанлар учун талаба мустақил ишининг кафедра низоми ишлаб чиқилади. Бунда талаба мустақил ишининг шакл ва турлари, ҳар бир иш турига соатларни тақсимлаш ва аниқ баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

ТМИ максимал балл 5 - балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ТМИ	55	2,75
2	Қониқарли	56-70	2,8-3,5
3	Яхши	71-85	3,5-4,2
4	Аъло	86-100	4,3-5

#### ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими ёки қисми бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш қобилияти аниқланади.

Семестр давомида 1 та ОБ ўтказилади. ОБга ўқув машғулотларидан қарзи бўлмаган талабалар қўйилади.

ОБ кафедра мажлиси қарори билан ёзма иш, тест, оғзаки сухбат шаклларида ёки уларнинг комбинацияларида ўтказилиши мумкин. ОБ бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба ЯБга қўйилмайди.

ОБга максимал балл – 15 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ОБ	55	8,2
2	Қониқарли	56-70	8,4-10,5
3	Яхши	71-85	10,6-12,7
4	Аъло	86-100	12,9-15

### ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ

ЯБ да талабанинг билим, кўнишка ва малакалари фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ фан бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг ўтказилади.

ЖБ, ТМИ ва ОБ га ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБ га иштирок этишга хуқуқ берилади.

ЯБ ўтказиш шакли – тест, оғзаки, ёзма иш ёки ушбу усуллар комбинациясида Илмий Кенгаш қарори билан белгиланади.

ЖБ, ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштира олмаган (55%дан кам балл тўплаган) ёки узрли сабаблар билан баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга қуидаги тартибда қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилади:

- қолдирилган амалий машғулот келгуси дарсга қадар гурух ўқитувчисига қайта топшириш ва маслаҳат кунида топширилади. Зта машғулотни қолдирган талаба факультет декани рухсати билан қайта топширади.
- семестр якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) хисобланади.
- академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин декан рухсатномаси асосида қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муддат берилади. Шу муддат давомида ўзлаштира олмаган талаба белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади (биринчи курс талабаларига ўқув йили якунлари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир).

ЯБга максимал балл – 20 балл

№	Баҳолаш тури	Фоизда %	Баллда
1	ЯБ	55	11
2	Қониқарли	56-70	11,2-14
3	Яхши	71-85	14,2-17
4	Аъло	86-100	17,2-20

### РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Фандан рейтинг назорати бўйича якунловчи қайднома варақаси (ведомость) фан тутаган кундан 1 кун муддатда кафедрада 2 нусхада тўлдирилади ва масъул ходим, кафедра мудири томонидан имзоланиб, 1 нусхаси деканатларга топширилади.

Талабанинг фан бўйича баҳолаш турларида тўплаган баллари рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига фанга ажратилган умумий юклама соатлари, “Фандан олган баҳо” устунига эса, талабанинг мазкур Низомининг 3.1. – бандига мувофиқ 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш бали қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши “Рейтинг дафтарчаси”да қайд этилмайди.

Деканат ва кафедралар томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖБ, ОБ ҳамда ЯБ турларида кўрсатилган ўзлаштириш рейтинг кўрсатгичларининг мониторинги олиб борилади. Ўзлаштириш натижалари кафедралар томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритиб борилади ва белгиланган тартибда қайдномаларга киритилади. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда тўлдириш вазифаси кафедра мудири ва факультет декани зиммасига юклатилади.

Талабанинг рейтинг кўрсатгичлари олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Мавзу: Педагогик технологиялар курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.**

**Режа:**

- 1.”Педагогик технологиялар” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.
- 2.”Педагогик технологиялар” фани бошқа педагогик фанлар ўртасидаги ўрни.
- 3.”Педагогик технологиялар” фанининг методологик асоси.

“Педагогик технологиялар фанининг мақсад ва вазифалари.”

-лицеј ва коллажларнинг бўлажак ўқитувчиларининг замонавий педагогик

технологиялар назарий асослари билимлари билан қуроллантириш;

- янги педагогик даражада педагогик жараёнларни самарали ташкил этишлари

учун зарур маҳоратларга эга бўлишлари;

- замонавий педагогик технологиялар, гоялар мактаблар, йўналишлар, кенг турларида йўл топа билиш маҳорати;

- педагогик фаолиятни ижодий ва методик тўғри бажаришга тайёрликни шакллантириш;
- мустақил ишлаш, мустақил билим олиш, ўзини тарбиялаш ва ўзини мутахасислик даражасини доимий ошириб боришга интилишни фаоллаштириш.

### **“Педагогик технологиялар”фанининг бошқа фанлар билан алоқаси**

“Педагогик технологиялар”фанини ўрагниш педагогик назарияси ва тарихи, педагогик маҳорат, психология, Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа, мантиқ, этика, маънавият, Ўзбекистон тарихи, мактаб гигенаси ва физиологияси, она тили билан ўзаро боғлиқликда курилади.

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг энг масулиятли босқичи-ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг кескинбурилиш даврини бошдан кечирмоқда. 20 аср тугаб, жамиятимиз ҳар бир фуқороси 21 аср ибтидосида, ортда қолган йўлларни сарҳисоб қилиш ва келажак ҳаётнинг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Бундай ҳолларда жамият ижтимоий ривожининг илмий асосланган истиқболлий режасини тузиб, унинг устивор йўналишларини белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилишига:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилаш:
2. Пираворд мақсадга эришиш чора-тадбирларни излаб топишга боғлиқдир.

Илмий тилда буни фаолиятнинг метадологик асосини аниқлаш ва мақсадга етишиш усул ва услубларни тўғри белгилаш дейилади.

“Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларди тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччик-чучугини билиш керак”, - деган эди И. Каримов.

Юқоридагилар жамият ҳаёти барча жабҳаларининг мувафақиятини белгилаб берувчи, шу билан, уларнинг пойдевори ҳисобланувчи таълим-тарбия соҳасига ҳам тўлалигича тегишлидир.

Республик Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтай низардан ёндошиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон ҳалқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятни баҳш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳоратиузлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”.

Масъулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг 9 сесиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни (1997 йил 29 август) рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурни таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилади.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаш билан узвий боғлиқдир.

Ушбу дастур мазмунида баркамол шаҳс ва малакали мутахасисни тарбиялаш вояга етказиш жааёнини моҳияти тўлақонли очиб берилгандир. Малакали кадрлар тайёрлар жараёнинг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил

етиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиш борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим. Чунончи, мазкур жараённинг *биринчи босқичи* ( 1997-2001йиллар)да “...ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиши ва жорий этиш”,*иккинчи босқич*(2001-2005 йиллар)да “...таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустахкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётларни ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” ҳамда учунчи *босқич* (2005 ва ундан кейинги йиллар) да “...таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустахкамлаш ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув услугубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш”каби долзарб вазифалар ижобий ҳал этилмоғи лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган,

Кейинги 10 йиллар ичida яратилган, педагогикага бағишлиланган адабиётларда “Педагогик технология”, “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология” каби тушунчалар кўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилар илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитга мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилоқдалар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларни илмий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурияти туғилди деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика услублари мавжудку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мағкуралаштирилган жойларни ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?- деган мулоҳазалар ҳам эмас.Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчиликнинг аксарияти, айнан мана шу йшлдан бормоқда. Бу йўл иложисизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат ҳизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ ҳизмат қила олмайди. Чунки:

Биринчидан маълум сабабларга кўра жаҳон\_хамжамияти тараққиётдан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирларидан фойдаланиш зарурлиги:

Иккинчидан ананавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “Ахборатли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфизли билимлар манбаига айланиб қолганлиги :

Учинчидан Фан-техтика тараққиётининиг ўрта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегаралангандиги:

Тўртингидан кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдалари натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафакурга ўтиб бораётгандиги:

Бешинчидан ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажму ёндошув тамоилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология фани юқорида санаб ўтилган 5та сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Дарҳақиқат, 20 аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз бериш инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суърати моддий ишлаб чиқариш жараёни назарий (ғоявий) ҳамда амалий жихатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларни янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Ҳизмат қўрсатиш соҳаларини пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларни моддий ва маънавий ихтиёжларини ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий ихтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларни қисқа муддат ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнининг йўлга қўйилишини тақазо этади. Ижтимоий зарурат маҳсулни бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради. Моддий ишлаб чиқариш, ҳом-ашиёни қайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, майший ҳизмат қўрсатиш ва бошқалар) да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нисбатан технологик ёндошув анаънаси юзага келади. Технологик ёндошув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини юритишга ҳизмат қиласи. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида ҳом-ашиёни танлаш (дастлабки босқич)дан мхсулотни истемолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврини ўз ичига олган жараён таҳнологик жараён сифатида этироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндошув муайён соҳаларда ислоҳатларни ташкил этиш уларни муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий илғор юксак технологияни тадбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан илм-фан ҳамда техниканинг сўнги ютўқларига таяниш, йрик молтянинг маблағлар ва юксак даражадаги касбдаги касбий маҳоратга эга малакали мутахасисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларнинг кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларнинг қўллаш шартларидан бири-малакали мутахасисларни тайёрлаш, уларни касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамоили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида этакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожида ўз тасирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзини яхшиланшига олиб келади.

Инсонга цивилизацсиясининг қути босқичларида шахисни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида

ташкил этилган бугунги кунга келиб талим жараёни ташкил этишга нисбатан ўта қатий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонлик англаш имкониятига эга, фавқулотда рўй берувчи вазифаларда ҳам фзага икелган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахасисни тйёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини техналогик ёндошув асосида ташкил этишни тақазо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарли ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда аҳборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Аҳборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жихатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказа беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этига хизмат қиласи.

## **2.”Педагогик технологиялар” фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.**

Педагогик технология фан сифатида бир қанча асосларга эга. Булардан энг аҳамиятларни ижтимоий, фалсафий, методологик, гигеник, мағкуравий, хуқуқий-мъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий, амалий ва бошқа асослар ҳисобланади. Улар билан қисқача танишиб чиқамиз.

Педагогик технологияни **ижтимоий асоси** ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг

таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжларни қондиришнинг мақсад ва талабларини ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У шахснинг жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади. Педагогик технологиянинг **фалсафий асоси** унинг мақсадлари ҳамда ташкилий шакл ва усулларини фалсафий жиҳатдан тўғри йўналишда бўлишини таъминлашга хизмат қиласи. Фалсафий оқимлар ва йўналишларнинг ҳар бири таълим-тарбия масалаларига ўзига хос ёндошади. Шу сабабли Педагогик технология фанининг фалсафий йўналиши унинг тўғри ёки нотўғрилигини, жамиятнинг маълум мақсадларига мувофиқ ёки зидлигини кўрсатади. Бу педагогик технологияларга баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Педагогик технология фанининг **методологик асоси** уни амалга оширишда қандай методларга асосланишини белгилайди инсонларни оламини ҳамда ўзларини билишлари турли тарихий даврларда турлича асосларга эга бўлган ва улар ўзига хос методларни келтириб чиқрган. Ҳозир олам ва унинг хусусиятлари ҳақида холис маълумотлар олиш хаққоний билимлар ҳосил қилишнинг илмий методикаси педагогик технологияларнинг методологик асоси ҳисобланади. Методологик асоснинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши технологиялар учун зарурӣ шартдир. Педагогик технологиянинг **дидактик асоси** унинг таълим-тарбия қоида ва тамойилларига мувофиқлигини белгилайди. Дидактик талаблар таълим-тарбиявий вазифаларнинг назарий жиҳатдан тўғри бажарилишини таъминлайди.

Педагогик технологиянинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиши унинг юқори самарадорлигининг зарурый шарти ҳисобланади. Бунинг учун замонавий дидактиканинг илмий ҳулосаларидан ижодий фойдаланиш талаб қилинади.

Педагогик технологиянинг **педагогик асоси** Замонавий педагогика фанининг илмий ҳулосаларидан келиб чиқади. Бунда педагогик технологиянинг умумий таркибий тузилмаси, мазмуни, шикли, усуллари, воситалари, педагогик жароённинг ташкил қилиниши, олиб борилиши, унинг диагностикаси, мониторинги, ўқув-мавзу режалар ва шу кабиларнинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши таъминланади. Педагогик технологиялар ҳозирги педагогика фанинг риважланишида катта ўрин эгаллаб бормокда.

Педагогик технологиянинг **психологик асоси** психология фанининг илмий ҳулосалари ва тавсиялари билан белгиланади. Улардан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдаланиш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли педагогик технология психология қонунларини тўлиқ ҳисобга олиши талаб этилади.

Таълимнинг ҳар бир босқичида тегишли ёш психологияси ҳусусиятларига мослаштирилган педагогик технологиялар қўлланилади. Ҳар бир босқичда тегишли даражадаги билим ва тарбия берилади. Бу масалаларни ўрганиш билан педагогик психология фани шуғулланади.

Педагогик технологиянинг **физиологик асоси** ўқувчиларнинг турли ёшдаги физиологик ҳусусиятларини ҳисобга олишдан иборат. Бунда ўғил ва қиз болалар физиологиясидаги фарқлар алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Педагогик технология жараёнида физиологик талабларни ҳисобга олиш соғлом авлодни вояга етказишнинг зарурый шарти ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг **гигеник асоси** таълим-тарбия жараёнида саломатликни сақлаш талабларига риоя қилишдан иборат. Бунда турли заарли ва ортиқча таъсирларни бартараф қилиш, ўқув шароити: ёритилганлик, ҳақорат, ҳавонинг тозалиги, ўқувчинининг ва ўқитувчинининг иш ўрни, жихозлар, ўқув нагрузкаларининг меъёрлари, дидактик воситаларнинг қулайлиги сифати ва шу кабилар тиббиёт, физиология, эргономика, экология талабларига, инсонпарварлик ва халқпарварлик ғояларига мувофиқ бўлган илмий асосларда белгилаб борилади.

Бу талаб ва меъёрларга риоя қилиш педагогик технологияни амалга тадбик этиш имкониятини яратади. Бу масалаларни ўрганиш билан мактаб гигенаси фани шуғулланади.

Педагогик технологиянинг **мафкуравий асоси** унинг миллий истақдол ғояси ва мафкураси тамоилларини ўзида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йўналтирилган бўлишидан иборат. Бунда баркамол инсонни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг фидоий, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли, ижтимоий фаол инсонни ваяга етказишдан иборат асосий вазифаларни амалга ошириб бориши ҳар бир педагогик технология учун долзарб масалалардан ҳисоланади.

Педагогик технологиянинг **хуқуқий-меъёрий асоси** таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир қонуний ва мъёри хужжатлар билан белгиланади. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг

таълим-тарбия соҳасига тегишли Фармонлари, Вазирлар қарор ва буйруқлари, улар асосида тайёрланиб ўрнатилган тартибга тасдиқланган низомлар, уставлвр ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Педагогик технология жараёни иштирокчилари ушбу ҳуқуқий-меъёрий асосларни тегишли даражада билишлари ва амалга ошириб боришлари лозим.

Педагогик технологиянинг **иқтисодий асоси** таълим менежменти ҳулосалари ва маркетинг тадқиқотлари натижаларига мувофиқ белгиланади. Педагогик технология ижтимоий соҳадаги фаолият бўлгани сабабли унинг иқтисодий самараси ўзига ҳос тартибларда аниқланади ва таъминот масалалари ҳал қилиб борилади. Педагогик технология иқтисодий асосини мустахкам бўлиши уни амалиётда давом эттириш учун зарурый шарт ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг **тариҳий асоси** таълим-тарбия масалаларини турли тариҳий даврларда амалга оширишнинг шакл ва усуллари, мазмuni ҳамда турли педагогик назариялар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиб улар замонавий педагогик технологияларнинг келиб чиқиши учун замин ҳисобланади. Ҳозирги педагогик технологиялар турли даврларда бошланган ишлар, олиб борилган таҳлиллар, чиқарилган ҳулосалар, мутафаккирлар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг ривожлантирилиши асосида пайдо бўлиб, такомиллашиб бормоқда. Педагогик технологиянинг тариҳий асоси унинг ўзига ҳос илдизларини ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда уларни билиш ва чуқур ўрганиш келгуси ривожланиш йўлларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида айтилган ав бошқа асослар умумлаштирилса, ҳар бир педагогик технологиянинг ўз назарий ва амалий асослари келиб чиқади. Улар алоҳида мақсад, вазифалари, мазмuni, шакл, усул, воситаларига мувофиқ белгиланади.

### **3. “Педагогик технологиялар” фанининг методологик асослари.**

Инсоннинг бошқа мавжудодлардан фарқи- олдига маълум бир мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидадир. Киши мақсад сари қиласидан ҳаракати (фаолияти) жараёнида муайян табий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бутўсиқларни енгиб ўтиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан фойдаланади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини усул дейилади.

Мақсадга етишда бир неча гоҳо ўнлаб – юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усуллар тегишли маълум бир тизимда қўлланилади.

Мақсадга етишда қўлланиладиган усуллар тизимини услуб (йўл) дейилади.

Усулларни маълум бир услугда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичларига бўй синдирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамоил сифатида амал қиласиди.

*Киши мақсад сари қиласидан ҳаракатида унинг тамоил вазифасини бажарувчи мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракати давомида амал қилиншии шарт бўлган қонуниятлар мажмууга методология дейилади.*

Ҳар бир шахсни, ижтимоий гурухни ва бутун жамиятни энг умумий, умумий ва хусусий мақсадлари бўлади, унчунин уларнинг энг умумий, умумий ва хусуси методологик асослари мавжуд.

Жамият олдига қўйган умумий мақсад кўрсаткичлари фалсафанинг умумий қонуниятлари ҳамма учун энг умумий методологик асосдир.

Ҳар бир соҳада мавжуд мақсад кўрсаткичлари билан фақат шу соҳада хукум сурувчи қонуниятлар шу соҳада фаолият кўрсатувчилар учун умумий методологик асос ҳисобланади.

Муайён фаолиятнинг энг умумий, умумий мақсад кўрсаткичлари ва қонуниятлари билан бирга шу фаолиятнинг ичида қисқа муддатли мақсад кўрсаткичлари ва тармоқ қонуниятлари ҳам бўлади. Уларга амал қилиш хусусий методология дейилади.

Одамлар фаолият кўрсатиш жараёнида ўз ишларини энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан бирдай келиб чиқсан ҳолда амалга оширадилар. Акс ҳолда қилган ҳаракатлари зое кетади.

Усул, услуг ва методология тушунчаларига умумфалсафий таъриф бериб чиққанимиздан сўнг уларнинг ўқув жараёнида ишлатилишини кўриб чиқамиз.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи-унинг ўз олдига мақсад қўйиб, мақсад сари ҳаракат қилишидир, деб таъкидладик.

Табий савол туғиладики. Бу мақсадлар қаёқдан пайдо бўлади? Жавоб: ҳар қандай мақсад алоҳида бир шахс, ижтимоий гурӯх ёки миллатнинг эҳтиёжидан келиб чиқади.

Инсон биоижтимоий мавжудод бўлганлигидан унинг биологик эҳтиёжи баробарида ижтимоий эҳтиёжи ҳам мавжуд.

Биологик эҳтиёжлар кишининг биологик табиатидан келиб чиқади. Тирик мавжудот сифатида ҳаётни сақлаб қолиш учун талаб этиладиган зарурий эҳтиёж биологик эҳтиёж дейилади. Буларга еб-ичиш, нафас олиш, ҳавф-хатардан сақланиш, насл қолдириш кабилар киради.

Ижтимоий эҳтиёжга кишининг ижтимоий тараққиёти натижасида вжудга келадиган фикр юритиш, фикр алмашиш, билим олиш, меҳнат қилиш, завқланиш севиш ва севилиш каби эҳтиёжлар киради.

Эҳтиёжни қондириш устида маълум вақт фикр-мулоҳаза юритилгандан кеин эҳтиёж ё инкор қилиниб бостирилади ёки унга етишиш мақсад қилиб қўйилади.

Мақсад ва унинг кўрсаткичлари аниқ бўлгандан кеин, унга етишиш усуллари тизими излаб топилади ва ҳаракат бошланади. Шунда мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракат пайитида ўз мавжудлигини намоён қилувчи қонунлар еғиндиси ушбу фаолиятнинг методологик асосини яъни амал қилиниши шартбўлган тамоиллар мажмууни ташкил қиласи.

Ҳар қандай жамиятни энг умумий мақсади бўлади. Уни миллий ғоя дейилади.

Ўзбекистон Республикасиҳалқарининг асосий мақсади хуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда одил фуқоролик жамиятини шакллантиришdir.

Бундай давлат ва жамият сифатларини ифода этувчи кўрсаткичлар бўлади. Улар фалсафанинг энг умумий қонуниятлари билан биргаликда жамият аъзоларининг барча фаолиятига, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасидагиларга ҳам, энг умумий методологик асос вазифасини бажаради.

Киши ўз фаолиятида энг умумий тамоилларга амал қилиши билан бирга муайян бир соҳанинг умумий мақсад ва қонуниятларига тамоил сифатида суюнади, деган эдик.

Педагогик жараённинг умумий методологияси соҳа олдига қўйган мақсад кўрсаткичлари билан дидактиканинг умумий тамоиллариридан.

Педагогика соҳасининг умумий мақсади жамиятнинг энг умумий мақсади, яни ғоясидан келиб чиқиб, ажралмас қисми ҳисобланади.

Маориф соҳасининг умумий мақсади ҳуқуқий демократик давлат ҳамда одил фуқоролик жамияти талабларига жавоб берувчи кишини тарбиялаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эркин, маърифатли ва демократик давлат фуқоролари қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак: ақиллий-мустақил фикр юрита оладиган;

Одобли-миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга;

Меҳнатсевар-меҳнат кишини ижтимоий эҳтиёжларига айланганлиги;

Билимли-диний, дунёвий ва фазовий билмларни кўп ва чуқур эгаллаб олиб, уларни ҳаётга қўллай олиши;

Соғлом-жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломат;

Миллий ғурурга эга-аждодларимизнинг моддий ва маънавий меъросларини эгаллаб, улар билан фаҳрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи;

Ватанпарвар-ватан учун халқ учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила оловчи ва зарур бўлса улар учун жонини қурбон қилувчи;

Байналминал-ўз миллати қаторида бошқа миллатларни ҳурмат қилувчи;

Инсонпарвар инсон зотига фақат яҳшиликлар йўлловчи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи;

Жасур ва шижаатли - ҳар бир ишига мардона киришиб, уни шижаат билан оҳирига етказувчи.

Бу ўнта ижтимоий сифат жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон улардан умумий методологик асос сифатида фойдаланиши керак. Бу умумсоҳавий методологиянинг биринчиқисми ҳисобланади.

Умумий методологиянинг иккинчи қисмини ўқитувчи(педагог)ларга яхши таниш бўлгандидактика тамоиллари ташкил қиласди.

Уларга: таълим-тарбия жарёнида таълим оловчи дикқатини берилаётган билимга қаратиб, уни жараён оҳиригача сақлаб туриш; ҳар бир билимни илмий асослаб бериш; билим беришда ўқувчи (талаба)нинг имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш; билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланиш; билим беришда мунтазамлилик ва давомийликни сақлаш; ўқув жараёнини меҳнат жараёни билан қўшиб олиб бориш; таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва унинг бирлиги тамоиллари киради.

Ҳар бир фаолиятнинг энг умумий, умумий методологик асослари билан бир қаторда ҳусусий методологияси ҳам мавжуд. Бизнинг мисолда, бу муайян ўқув предмети, муайян мавзу ва муайян дарсларни ўтишга кутилган мақсад кўрсаткичлари билан педагогик технологиянинг беш тамоиллари ҳисобланади.

Педагогик жараёнда амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асосни кўриб чиқдик. Ўқув жараёни билан шуғулланувчи ҳар бир ўқитувчи (педагог), тарбиячи ва бошқалар шубу уч методологик асаоснинг ҳаммасига бирдай амал қилиши шарт. Фақат шундагина улар кутилган натижага эришиши мумкин.

## **Таянч тушунчалари**

Педагогик технология, методология, метод, индивидуал ўқитиши, таълим-тарбия.

## **АДАБИЁТЛАР**

- 1.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Ўзбекистон, 1997йил
- 2.ЭльеонинД.В, Психология игры-М., 1979
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.-Т.: Шарқ, 1997.
- 4.Кларин М.В. Педагогическая технология-М., 1989
- 5..Ў.Толипов М.Усманбаева Педагогик технология 2005

## **Мавзу: Ўқитувчининг инновацион фаолияти**

### **Режа:**

1. Ўқитувчини инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 2.Ўқитувчининг инновацион фаолиятни шакллантириш шартлари.

## **Инновацион фаолиятининг назарий омиллари**

**Инновация** (инглизча innovation) - янгилик киритиши, янгиликдир.

А.И. Пригожин **инновация** деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жасамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришиларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.

**Биринчи ёндашувда** ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

**Иккинчи ёндашувда** алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўринини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

*1. Янги ғоя түгелиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*

*2. Ихтиро қилиши, яъни янгилик яратиш босқичи.*

*3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.*

*4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиши босқичи.*

*5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиши босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.*

**3.** Янги муқобиллик асосида, алмаштириши орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартиши босқичи.

**4.** В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

**Биринчи шаклга** янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

**Иккинчи шаклга** янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

---

**Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамиқ тизимдир.**

---

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизикиш уйғотади.

**Хусусий янгилик** В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгилинишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.

**Маҳаллий янгилик** конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

**Субъектив янгилик** маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

---

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади  
**Янгилик** - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

---

В.И. Загвазинский **янги** тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги **янги** бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илгор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка** ўқитиши ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:*

**Биринчи блок** - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

**Иккинчи блок** - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

**Учинчи блок** - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қўйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндиси;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичлиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик – ўзлаш тириш - диффузия (сингиб кетиш, марқалиши) – бойиши (тўйиниши) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиши) – замонавийлаштириши;*
- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режсалаштириши - ташкил этиши - раҳбарлик қилиши - назорат қилиши;*
- *ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиши, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

---

### **Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамрағолган тизимдан иборатdir.**

---

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- *педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;*
- *ниҳоят амалга ошиш қонуни;*
- *қолиплаштириши (стереотиплаштириши) қонуни;*
- *педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонуни;*

**Аёвсиз бемаромлик қонунида** педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

**Нихоят амалга ошиш қонуни** янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

**Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни** шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

**Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг** моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

**Инновациянинг биринчи типи** стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуслари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

**Инновациянинг иккинчи типи** онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- *маданиятишунослик жиҳатидан (инсонни билишининг устувор ривожланиши) ёндашув;*
- *шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;*
- *кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириши;*
- *индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.*

Олий мактабда **инновацион фаолиятнинг субъекти** ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида *талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади*. Унга қуидагиларни киритади: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаяётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиши, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади*. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири **талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш**.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

**Таянч йўналишлар - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнин интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларг ўтиш.**

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши **гуманистик аксиология** экан деган хуносага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар жамиини англатади.

**Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан бир мақсади сифатида қаралади.**

### **3.2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси**

**Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.**

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Акмеология (akme) - юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г. Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг професионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, професионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак професионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак професионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- *истеъодод нишоналари;*
- *уқувлилик;*
- *қобилият;*
- *истеъодод;*
- *оила тарбияси шароити;*
- *ўқув юрти;*
- *ўз хатти-ҳаракати.*

Акмеология илмий нуқтаи назардан професионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсии ва таомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириши сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги гайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйгу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В.Вишнекова).

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитши;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриши;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топшиши;
- шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгиланишининг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамилик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини баҳшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

**Креативлик** термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрининг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;

- *фаразлар яратиши қобилияти;*
- *хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)*

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

**Биринчи босқичда** тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; **иккинчи босқичда** мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; **учинчи босқичда** ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; **тўртинчи босқичда** ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакорон концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир.

**Рефлексия** ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Педагогикага оид адабиётларда рефлектив жараёнларни изоҳлашнинг иккита анъанаси мавжудлиги айтилади:

- *объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлектив таҳлили;*
- *шахслараро мулокот маъносини тушуниши рефлексияси;*

Бу билан боғлиқ равища педагог олимлар қуидаги рефлектив жараёнларни фарқлайдилар:

- *ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниши;*
- *ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериси;*
- *ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиши.*

---

**Рефлексия (лотинча *Reflxio-* ортга қайтиш ) субъектнинг ўз (ички психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.**

---

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги ўзгаришларни фикрлаш жараёни деб ёзилади.

Психологик луғатда шундай изоҳ берилади: "Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасаввурларини билиш ҳамда тушунишини аниқлаб олишини ҳам англатади.

### 3.3. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

**Инновационлик** педагогик жараённи ифодалаб, нафакат унинг дидактик курилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуклидир.

**Инновационлик** очиқликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулокоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини

үқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти *мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир*.

**Мулоқотнинг янги вазияти** - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқенини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

*Кейинги шарти - бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.*

---

### **Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унини муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилгандир.**

---

**Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.**

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- *касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;*
- *меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;*
- *касбий янгиликларга нисбатан шайлик;*
- *дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиши;*
- *ўз имкониятларини рўёбга чиқарииш, ўз турмуши тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиши.*

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият қўйидагилар билан ўлчанади:

- *ижтимоий-иқтисодий янгиланиши таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгилашини талаб қиласди. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириши ва фойдаланишдан иборат бўлади;*
- *таълим мазмунини инсонпарварлаштириши доимо ўқитишнинг янги ташкилий шаклларини, технологияларини қидиришини тақозо қиласди;*
- *педагогик янгиликни ўзлаштириши ва уни татбиқ этишига нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.*

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланиши талаб қиласи. Бундай меъёрларга - янгилик, мақбуллик (оптимальность), юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради

**Янгилик** педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машхурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

**Мақбуллик меъёри** ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

**Натижалилик** ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

**Педагогик янгилик** ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади..

---

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичиға янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳриқ қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.**

---

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А.Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

- *шахснинг ижодий-мотивацисон йўналганлиги.* Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиши; ижодий ютуқларга интил иши; пешқадамликка интилиши; ўз камолотига интилиши ва бошқалар;
- *креативлик.* Бу – ҳаёлот (фантастлик), фараз; қолилардан ҳоли бўлиши, таваккал қилиши, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиши қобилияти, ўзича мушиоҳада юритиши, рефлексия;
- *касбий фаолиятни баҳолаши.* Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқ қот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиши қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериши қобилияти ва бошқалар;
- *ўқитувчининг индивидуал қобилияти.* Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иши қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиши ва бошқалар.

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластенин):

- *инновацион фолиятга бўлган заруриятни англаши;*
- *ижодий фаолиятга жалб қилиншишига шайлик;*
- *шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириши;*
- *ижодий муваффақиятсизликларни енгизишига шайлик;*

- инновацион фаолиятни ижро этиши учун технологик шайлик даражаси;
- инновацион фаолиятнинг касбий мустақилликка таъсири;
- касбий рефлексияга бўлган қобилият.

Олий мактабдаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири-ўқитувчи шахсидир.

Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиши мағбулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишига инновацион шайликни шакллантириши;
- янгича ҳаракат қила олишига ўргатиши.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ҳамда психология фанлари ютуклари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

### **Таянч тушунчалари**

Инновация, хусусий янгилик, диагностика, қолиплпштириш, ўқитувчининг инновацион фаолияти, аксиология, акмеология, креативлик, рефлексия.

### **АДАБИЁТЛАР**

- 1.Каримов И.А. Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори.-Т.: Узбекистон, 1997 йил.
- 2.Азизхужаева Н.Н. Уқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. Т.: 2000
- 3.Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологик обучения-М., 1995
4. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике – М.,1994.

## **Мавзу Педагогик технологияларнинг илмий асослари**

Режа:

1. Педагогик технологияларнинг илмий назарий асослари.
2. Педагогик технологиялар маҳияти.
3. Педагогик технологиянинг асосий аспекти.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда **педагогик технология** тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича бўлмай қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Беспалъко педагогик технологияни *амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси* сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий дикқат ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратилади, **дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари** тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П.

Беспалько ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсуски, педагогик **технология ва лойиҳа** тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда. Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

Н.Ф.Талызина ҳар бир педагог реал педагогик жараённи ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида *технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт* деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи -aloҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади (технология реал ўқитиш жараёни сифатида).

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув жараёнини техниклаштиришни тақозо қиласди.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равища кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, В.И.Давыдов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуклидир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари бўш технологияланганлиги бўйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишда топширикли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В. Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали қўп аниқланмаган масалалар бор. бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

---

**Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади).**

---

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«**Педагогик технология** – психологик ва педагогик ўгитлар йигиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев).

«**Педагогик технология** – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазманий техникаси» (В.П. Бесспалько).

«**Педагогик технология** – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«**Технология** – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йигиндиси» (В.М. Шепель).

«**Педагогик технология** – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.»(В.М.Манахов).

«**Педагогик технология** – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«**Педагогик технология** – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йигиндиси ва тартибини билдиради»(М.В.Кларин).

«**Педагогик технология** – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазманий умумлашма ҳисобланади». (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан **педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш** деган холосага келиш мумкин.

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига қўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

**Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технология** бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-харакатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

ўқитиш технологияси сатҳида ўқув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.

**Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва қасбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади.**

Бу тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:  
**Педагогик технология таълим мақсадлариға эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равиша ривожлантириш тизими лойиҳасидир.**

Олий таълимни ислоҳ қилиш бу масалаларга илмий асосланган нуқтаи назардан ёндашишга мажбур этади. Ҳар қандай лойиҳалаш, ўқитишнинг илмий асосланган воситалари бўлгани ҳолда унинг технологикилиги ҳисобланмайди.

---

Лойиҳалаш методологик функция бажаради. У талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усулларининг тадқиқот воситаси сифатида майдонгачиқади.

---

**Олий ўқув юртида таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик мулоқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиши, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади.**

Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришига қодир энг муҳим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантириш шартидир.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини таъминлайди, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир қўрсатади.

Касбий ўқитиш технологияси шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган қизиқишини юзага келтиради. Мутахассисга бўлган ҳар томонлама талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг ҳамкорлигига тезликда мосланган психологик-педагогик шарт-шароитларни амалга оширишга йўналтиради.

**Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик тамоили бўлажак касбига қаратилган мақсадлар, мазмун функциялари, ўқитиш методлари**дир. Шундан келиб чиқсан ҳолда педагогик технологиялар ишлаб чиқилади.

Педагогик технологиялар таърифларига бўлган турли ёндашувлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам ўқитиш технологиялари фан ва ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-педагогик жараён оралиғидан ўрин олади. Бу касбий дидактик тайёргарлик тизимидағи билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитишнинг дидактика назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғланган. У ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини лойиҳалаш ва конструкциялаш функцияларини ўзида қамраб олади.

Ўқитиш технологияси таркибига ўқув жараёнини бошқаришнинг аниқ усуллари, бошқариш ва ўқитишнинг айни истиқболли тадбирлари ҳақидаги ҳам назарий, ҳам амалий билимлар киритилади. ўқув жараёнининг бориши шароитларига мосравиша уларнинг изчиллиги белгиланади.

**ўқитиши технологияси, ўқитиши назарияси, ўқитиши техникаси.** Улар ўкув фаолиятини бошқариш ҳақидаги педагогик соҳалардир, улар умумлаштирилган даражасига кўра амалга оширилади.

**Педагогик технология** таълим истиқболининг жараёнлаштирилган аспектиdir.

**ўқитиши технологиясини белгилаш** – бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллашиш самарасини таъминловчи ўкув жараёнини меъёрий бошқариб туришdir.

Илмий адабиётларда **педагогик технологиянинг** уч аспекти тўғрисида фикр юритилади: *илмий, тавсифий, амалий*.

**Илмий аспектда** ўқитишининг мақсади, мазмuni ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади.

**Тавсифий аспектда** режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришишнинг мақсади, мазмунни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади.

**Амалий аспектда** педагогик технология жараёни амалга оширилади.

Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи белгиланади: *умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул)*.

**Умумпедагогик технология** яхлит таълим жараённи ифода қиласи.

**Хусусий методик технология** бир фан доирасидаги ўкув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади.

**Локал (модул) технология** ўкув тарбия жараёнининг маҳсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қиласи. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Педагогикада ўқитиши технологиялари билан бирга таълимий технологиялар ҳам ўрин олган. Таълимий технологиялар мазмун-ахборот аспектни билдиrsa, ўқитиши технологияси жараёнга алоқадор деб ҳисобланади, яъни улар орасида ҳали ҳам аниқ фарклар белгиланмаган.

Педагогик технология талабаларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ахборотлар билан танишгашшк ва амалий тайёргарлигига мосланган бўлиши лозим.

Касбий таълим тизимида ўқитиши технологиялари фундаментал ва амалий билимларнинг ўзлаштирилишини, ҳаракатларнинг рефлективлигани акс эттиради ва ўз касбий фаолиятини шакллантиради.

Педагогик технология ўқитувчи ва талаба фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бундай турларига кўра педагогик технологиянинг тузилмаси аниқланади.

**Педагогик технологиянинг тузилмаси.** *У концептуал асос, таълим жараёни мазмунни, технологик жараёндан иборат бўлади.*

Хар бир педагогик технология **муайян илмий концепцияга** асосланади.

Педагогик технологиянинг **илмий концепцияси** таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослашларни қамраб олади.

**Таълим жараёни мазмунни** таълим жараёнининг умумий ва аниқ мақсадлари, ўкув материали мазмунидан иборат бўлади.

**Технологик жараён** ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуллари, ўқув жараёни диагностикасини қамраб олади.

Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонларни белгилайдилар.

**Изчиллик** педагогик технологиянинг мезони сифатида жараённинг мантиқийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғликлиги, яхлитлигани ўз ичига олади.

Педагогик технологиянинг мезонларидан бири **бошқарувга** асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойихалаш, ундаги ўқитиш методлари ва воситалари билан ўзгартириб туришдан иборат бўлади.

Педагогик технологиянинг **самарадорлик** мезони таълим жараёнининг конкрет шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутади.

**Қайта тиклаш** педагогик технологиялар мезонларидан биридир. Унда педагогик технологияларни бошқа ўқув юртларида қўллаш имконияти тушунилади.

Шундай қилиб, олий мактабда мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги мураккаб ва доимий ҳаракатдаги тизимни ташкил этади. Бу тизимда бўлгуси ўқитувчининг технологик тайёргарлиги алоҳида ўрин тутади. У бўлуси педагогнинг интеллектуал ривожланиши, фаол ўқиши, ижодий шахснинг ривожланиши, тафаккурнинг касбий йўналганлигани идрок қилиш, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда тадқиқий (илмий) тамойилларни амалга ошириш билан боғланган.

Бўлгуси педагогнинг технологик тайёргарлиги олий ўқув юртида педагогик технологияларни амалга оширишни талаб қиласди. Олий ўқув юрти таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялар: *муаммоли ўқитииш, ўқитишининг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси, программалаштирилган ўқитииш технологияси, компьютер ахборот технологияси, муаллифлик технологиясидир.*

### **Таянч тушунчалари**

Педагогик технологиялар, изчиллик, технологик жараён, илмий концепция, ўқитиш технологияси, касбий тайёргарлик.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Азизхужаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2003 ва 2006
2. Бордовский Г.А. Извочки В.А. Новые технологии обучения-М., 1989
3. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике – Рига, 1995
4. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза – М: Педагогика, 1980

Мавзу:

## **Таълим технологиялари.**

1. Таълим технологиялари.
2. “Талимий технология”, “Педогогик технология”, “Ўқитиш технология” тушунчаларининг таҳлили.

Инсоният цивилизациясининг қуи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал этувчималакали мутахасисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этишни тақазо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кегайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарали фойдалана олиш мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир.

Айни вақтда Республика ижтимоийҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суратда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жижатдан умумлаштириш, хulosалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этиган ҳизмат қиласи.

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Фарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоилашувини таъминлаш учун муайян шар-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя 30 йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (таълим техникаси) тушунчасини олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника (си)” тушунчаси “ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси” тарзида талқин этилди ҳамда ўқув жараёнига ўқув ва лабаратория жихозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали куроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар тиаълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея боҳоланади.

20 асрнинг 50 йилларида таълим жараёнидаги техник воситаларни қўллаш “таълим технологияси” йўналишини белгилаб берувчи омил дея этироф этилади, асосий этибор ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларни имкониятларини янада такомиллаштириш, уларни ахборот сиҳимини кенгайтириш, ахборотларни

узатиш ҳизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёни “технологиялаштириш”нинг ташкилий жихатларини ўрганишга алоҳида ургу берилди.

60 йилларнинг бошларида таълмни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг мохиятини очиб берувчи омил сифатида кўрина бошланди. Дастурий таълим ўқувчиларга муайян билимларни алоҳида қисм холида эмас, балки изчил, яхлит тарзда беришни назарда тутади. Таълим жараёнинг яхлит, мақбул дастурига мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган “дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Кўмита” томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, уларни ўзгартириш ва бохолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим мухитининг аниқ тавсифини қамраб олади. (1. жадвал)

( кўрсатилади.)

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узои муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида этибор қаратилади. Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар тузулди, маҳсусв журнallар нашр этилди. ( 2. жадвал):

**“Таълим технологияси”назариясининг шаклланиш босқичлари.** (1. жадвал)

№	БОСҚИЧЛАР	ЙИЛЛАР	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ--ТТ
1	1-БОСҚИЧ	XX аснинг 30 йиллари	Т Т- ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишда кўмаклашувчи усул ва воситалар ефиндиси(пед технология)
2	2-БОСҚИЧ	XX асрнинг 50 йиллари	Т Т—Пед тех.+жараёнида техник воситаларни ( ТВ қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш ҳизматини сифатли ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш.

3	З-БОСКИЧ	XX асрнинг 60- йиллари	ТТ=пед тех. + ТВ + дастурий таълим (ДТ). Дастурий таълим-таълим мақсадларини аниқланиши, таълим жараёнини умумий лоихалаш ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштирилиши эҳтимоилини олдиндан ташхислаш таълим жараёнини самарадорлигини аниқлаш, мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини тахлил этиш.
ТТ = пед.тех + ТВ + ДТ			

Таълим технологияси муаммоларин тадқиқ этувчи ташкилотлар ҳамда илмий журналлар. (2 жадвал)

Мамлакатлар	Ташкилот номи	Таш.топ. йил	Журнал номи	Нашр эт. й.
АҚШ	Таълим комуникацияси Асоциаси	1971	“Таълим технологияси”	1961
Англия	Педагогик таълим Миллий Кенгаши	1967	“Таълим технологияси вадастурли таълим”	1964
			“Таълим технологияси”	1970
Япония	4 номда илмий жамиятлар фаолият олиб бормоқда	1965-70	“Таълим технологияси”	1965
			“Таълим технологияси соҳасидаги тадқиқотлар”	1965
Италия			“Таълим технологияси”	1971

Юқорида номлари келтирилган ташкилот ҳамда илмий журналлар фаолиятининг асосий мазмуни таълим технологияси муаммолари бўйича олиб

борилаётган илмий тадқиқотлар ғоялари ва натижаларини умумлаштириб, тахлил этиб бориш, шунингдек, ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида муайян тавсияларни ишлаб чиқиши, энг самарали тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатdir. Таълим технологиясининг моҳияти, унинг ютуқлари билан таълим соҳаси ходимларини хабардор этиб бориш, уларнинг бу борадаги малакаларини оширишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар зиммасидадир.

Ривожланган мамлакатларда таълим технологияси борасида катта тажрибалар тўпланган бўлиб, айни вақтда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада муайян тажрибалар тўпланаётган бўлсада, бироқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. (2- шакл): (кўрсатилади.)

Мазкур муаммоларни ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва малакали мутахасисни тарбиялашга имкон беради

Республика таълим муоссасалари фаолиятига педагогик технологияларни жорий этиш муаммолари. (2. шакл)

## **Таълим тизимиға педагогик технологияларни самарали жорий этиш йўлларидағи муаммолар**

**Таълим  
технологияси  
ғояларининг  
таълим  
жараёнига  
тўлақонли  
тадбиқ  
етилиши  
учун  
минтақавий  
ички  
имкониятлар  
ни пухта  
ўрганиш**

Хусусий  
фанларнинг  
ўқитилиши  
жараёнига  
илғор  
технологияла  
рни жорий  
етиш  
чораларини  
белгилаш,  
зарур шарт-  
шароитларни  
яратиш

**Барча турдаги  
таълим  
муассасаларини  
педогог  
ходимларини  
қайта тайёрлаш,  
уларни таълим  
жараёнида янги  
педогогик  
технологиялардан  
фойдаланиш  
малакаларин  
oshiриш**

**Назарияни  
ягона ном  
билан  
номланишга  
эришиш ( бу  
педогоглар  
ўртасида  
майян  
тушунмовчи  
ликларни  
келтириб  
чиқармокда)**



**Таълми  
субектла  
рининг  
техникав  
ий  
соводхон  
лигига  
эришиш**

**Тезкор  
ахборот  
хизматин  
и йўлга  
қўйиш**

**Педогогик  
жараён  
нинг демократ  
лашув ва  
инсонпарварла  
шу  
вига эришиш**

**Ўқувчи  
нинг  
индивиду  
даллашу  
вига  
алоҳида  
аҳамият  
бериш**

**Тадқиқот  
лар  
натижаларини  
таҳлил этиш,  
умумлаштириш  
тавсиялар  
ишлаб чиқувчи  
Марказни  
ташкил этиш.**

Замонавий ўқитиши технологиялари-мажмуавий интеграл ( бутун, узвий боғлиқ) тизм бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томлнидан назарий билимларни ўзлаштириш, улардан муайян маънавий-аҳлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият усулларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?), таълим метод ва воситаларининг белгиланиши (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчиларнинг малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) инобатга олиш лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий тарзда қўлланиши ўқув жараёнининг моҳияти ва технологиясини белгилаб беради.

Педагогик вазифани белгилашда қўйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

--таълим мақсадларини ҳал этиш асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;

--ўқув предмети ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув унсурлари тизими кўринишида ифодалаш;

--ўқитувчиларнинг ўқув унсурларини ўзлаштириш даражаларини аввалдан белгилаш;

--ўқитувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш ( бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади) ;

--моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйилган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларни ҳал этилишини таъминловчи ўқитиши технологиясини лоиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, педагог фаолияти ута асосий омил билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашишжараёнининг тури, ахборотни узатиш воситаларининг типлари ва билиш фаолиятини боқариш.

Ўқитиши жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндошиш канцепциясига асосланиб, уни ташкил этишнинг қўйидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш мумкин. Дастреб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра ўқитишининг мос равишдаги методлари ҳамда ўқитувчиларнинг билиш фаолиятининг бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиши воситаларининг рўйхати тузилди. Ушбу усул билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилди, яъни муайян технология ишлаб чиқилди.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда қурилган “синтетик назария” сифатида қаралади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар тадбиқий асосини шахсий фаолиятли ёндошув, танқидий-ижодий, фикрлаш муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорликни қарор тотиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқиши эхтиёжи юзага келмоқда. Айни вақтда таълим муассасалари амалиётіда күйидаги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.(3-жадвал)(күрсатилади.)

Шундай қилиб, аввалдан лоихалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, мақсад, шакл, воситалари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият күрсатиш имкониятлари ҳамда якуний натижаларга эришиш борасидаги мажмуани мужассамлаштиради.

### **Педагогик технология турлари 3-жадвал**

<b>Пед.тех турлари</b>	<b>Мақсади</b>	<b>Моҳияти</b>	<b>Механизми</b>
<b>Муаммоли таълим</b>	Ўқувчиларнинг Билиш фаоллиги Ва ижоди мустақиллигини ошириш	Ўқувчиларга кетма-кет в; мақсадли равища улард; билимларни ўзлаштириш борасидаги фаолликни юзаг; келтиришга хизмат қилувчи масалаларни бериб бориш	Тадқиқотчилик методлари, билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
<b>Мужассамлаштирилган ўқитиши</b>	Шахсни хисоби қилиш ҳусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим жараёнини тузулмасини яратиш	Машғулотларни блокларга биритириш хисобиг; фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Ўқувчилар иш қобилияти динамикасини хисобга олувчи таълим методлари
<b>Модулли таълим</b>	Таълим мазмунини шахс индивидуал эҳтиёжлари ва унин базавий тайёрлиги даражасига мувофиқлаштириш	Ўқувчиларни индувидуал ўкув дастури асосида мустақиллашлари	Муаммоли ёндошувни амалга оширишнинг индувидуал мароми
<b>Ривожлан-тирувчи таълим</b>	Шахс ва унин қобилиятларини ривожлантириш	Ўқув жараёнини шахс потенциал имкониятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш	Ўқувчилар фаолиятини турлар соҳаларга йўналтириш
<b>Дифференциал таълим</b>	Ўқувчиларни лаёқати, қизиқиши ва қобилиягини аниқлаш учун қулақ шароитларни яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр(стандарт)дан кам бўлмаган хажмдаги дастур материалыни ўзлаштириш	Индувидуал таълим методи.

<b>Фаол (мажмуавий) ўқитиши</b>	<b>Ўқувчилар фаоллигини ташкиллаштириш</b>	<b>Бўлажак касбий фаолиятни предметли ва ижтимоӣ мазмунини моделлаштириш</b>	<b>Фаол методлари</b>	<b>ўқитиши</b>
<b>Ўйин техноло гиялари</b>	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият тавсифида бўлишини таъминлаш	Ўқув ахборотларини қайт ишлиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақи билиш фаолияти	Ўқувчиларни ижодий фаолиятга жа этишнинг йийи методлари.	

### **Таянч тушунчалар**

Таълим технологиялари, дифференциал таълим, таълим тизими, педагогик технология, ӯқитиши технологиялари, модулли таълим.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Ресрубликаси таълим тўғрисидаги қонуни. – Тошкент: Шарқ 1997йил.
2. Бордовский Г.А. , Извочкив В.А.: Новый технологии: обучения – М., 1967
- 3.Кудррявцев П.О Проблемное обучение: истоки и сущность – Знание: 1991
4. Селевко Г. К. Современный образовательные технологии: Учебной пособие. – М.: народной образования, 1998.
- 5.Юдин В.В. Педагогическая технология – Ярославль, 1997

## Мавзу: Муаммоли ўқитиш технологияси

### Режа

- 1.Муаммоли таълим моҳияти
2. Муаммоли вазият.
3. Муаммоли таълим шартлари.
- 4.Муаммоли таълимнинг асосий методлари.

**Муаммоли ўқитиш бу такомиллашган ўқитиш технологиясидир.** Ҳозирги олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси - бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришdir. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишниг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлар бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аник таъриф М.И.Махмудова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиш мантиқий фикрлар тадбирлари (тахлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усулларини кўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими сифатида изоҳланади.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларии ва саволларини ҳал қилиш оркали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил атади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожи ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоттдалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жарасни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойилларга таянади. Ўқитишишг ҳозирги жарасни таҳлили психология ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазият, кутилган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хуносалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик, эмоционал «ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий ишлаш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муайян педагогик «воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг маҳсус усулларини ишлаб чиқиши зарур. Шундай қилиб, ўқитишида муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсик» билан боғланган ақлий мashaққат ҳолати эмас. У билиш мақсадлари маҳсус тақозо килган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излири аа янги юзага келган вазифани ҳал килиши учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай мashaққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўла бермаслигии

таъкидлаш ўринли бўлади. Янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий мاشакқат муаммоли бўлмайди. Бундай мешакқат ақлий изланишни кафолатламайди. *Муаммоли вазият* ҳар қандай фикрлаш мешакқатларидан фарқ қилиб, унда талаба мешакқат талаб қилган обьект (тушунча, факт)нинг унга аввал ва айни вақтда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб стади.

Шуидан қилиб, *муаммони хосияти*нинг мохпяти шундаки, у талаба таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниши ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик килади) уртасидаги зиддиятдир. Зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучdir.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилар:

- *талабага нотаниши фактнинг мавжуд бўлиши;*
- *вазифаларни бажарии учун налабага берилидиган кўрсатмалар, юзага келган билиши машаккатини ҳал килишда уларнинг шахсий манфаатдолиги.*

Муаммоли вазиятдан чиқа олиш ҳамма вақт муаммони, яъни номаълум эканлигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини англаш билан боғланган.

Муаммоли вазиятнинг фикрий тахлил қиладиган бўлсак, мустакил ақлий фаолиятидир. У талабани интеллектуал мешакқат келтириб чиқарган сабабларни тушунишга, унга кириш, муаммони сўз билан ифодалаш, яъни фаол фикр юритишни белгилашга олиб кслади. Бу уринда изчиллик ёрқин кўринади аввало муаммоли вазият юзага келади, сўнг ўқув муаммоси шаклланади.

Ўқитиш амалиётида бошқа вариант - ўша муаммо ташқи қўриишида муаммоли вазият юзага келишша мунофик келгандай бўладнган варнант ҳам учрайдм. Факрлар, лукмалар назарай қоидалар зиддиялари шаклидаги саволлар кўринишидаги муаммони ифодаси одатда «нимага» саволига жавоб бўладиган муаммоли вазиятнинг мавжудлигини акс эттиради.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиши яиги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (талabalар тажрибаси). Улар номаълумни топишга йўналган қидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талabalар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб туриб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашга тушади.

Шундай қилиб, талabalар биладиган вазифа ва унинг мустакил ҳал килиниш усули ўқув муаммоси бўла олмайди, иккинчидан, бирор вазифанинг счилиш усулларини ва уни излаш воситаларини билишмаса ҳам ўқув муаммоси бўла олмайди.

Ўқув муаммосининг мухим белгилари қуйидагилар:

- *янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг булиши;*
- *талabalарда номаълумни топшиш йўлида талантни амалга ошириши учун зарур бўлган муайян бплим заҳирасининг бўлиши.*

Ўқув муаммосини счиш жараёинда талабалар аклий фаолиятининг мухлм босқичи унинг ечилиш усулини ўйлаб тониш ёки гипотеза килишш ҳамда уни асослашдир.

Укув муаммоси муаммоли саволлар билан изчил ривожлантириб борилади ва бунда ҳар бир савол уни ҳал қилинишида бир босқич бўлиб хизмат қиласди.

Муаммонинг таркибий қисмлари, маълум ва номаълумиинг ўзаро муносабати характери билимга бўлган эҳтиёжни келтириб чикаради ва фаол билишга бўлган изланишга ундейди.

Таъкидлаш жоизкни, муаммоли ўқитишининг зарурий шарти талабаларда унинг натижасини излаш жараёнига бўлган ижобий муносабитни вужудга келтириши ҳисобланади.

Талабаларнинг муаммоли ўқитишдаги ижодий ва қидирав билиш фаолияти муаммоли вазият пайдо қилинганда талабалар машғулотда муаммони ифодишш бершидан иборат бўлади, яъни билишдаги қийинчиликларнинг пайдо бўлиши моҳиятини (яъни ушбу дамда унга нима маълум бўлса) сўз билан ифодалаб беради, сўнгра муаммонинг ечилиш усусларини қидиради ва бунда турли тахминларни олға суради, талабалар ҳақиқий деб топган тахминлардан бирини фараз сифатида асос қилиб олади ва уни исботлайди, изланиш муаммо ёки вазифа бажарилгандан сўнг тугалланади.

Шахс билиш фаолиятининг изланиш даврини маҳсус схемаларда ифодалаш мумкин: *муаммоли вазият* - *укув муаммоси* - *ўкув муаммосини ечиши учун изланиши* - *муаммонинг ечилиши*.

Муаммоли ўқитиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаш олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон талабаларга тайёр ҳақиқатини (ечимнн) бериши керак эмас, балки уларга бнлимларни олишга туртки бериши, машгулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа, вақт ва ҳодисаларни онгода кайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш билимларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштириш, атроф-муҳитга ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишда талабалар билиш фаолиятини жонлантиришда катта имкониятларга эга.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, шундагина талабалар фанларни таҳлил қилиш асосида мустақил равишда интеллектуал мashaққатларни ҳал қилиш, хулоса чиқариш ва умумлаштириш, қонуниятларни шакллантириш, кўлга киритилган билимларни янги вазиятга татбиқ этишга интилади.

Айрим ҳолларда ўқитувчи талабаларда нафакат кизиқши уйготиши керак, балки ўкув« муаммосини ўзи ҳал қилиб қўймаслиги ва бошка ҳолларда талабаларнинг ўкув муаммосини ечишдага мустақил ишларига раҳбарлик килиш лозим, натижада талабаларда билимларга мустақил эришиш қобилияти шаклланади ҳамда гипотеза қўйиш ва уни исботлаш орқали янги ақлий ҳаракат усусларини топади, билимларни бир муаммодан бошқа қўчириш кўникмасини ҳосил қиласди, диққат ва тасаввурлари ривожланади. Талабалар муаммоли ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятда ўкув материалларини идрок қилиш орқали билим ва ақлий ҳаракат усусларини ўзлаштирас экан, ўрганилганларни мустақил таҳлил қиласди,

гипотезалар қўйиш ва уларни исботлаш орқали ўқув муаммоларини шакллангирар экан, унда талабаларнинг интеллектуал фаоллиги таъминланади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишининг *ваифаси талабалар томонидан билимлар тизими ва аклий ҳамда амалий фаолиятлари усулларини самарали ўзлаширишига хамкорлик килиши*, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини хосил килиши, билиши мустақишиши ўқув ва тарбия муаммоларини ҳал килишидир.

Ўқув жараёнининг амалий тахлили муаммоси ўқитишининг ўзига хослигини белгилаш имкониятини очади. Муаммоли ўқитишининг моҳияти таълим оловчи томонидан ўзлаширилиши лозим бўлгаи ахборотларни ўқитувчининг маҳсус ташкил килишидан иборатдир.

*Муаммоли ўқитишини ташкил этишининг биринчи шарти ўқув ахборотларининг такомиллашиб бориши гизимиdir.*

*Муаммоли ўқитишининг иккинчи шартида* муаммоли ўқитиши амалга оширилади ва унда ахборотнинг ўқув вазифасига ўтказилиши вақтида уни ечиш усулини танлаш имконияти кўзда тутилади.

*Муаммоли ўқитишининг учинчи шарти* таълим оловчининг субъектин мавқеи, уларнинг билиш мақсадларини англаб етиши ва карор қабул қилиши, масалани ҳал қилиш иа натижани қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрида бўлган воситаларни баҳолай билишидир.

Муаммоли ўқитишига асосланган ўқув машғулотларини ўтказиш методикаси унда қўлланадиган методларни асослаб беришни талаб қиласди. Бунда: ижодий, қисман-ижодий эвристик, ахборотларни муаммоли баён қилиш, ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш асосий методлар ҳисобланади.

*Ижодий метод* таълим оловчининг ижодий мустақиллигини тўла амалга оширади. Унда талаба ўқитувчининг берган вазифасини бажаради, айни вақтда ўзлари ҳам ўқув муаммосини шакллантиради, ўзлари мустақил гипотезани ечишга ҳаракат қиласди, излашишни амалга оширади ва проиард натижага эришадилар. Шу тариқа ижод методи қўллаш билан талабалар фаолияти олимларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига яқинлашади. Ўқитувчи фақат талабаларнинг илмий изланишларига умумий раҳбарлик қиласди, вазифалар эса уларнинг мустақил ўқув-билиш хатти-ҳаракатларининг тўла даврийлигии кўзда тутади: ё таҳлилгача аҳоороглар ишилади ёки ечилишига қадар ўқув муаммоси қўйилади ҳамда ечимлар текшириб қўрилади ва янги билимлар жорий қилинади.

Ижодий методдан ўрганилаётган курснинг умумий асосларини қамраб олган энг муҳим мавзуларни ўтишда фойдалапиши тавсия килинади. Бу эса бошқа барча материалларнинг тобора онгли ўзлаширилишига олиб келиши лозим. Шунингдек, бундай методда машғулот ўтказиш учун ўқитувчи танланган бўлим ёки мавзу талабаларнинг идрок килишларига қулай бўлишини назарда тутиши лозим бўлади.

Ижодий метод таълим оловчиидаги узок вақтни ва маҳсус шароит яратилишини талаб қиласди.

Талабаларнинг ижодий ишлари шаклий жиҳатдан ранг-барангдир. Улар маъруза матнини тайёрлаш ва семинарга тайёргарлик қўриш, у ёки бу масаланинг назарий ҳолатини (адабиётлар билан бирма-бир ишлаш, хужжатларни архивдан ўрганиш) ўрганиш, кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар тайёрлаш ва бошқалардир.

Қисман ижодий метод мұраккаб мұаммони бўлакларга ажратиб, унинг қулай масалаларинн босқичма-босқич аниқлаб олишда қўлланади ва унда ҳал қилинган ҳар бир босқич (қадам) масаланинг кейинги босқичини ечишда асос бўлиб хизмат қилади. Бунда талабалар ўкув мұммосининг қўйилишида, гипотезани тахмии қилиш ва исботлашда фаол киришадилар. Уларшг фаолияти репродуктив ва ижодий унсурларини ўзида камраб олади. Бунда ўқитишнинг қидирув (изланиш) сұхбат, талабаларнинг жавоблари ва тўлдиришларига қўшимча қилган ҳолда ўқитувчининг фактларини кузатнш ва умумлаштириш усуллари қўлланади. Бу ҳолларда талабаларнинг репродуктив ва қидирув (изланиш) фаолиятининг мунофқлигига мұхмм аҳамият касб этади. Улар бирор босқпчдаги ўкув мұммосининг мустақил ҳал қилишдан то улардан аксарияти ечилгунга қадар кучли ўзгариб туриши мүмкні.

Машгулотларда ижодий сұхбатни қўллаш мақсадга мувофиқ топилади. Талабалар бундай сұхбат жараёнида ўзларида аввалдан мавжуд бўлган билимлари, ижодий фаолияти тажрибасига асосланган ҳолда ўқитувчи раҳбарлигига мұаммони излайди ва мустақил равища унинг ечимини топадлар. Талабалар ўз ташаббуслари билан саволларга жавоб берадилар ёки ўз чиқишиларида турли мұлохазаларни билдирадилар, мұаммонинг ечилишидаги ўз варианtlарини илгари сурадилар, ҳодисалар ўртасидаги ранг-баранг, алоқаларар борасида баҳслашадилар, бошқаларнинг фикрига танқидий мұносабат билдирадилар. Бу жараёида ўқитувчининг талабаларга ёрдам бериш даражаси уларнинг машғуотларга тайёргарлик кўриш даражасига боғлиқ бўлади.

Ижодий сұхбатга тайёрлашда ўқитувчининг унга ўта масъулият билан ёндошиши талаб қилинади. Ўқитувчи бундай сұхбатга олдиндан жиддий тайёргарлик кўриши лозим: аввалдан шундай саволлар ўйлаб топиши кераккн, улар талабанинг у ёки бу ҳодсанинг мөҳиятини англаб етиш ва унинг счилиш йўлларини башорат кила олсин. Ўқитувчи талабаларнинг умуман мұаммони сиши учун етарли даражада тайёргарлик кўриб келмаслигини ҳам қўзда тутиши ва бундай вақтда содда ва мұраккаблаштириб борувчи қўшимча саволларни тайёрлаб қўйиши лозим, бундай саволлар орқали талабалар ижодий ҳал қилиши шарт бўлган вазифаларни қисмларга ажратиш ҳам зарур бўлади, яъни мұаммо кичик мұаммоларга бўлинади ва мұаммоли вазифа ечилади. Ўқитувчи бундай вазиятда вазминлигини сақлаши, талабаларга тезроқ ёрдам бериш, камчилигинн тузатиш ва янглиш фикр билдирганларга танбех беришга шошилмаслиги, балки қўшимча саволлар билан ўзларининг хатосини англашга ва тўгри қарор қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ижодий сұхбат давомида камроқ тайёргарлик кўрган, жонли фикр олишувларда, шунингдек, индамасликни хуш кўрадиган талабаларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бундай талабаларнинг ҳулқларини қўзда тутган ҳолда улардан ҳам «нидо чиқиши»га эришиш мақсадида улар учун ҳам аввалдан саволлар тайёрлаб қўйиш маъқул бўлади.

Ижодий характердаги сұхбат ўкув-тадқиқот ишларининг зарурий босқичи ҳисобланади. Унда талабаларнинг ўзида тадқиқот ишлари унсурлари мавжуд бўлгай қисман-ижодий фаолиятнинг бажарилишини талаб қиладиган мұаммоли характердаги мантикий масалалар дикқатни жалб қилади.

*Материални муаммоли баён килиши.* Бунда ижод ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва тобора фаоллаштириб борилади. Ўқитувчи янги материални баён қилишда унинг ечилишини ўзи таъминлайди. Бунда ўқитувчи зиддиятларни таъкидлайди, уни барчага эшиттириб муҳокама қиласи, ўз мулоҳазаларини билдиради, ҳақиқатни фактлар, мантиқий исботлар тизнми ёрдамида асослайди. Ўқитувчи бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошира олса, талабалар унинг фикрлари боришига диққат билан қўшилиб боради, муаммоларнинг ечилиш оқимига қўшилиб кетади, бирга фикр юритади, бирга хаяжонланади, шу тариқа машғулотнинг қатнашчисига айланади. Бунда ўқитувчи талабанинг билиш жараёнини саволлар бериш, саволга савол бериш йўли билан бошқаради ва шу орқали аудиториядаги ўрганилаётган материаллар бўйича зиддиятларга диққатни жалб қиласи ва талабаларни ўйлаб фикр юритишга мажбур қиласи. Ўқитувчи тушунилмаган савонни ҳал қилишидан олдиноқ талабалар ўзларича ўз жавобларини тайёрлаб қўядилар ва уни маълум муддат ўтгач ўқитувчининг фикри ва хulosаси билан тақкослайдилар.

Материални муаммоли баён қилиш ахборотни баён қилишдан тубдан фарқ қиласи, чунки унда у ёки бу ҳодисанинг белгилари, хоссалари, тушунчалари, қоидалари шунчаки тасвирлаб бсрилади, тайёр хulosалар баён қилинади.

Ўқув ахборотларининг муаммоли баёни методидан фойдаланишнинг бошқа варианти фан тараққиёти тарихидаги у ски бу қонуннинг олимлар томонидан кашф этилиши йўлини ёритиб бериш бўлиши ҳам мумкин.

Ўқув жараёмида кенг таркалган методлардан бири - *шартли равишида ўкув ахборотларининг баёнини муаммоли бошлиш* деб номланадиган методdir. Материални муаммоли баён қилиш методидан бу метод муаммоли кам фақат материални баён қилиш бошидагина яратилиши билангина фарқланади. Кейинчалик материал ахборот усулида баён қилинади. Албатта, бу метод юқорида талабанинг ижодий изланиш фаолияти, айниқса, ижодий методида кўринган кўникмаларни ҳосил қилишга имконият бермайди, лекин талабаларнинг машгулот ибтидосида олган илхомлари барча материални фаол идрок қилишга, унга юқори қизиқиши уйғотишга бевосита туртки беради. Юқоридаги барча методлар орасида бу метод ўзиннинг оддийлиги билан ажralиб туради.

Муаммоли вазиятни ташкил қилишда қуйидаги эҳтимол кўринган дидактик мақсадларни ҳисобга олиш зарур: ўқув материалига талабалар диққатини жалб қилиш, уларнинг билишга бўлган кизиқишини уйготиш, талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш, уларни интеллектуал зўриқиши мешақкатларига олиб келиш, талабалар томонидан эгалланган ҳозирги билим, малака ва кўникмалар келажакда юзага келадиган билишга бўлган талабларини қондира олмаслигини кўрсата билиш, талабаларга ўқув муаммоларини таҳлил қилишга, унинг ечилишидаги энг рационал йўлларни аниқлашда ёрдам бериш керак.

Ўқув жараёнидаги муаммоли вазиятнинг бир неча турлари фарқланади:

1. Талабалар қўйилган вазифанинг ечилиш усулини билмайдилар, муаммоли саволга жавоб беролмайдштр.
2. Талабалар аввал олган билимларини янги шароитда фойдаланиш заруриятига дуч келадилар.

3. Вазифанинг назарий жиҳатдан ечилиши мумкин бўлган йўли ва танланган усулнинг амалий жиҳатдан қўллаш қийинлиги орасида зиддият юз беради.

4. Вазифанинг бажарилишида натижага амалий эришиш ва талабаларда уни назарий жиҳатдан асослашга билим етишмаслиги ўртасида зиддият юз беради.

Адабиётларда муаммоли вазият яратишнинг қуидаги кўп учрайдиган усуллари қайд қилинади:

• ҳодисалар, ўрганилаётган тушунчалар моҳиятини тушунтириш учун муаммоли вазифалар кўйши;

\ •

• олигап билимларнинг амалий тадбики усулларини топиш учун муаммоли вазисра кўйши;

• талабаларни ҳодисалар ва характлар орасидаги зиддиятлар ва номувофикаликларни тушунтириб бершиларига ундаш;

• илмий тушунчалари ва ҳаётий тасаввурлари орасидаги зиддиятни келтириб чиқарадиган факт ва ҳодисаларни таҳлил қилишига ундаш;

• талабаларни факт, ҳодиса, хатти-харакатлар, хуносаларни солиштириши, киес қилишига ундаш;

• талабаларни гўё тушуниб бўлмайдиган характердаги ва фан тарихиди илмий муаммонинг кўйилишига сабаб бўлган фактлар билан таништириши.

Муаммоли вазиятни вужудга келтиришнинг юқорида келтирилган усуллари унинг бошқа вариантларига чек қўймайди. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг амалий фаолиятида ўқув материаллари билан ижодий ишлаш жараёнида уни ташкил қилишнииг турли имкониятларини қидириши ва топиши мумкин.

Талабаларнинг фикрлари тобора киёмига ета бориб, муаммоли вазият уларда маълум хиссий ҳозирликни вужудга келтиради, мустақил амалга оширилган билиш жараёнидан, кашфиётлардан қониқиши ҳосил қиласди. Хайратга тушиш, тушкунлик ёки шодлик ҳиссиётлари муаммоли вазиятни тўғри ташкил қилиш белгилари бўлиб хизмат қиласди. Маълумки, юқори кўтаринкилик билимларни самарали ўзлаштириш, ҳақиқатни қидириш ва унга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Муаммонинг мураккабилиги, талабаларнинг билим савияси на малакасн, уларнинг ижодий фаоллиги кўникмалари, дидактик мақсадга йўналганлигига қараб муаммоли ўқитишида талаба ва ўқитувчи ўзаро муносабатларининг турли вариантлари бўлиши мумкин, яъни муаммолиликнииг турли сатҳлари амалда бўлиши мумкин.

Педагогикага оид адабиётларда асосан муаммолиликнинг уч сатҳи ҳақида фикр юритилади:

*Биринчи сатҳда* ўқитувчи ўзи муаммони қўяди, уни шакллантиради ва талабаларни мустақил равишда унинг ечилиш ўйлини қидиришга йўналтиради.

*Иккинчи сатҳда* ўқитувчи фақат муаммоли вазиятни вужудга келтиради, талабалар эса муаммони мустақил шакллантирадилар ва ечадилар.

*Учинчى сатҳ* - олий сатҳ бўлиб, унда ўқитувчи шундай қоидани кўзда тутади: муайян муаммони кўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни «рўбарў» қиласди ҳамда уларни мустақил ижодий фаолиятга йўналтиради, уларни бошқаради ва

иатижани баҳолайди. Талабалар эса муаммони мустақил англайдилар, уни шакллантирадилар, унинг ечилиш усулларини тадқиқ қиласидилар.

Үқув муаммосининг кўллашиб жараёипни осонлаштириш уни муайян тартибга риоя килиши лозим булади. Муаммоли вазифаларни ташкнл қилишдан олдин талабаларнинг сабаб-окибит алоқаларини ўрната олиш усулларини эгаллаганлигига ишонч ҳосил қилиш, талабаларнинг муаммоли вазиятни таҳлил қила олиш даражасини ўрганиш шартdir. Шунингдек, ўқитувчи талабалар эътиборига факат улар учун қулай бўлган муаммоларни қўймаслиги ҳам мумкиидир. Шу билан биргаликда муаммонинг ечилиши уни тўғри қўя билишга кўп жиҳатдан боғлкк эканлигини унутмаслик зарур.

Бу қоидаларни амалга ошириш аввало ўқув материалининг мазмун хусусияти билан боғлиқдир. Унинг таркиби ва гузилмасига қатор талабларни қўйиш мумкин.

Ўқув материали қуйидаги мазмунни қамраб олади:

- янгилик унсурлари (янги тушунчалар, яги белгилар, хусусияшлар, ноомаълум тушунчаларнинг жиҳатлари, янги алоҳалар, ҳаракатланишинг янги усуллари);
- фактлар, билиш вазифалари ва масалалари, зиддиятлари кўринишидаги материалларни қамраб олган маълум ва янги билим ўртасидаги зиддият;
- умумпедагогик ва дидактик тамойилларни хисобга олган педагогик назариянинг методологик асослари материални мавзуга мукофик баён қилиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитиш жараёни факат «муаммоли» ёки «номуаммоли» методлар ёрдамидагина амалга ошмайди, балки унинг самарали бориши учун хилма хил методларни кўллаш мақсадга мувофиқдир. Уқитувчи машғулотнинг мақсади, ўқув материалларнинг мазмунини тўплаш, аудиторияда қатнашган талабаларнинг характеристи, уларнинг тайёргарлик даражасини хисобга олган ҳолда уларни тинглаш ҳамда бирини иккинчиси билан боғлашни амалга оишради. Шундагина ўқув жараёнининг юқори самарадорлиги таъмииланади. Шунингдек, муаммоли ўқитишнинг самарадорлиги кўп жиҳатлардан талабаларнинг ижодий фаолиятга, муаммони нфодалаш на ечишга бўлган тайёргарлигига боғлик бўлади. Уларни ижодий фаолиятга жалб қилишда муаммолилик баёнидан астасекин тадқиқот ишларига ўтиш, муаммоли уқитишнинг барча методлари занжирида аста-секин оддийдан мураккабга утиш тавсия этилади.

Агар ўрганилаётган курснинг (бўлим, мавзунинг) моҳиятини, улардан фойдаланишинг зарур методик материаллари ва қоидаларини талабалар билмаса ва англамаса, ўқитувчи уларнинг ижодий фаолиятини ташкил эта олмайди.

Демак, муаммоли ўқитиш етарли даражада самарали бўлиши учун у яхлит ўқувтарбия жараёнининг узвий қисми бўлиши керак.

Муаммоли лекциялар ўтказиш жараёнида талабаларда ижодий фаолиятга зарур бўлган мотивлар, қимматли йўл-йўриқлар ва йўлланмаларнинг шаклланганлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Таъкидалаш жоизки, ўқув фаолияти мотивларининг доираси жуда кўп мотивлар йиғиндиси бўлса-да, улардан икки гурухи белгиловчи хисобланади.

Туртингчи гурухга маҳсус мотивлар пешаллуқли. Улар талабалар томонидан барча ҳаётий эҳтиёжларни чуқур англаш, мутахассис бўлиб етишиши учун билимларни эгаллашнинг ижтимоий зарурлнгини тушунишни қамраб олади. Бу гурух

мотивларини ўқитувчи курснинг амалий характери ва касбий йўналганлигини намойиш қилиш орқали талабаларнинг тушунчаларини амалда қўллаш орқали кучайтириш мумкин.

*Иккинчи гурух мотивлари* ўқув фанлари ва билишга бўлган қизиқиш билан боғланган. Бу гуруҳ мотивлари моҳиятини ўқитувчи талабалардаги ўқув фанларига бўлган қизиқишни билиш тўғрисидаги билимларни шакллантириш орқали кучайтириш мумкин. Бунинг учун лекция жараснида хатти-ҳаракатларнинг намунавий усуллари, тушунчалар тизиминкнг мантиқий усуллари, аниқланмалар, хислатлар ва бошқа исботловчи курилмаларинииг «тушунчалар асосида хulosалар» хатти-ҳаракатлари шаклланишининг дидактик қимматини белгиловчи ўқув материалига ургу берилади.

Талабаларда юқорида баён килинган малакаларни шакллантириш учун лекцияни ўтказиш учун шундай тайёргарлик кўриш кўзда тутилиши керакки, улар тайёр билимларни чақонлик билан ҳаракат усулларига айлантира олсин. Бу дидактик мақсадга эришиш учун талабаларнинг ечимларни қандай шакллантиришларига, у ёки бу ифода қайси талаблар асосида қониктирилаётганига, дастлнбки омил, аргументлар, хulosаларга диққатни жалб қилиш лозим.

Ўқитишининг бу мстодини лекция ўқишининг ахборот - тасвирий ёндашувдан қисман ижодий ва ижодий методга ўтиш орқали амалга ошириш мумкин, улар талабаларда лекциянинг турли босқичларида ва шароитларида муайян билиш машаққатларини туғдирадики, улар ўқитиш жараснида аввал шаклланган билим ва кўнималарни жорий этиш ҳамда қайта ишлаш асосида муваффакиятли ҳал килинади.

Талабаларни ижодий фаолиятга тайёрлаш тизимида ўқитувчининг лекция жараёнида уларга эътибор қаратиш, ўқув-билиш фаолиятига мос кўрсатмаларни бера олиши муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда лекцияда ўқув фани мазмунининг умумий-таълимий қимматини исботлаш билан бирга унинг шахс интеллекти, дунёқарashi, билимларни таснифлаш ва қўллаш усуллари, улардан тежамли фойдаланиш ҳамда тўғри баҳолай олиш тарбиясига таъсир этишни ҳам исботлаш лозим бўлади.

Шунингдек, бундай эксперимент (амалиёт), эгалланган билимлар, фикрларни (хукмларни) куриш усулларининг ҳақиқийлигини тасдиқлашга қаратилганлиги таъкидланиши лозим. Ўқув машғулотларининг бундай бориши талабаларда илмий-назарий тадқиқот ва эксперимент ўтказиш малакасини шакллантиради, бу билан улар илмий ижод кенглигига, ишchanлик мулокотига чиқади, тадқиқотнинг босқичларини режалаштиради, унинг максад ва вазифаларини ифодалайди, методикасини ишлаб чиқади.

Муаммоли ўқитишининг талаблар даражасидаги сифатини таъминлаш, талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотлар бўйича билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида семинарлар ўтказиш мумкин.

Маълумки, бундай семинар ўтказишнинг дастлабки мақсади маъруза ёки ахборотни жамоа бўлиб муҳокама қилишдир. Семинарнинг самарадорлиги албатта талабаларни унга тайёрлаш сифатига боғлиқ. Айникса, маъруза ва ахборот тайёрлаётган талабалар билан ишлаш муҳим аҳамиятга ага.

## **Таянч тушунчалар:**

Муаммоли технологиялар, укув муаммоси, ижодий сухбат, муаммоли вазият, муаммоли баён, мустакил фикр.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат-Т., 2003 2006
2. Кудрявцев П.О. Проблемное обучение: истоки и сущность-Знание: 1991.
3. Селевко Г.К. Опыт разработки теории педагогики сотрудничества-Метод. реком-ч. 1,2-Яроаславль, 1988-1989
4. Ишмухаммедов инновацион технологиилар ёрдамида укитиш самараадорлигини ошириш йуллари.- Т 2000

## Мавзу: Ўйинли технологиялар

### Режа:

1. Ўйинли технологиялар.
2. Ўйинли технологияларни функциялари.
3. Ўйин структураси.
4. Педагогик ўйинлар классификацияси.
5. Педагогик ўйинларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишининг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Д.Н. Узнадзенинг таърифича, ўйин шахсга хос бўлган ички имманент психик (рухий) хулқи шаклидир.

Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н. Леонтьев ўйинга шахснинг хаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишилари (манфаатлари)ни хаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишлиланган бўлади. Улар қуйидагилар:

- *мафтункорлик;*
- *коммуникативлик;*
- *ўз имкониятларини амалга ошириш;*
- *даволовчилик;*
- *ташихис;*
- *миллатлараро мулокот;*
- *ижтимоийлашув.*

Тадқиқчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларнинг муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият факат натижа (тадбирни) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишиларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун кўлланади.

Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга – «ижод майдони»га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтариқилик хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалашиш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантиқий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалашиш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қуйидагиларни қамраб олади:

- *ўйнаш учун олинган роллар;*
- *бу ролларни ижро этиши воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;*
- *предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнида кўллаши;*
- *ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;*
- *ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун) – ижро соҳаси.*

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимни ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади.

Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади.

Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўниқмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўниқмаларни ривожлантириш, меҳнат кўниқмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, колективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар дикқат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, чоғишириш, ўхшашини топиш, фараз, хаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига кўниқиши, эҳтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулокотга ўргатиш, психотерапияни назарда тутади.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд.

Педагогик жараённи ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар «ўйинли педагогик технологиялар»ни ташкил этади.

Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади.

Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади.

Г.К. Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Педагогик ўйинлар қуидаги асосий йўналишларда бўлади:

- *дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;*
- *ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунади;*
- *ўқув материалидан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;*
- *ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашии унсурлари киритилади;*
- *дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.*

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин мухити бўйича тасниф қилинган (4.01 таблицага қаратилсин).

Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади.

Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган.

Тадбиркорлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С. Вигодский, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган.

Тадбиркорлик ўйинлари ўз характерига кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси хисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларга ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган.

А.А. Вербицкий тадбиркорлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий-контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототипи, қайсиdir сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади. Шу туфайли тадбиркорлик ўйинлари касбий фаолиятнинг ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмуни) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобга олган моделлаштириш, тақлид (имитация) ва алоқа ёрдамида берилади.

А.А. Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини бундай ўқитишда, яъни талабани бир етакчи фаолият типи (уқув)дан бошқа (касбий) типга фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадга мувофик йўналтирилган (ўзлаштирилган) ҳолда ўтказишни таъминлаш деб билади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қуидагиларни билдиради:

- ишлаб чиқариш имитациян модели сифатида тақдим этилган ўқув материали мазмунининг изчиллиги;
- ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиши;
- ўқув жараёни тарзини билимларга эҳтиёжсларни тугдирин ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириши;
- ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги ии гиндиси;
- ўйинни олиб борувчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил этиши ва бошқаришидан талабаларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ташкил этиши ва бошқаришга ўтишини таъминлаши.

А.С. ва Г.Ф. Арбењевлар тадқиқотларида тадбиркорлик ўйини мутахассиснинг эвристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъи назар уларнинг ҳар бири қўйидаги талабларни бажариши лозим:

- *касбий доири имитацияси яхлитлиги. Ўйин имитациясига таалуқли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;*
- *мустақил ташкил этишига йўналганлиги;*
- *ўқитишининг муаммолилиги;*
- *методологик, психологияк ва техник жиҳатдан таъминланганлиги.*

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб борувчи ўқитишини таъминлаши керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожланишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимиға бўлган ёндашувдан топилган ечимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади.

А.А. Тюков ўйин даврийлигининг қўйидаги босқичларни қайд қиласди:

- *вазиятни ва муаммолаштиришини таҳлил қилиши асосида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермаҳсул мустақил ижодий иши.*
- *амалий гурӯҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиши;*
- *ўйин жараёни ва иштирокчилар хатти-ҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиши;*
- *ечимини ташкил этиши босқичи.*

Я.С. Гинзбург ва Н.М. Коряқ ўйиннинг қўйидаги социал-психологик хусусиятларини фарқлайди:

- *гуруҳ характери;*
- *яратувчилик, шартлилик;*
- *рамзийлик, утилитар бўлмаслик характери;*
- *белгисизлик (мавҳумлик), тарқалувчанлик хусусияти*

Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг социал-психологик муаммоларига қўйидагилар киради:

- *иштирокчиларни танлаш;*
- *ролларни тақсимлаш;*

- ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;
- ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;
- назарий билимларини амалда қўллай олиш;
- шахсий тайёргарлик.

И.Оллоёров тадбиркорлик ўйинларига ўқув ишларини ташкил этишнинг бир шакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган дидактик функцияларни бажаришини таъкидлайди.

Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларига қуидагилар киради:

- талабаларда ақлий фаолият усулларининг шаклланиши;
- билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;
- ўқув жараёнида бўлгуси мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиши эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;
- талабалар ўкув-билиш фаолиятининг бўлгуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб берииши.

Тадбиркорлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қуидаги тайёргарлик босқичларига эга:

### **1. Ўқув-билиш вазифаларини муаммоли вазият топшириғи шаклида қўйиш:**

- бўлгуси тадбиркорлик ўйинининг мақсадини аниқлаб олиши;
- муаммоли вазиятни англаб етиши;
- талабаларга навбатдаги тадбиркорлик ўйини ҳақида дастлабки маълумотлар берииши;

### **2. Навбатдаги вазифани бажариш учун зарур бўлган аввал эгалланган билимлардан фойдаланиш:**

- талабаларнинг ўқитувчидан ёки адабиётларни таҳлил қилиши орқали янги билимларни қабул қилиб олиши;
- бажарилиши лозим бўлган иш тўгрисида талабаларга йўл-йўриқларни кўрсатиш;
- олинган билим, ўзлаштирилган илмий тушунчалар ва ишилаш методларини умумлаштириши;
- ўз-ўзини назорат қилиши;

### **3. Тадбиркорлик ўйинларининг шартларини тушунтириши ва вазифани бажариш учун зарур бўлган янги амалий билимларнинг ахборотини берииши.**

#### **Навбатдаги ишни режалаштириш:**

- уларга аввал маълум бўлганлар асосида унинг айрим босқичларини бажариши усулларини танлаш;
- аввал эгалланган билимлар асосида тушунтириши ишини олиб борииш ва ўз ижоди учун зарур бўлган янги методларни қидириши;
- режалаштириши мустақил назорат қилиши.

**5. Вазифа шартлари, уларнинг бажарилишини тушунтирувчи қоидалар (материаллар)ни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича мустақил ишлар ва тадбиркорлик ўйинларидағи ўз мавқеини аниқлаш.**

**6. Ўзларидаги бор билим, малака ва қўникмалар асосида режа бўйича ишларни бажариш:**

- янги билим ва малакаларни ҳосил қилиш;
- ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш;
- қайд қилинган камчиликлар ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш;
- белгиланган режаларни (режа олди ишлари ва режадан ташқари) такомиллаштириш;

• якуний натижаларни текшириб кўриш ва таҳлил қилиш.

7. Талабалар фаолиятини, уларнинг билими, малакаси, қўникмаларини назорат қилиш ва жорий йўл-йўриқлар бериш.

8. Талабаларнинг тадбиркорлик ўйинларига тайёрлигини аниқлаш мақсадида уларнинг мустақил ишлари натижаларини текшириб кўриш.

9. Талабаларга тадбиркорлик ўйинларини ўтказиш ва унда қатнашиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, уларни роль ўйнаш бўйича тақсим қилиш, зарурат туғилганда ҳар бирiga қўшимча йўл-йўриқлар бериш.

10. Олдиндан ишлаб чиқилган сценарий бўйича талабаларнинг тадбиркорлик ўйинлари.

11. Ўйин иштирокчиларига жорий йўл-йўриқлар бериш.

12. Ўйин иштирокчиларининг ўйин давомида ўзи ўйнаган ролларига баҳо бериши, ўз-ўзини назорат қилиши.

13. Тадбиркорлик ўйини натижаларини муҳокама қилиш ва талабанинг ўқув-ўйин фаолиятига баҳо бериш.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ўйинлари материалларни янги билимларни эгаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, умумий малакани шакллантириш каби бир қатор вазифаларни ечишда фойдаланилади.

Тадбиркорлик ўйинларининг бир неча модификациялари мавжуд:

Имитацион ўйинлар.

Бундай ўйинлардан мақсад қайсиdir ташкилот, муассаса ва унинг қисмлари фаолияти андоза қилинади. Воқеалар, кишиларнинг бирор фаолияти (иш битириш мажлислари, режани муҳокама қилиш, сұхбатлар ўтказиш ва б;), фаолият ҳолати ва шартлари андоза қилиб олиниши мумкин.

Сценарийда бундай ўйнаш тўла тузилмаси ёзиб чиқилган ва имитация қилинадиган обьектлар ва жараёнлар белгиланади.

**Операцион (воқеий) ўйинлар.** Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ходисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

**Роль ижро этиш ўйинлари.** Унда конкрет шахснинг хулқи, хатти-ҳаракати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

**Тадбиркорлик театри.** Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир.

**Психодрама ва социодрама.** Бу ҳам ўзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириша олишни шакллантириш ҳисобланади.

**Тадбиркорлик ўйинлари технологияси** 4-02 жадвалда тасвирланган (Г.К.Селевко варианти).

Бу технология тайёргарлик даврини ҳам ўз ичига олади. У сценарийни ёзиб чиқиши, вазият ва объектларни шартли белгилар асосида тасвирлашдан бошланади. Сценарий машғулотнинг ўқув мақсади, ўрганилаётган муаммонинг тавсифи, кўйилган вазифани асослаш, ўйиннинг режаси, вазиятнинг мазмуни ва қатнашувчи шахсларнинг тавсифини ўз ичига олади.

**Ўйинга киришиш.** Бу босқичда иш режими аниқланади, машғулотнинг бош мақсади шакллантирилади, муаммони қўйиш ва вазиятни танлаш асосланади.

**Ўтказишиш босқичи.** У ўйин жараёнидир. Ўйин бошлангач, ҳеч ким унга аралашмайди ва унинг боришини ўзгартира олмайди. Ўйинни факат уни бошқарувчи тузатиб бориши мумкин.

**Таҳлил босқичи.** Ўйин натижалари мухокама қилинади ва баҳоланади. Бу босқичда эксперталарнинг фикрлари эшишилади, ўзаро фикр алмашинади, талабалар ўз хатти-ҳаракатлари ва хulosаларини химоя қиласидилар.


Шундай қилиб, тадбиркорлик ва эвристик ўйинлар бўлғуси мутахассиснинг илмий-ижодий тажрибаларини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Олий мактаб муаммоларининг тадқиқотчилари қуидаги тадбиркорлик ва эвристик ўйин турларини фарқлайдилар:

1. Мутахассислар орасида ўз вазифаларини, дастурлар ва ролларини тақсим қилиш асосидаги тадбиркорлик ва эвристик ўйинлар. Бундай мутахассислар сирасига қуидагилар киради:

- *келгусида ишилаш кутилаётган муассасада фаол ижодий ишловчиларни ва уларни ишилаб чиқшида, аниқлаш билан банд бўлган «вазифа тадқиқотчилари»;*

## Тадбиркорлик ўйинларининг технологик схемаси



- ижодий гуруҳдаги барча иштирокчиларнинг фаоллиги сатҳида шу гурухнинг ўзига хос катализаторлик вазифасини бажарувчи «фаоллаштирувчилар»;
- илмий муаммонинг ечимиға ёрдам берадиган йўллар ва бетакорор фикрлар тақлиф қилувчи «гоялар ишлаб чиқувчи» талабалар;

- гояларнинг түгелишиига ва уларнинг бошқа ижодий гуруҳ аъзолари томонидан идрок қилинишиига ёрдам берадиган «резонатор» (тарқатувчи) талабалар;
- муаммони ечишининг энг мақбул (оптимал) вариантини қайта ишлаб чиқиши ва топиш билан банд бўлган «назоратчи» талабалар.

Бундай ўйинларни муайян обьектда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Раҳбарлар ва ўқитувчилар олдиндан ролларни белгилаб қўядилар. Масалан, агар ўйин конструкторлик бюросининг тузилмасини ўзлаштиришга қаратилган бўлса, қуидагилар белгиланади:

- «КБ бошлиги»;
- «Бош конструктор»;
- «Ихтирочи»;
- «Оппонент»;
- «чизмакаш»;
- «текширувчи»;
- «маслаҳатчи»;
- «назоратчи» ва б.

Шундан сўнг қуидагилар тузиб чиқилади:

- ҳар бирининг эгаллайдиган вазифалари ва хатти-ҳаракатлари баҳоси бўйича йўриқнома;
- ўйин жараёнининг асосий даврийлиги бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Ўйин жараёнида тортишиш, мусобақалашиш (баҳс-мунозара юритиш), рухиятининг бўлишини таъминлаш зарур.

Ўйин ўтказиш чоғида «буортмачи» ролини бажарувчи раҳбар у ёки бу тадбирларнинг бажарилиш сифатига ва бу тадбирларда роль ижро этган (қатнашган, иштирок этган) талабаларга баҳо беради. Шу баҳолар асосида бутун гурухнинг ҳамда алоҳида талабаларнинг роль ижро этиши баҳоси чиқарилади.

Бундай ўйинларни ташкил этиш бўлғуси мутахассис қобилиятини диагностика қилишни тақозо қиласди. Шу мақсадда талабаларни роль ижро этишларини алмаштириб туриш ҳам тавсия этилади, чунки ҳар бир талаба у ёки бу ролда ўз имкониятларини синаб кўра олсин, яъни «оддий»дан «КБ бошлиги» даражасидаги ролларни ижро этишга имконият берилсин.

2. Ижодий фаолиятнинг бирор босқичида муайян стратегия, тактика ва методларни қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилган тадбиркорлик ва роль ўйинлари.

Масалан, «Илмий-тадқиқот ишларида маъруза, мунозара» тарзидаги ўйин.

Бу ўйиндаги асосий роллар қуидагича бўлиши мумкин:

«Бошловчилар» - ўқитувчи, ишлаб чиқариш мутахассиси;

«Пешқадамлар» - муҳокама қилинадиган муаммонинг муайян масаласи бўйича вазиятни тасаввур қила оладиган маърузачилар;

«Безакчилар» - пешқадамларнинг маъruzалари ва чиқишиларини кўргазмали тасаввур этишлари ва тушунтиришларини таъминловчи ўйин иштирокчилари.

«Ассистентлар» пешқадамлар ёрдамчилари бўлиб, улар пешқадамларга ва оппонентларга кўргазмали чиқишиларига ёрдам берувчи ўйин иштирокчилари.

«Расмий оппонентлар» - пешқадамларнинг маъruzаси ва бошқа материаллар бўйича расмий танқидий руҳда чиқиш қилувчилар;

«Норасмий оппонентлар» - муаммо бўйича гурух бўлиб ёки мустақил илмий-тадқиқот олиб борувчи барча бошқа талабалар – ўйин иштирокчилари;

«Чалғитувчилар» - корхона ёки илмий муассасада қўшимча салбий ҳодиса, фактларни баён қилиш асосида ўйин иштирокчиларининг фаоллигига сабаб бўладиган саволлар қўйиши лозим бўлган ўйин иштирокчилари. Корхона ёки илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирант, талабалари бу «вазифа»ни бажаришлари мумкин.

«Регистраторлар» - мунозараларни ёзиб олувчи ўйин иштирокчилари;

«Экспертлар» - маъруза мухокамасидаги чиқишилар ва ечимнинг гурух бўлиб қабул қилиниши бўйича объектив баҳо берувчи ўйин иштирокчилари. Бу вазифада корхона ва илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва илмий ходимлари, аспирант ва талабалар қатнашишлари мумкин.

Бундай ўйинларда қўйидаги асосий вазифалар ҳал қилинади:

- *бўлғуси мутахассисни ахборотлар алмашишга ўргатиши;*
- *уларда ўз нуқтаи назарларини асослаши ва ҳимоя қилиши, бошқа кишиларнинг гояяларига кириб бора олиши, гурух бўлиб ечим қабул қила олиши малакасини шакллантириши.*

Ўйин-мунозаралар бўлғуси мутахассисда илмий-ишлиб чиқариш муаммосини қўя билиш ва ечишга, мустақил фикрлашга, объективликка нисбатан қизиқиши шакллантиради, муаммоларни қўйиши, уни мухокама қилиш, уларни ечишда ўзини тута билиш кўнималарини ҳосил қилади.

Ўйин- мунозаралар муайян муаммо бўйича баҳсларни ташкил этилишини кўзда тутади.

Баҳс муаммони мухокама қилиш жараёнидир. Унинг усули эса гурух бўлиб тадқиқ қилишдир. Унда ҳар бир иштирокчи ҳамсухбати (ракиби)нинг фикрини асослаш, уни инкор этиш орқали ҳақиқатни тиклашда ўз монополиясини ўрнатади.

Баҳс мунозара боришининг турли вариантлари мавжуд:

Эвристик ёндашувда томонлардан бири муаммонинг ечими бўйича ўзининг ёндашувини қабул қилишга уринмасдан ишонтириш методи, ички туйғу, соғлом ақлдан фойдаланган ҳолда баҳс иштирокчиларини ўзининг нуқтаи назарига оғдириб олади.

Мантиқий ёндашувдаги баҳсга ўта мустаҳкам мантиқий таҳлил ва далил-исботлар характерли бўлиб, унинг воситасида иштирокчилар якуний хуносаларга келадилар.

Сўфиёна ёндашув. Унда томонлардан бири ўз рақибини донолик қилиб мағлуб қилиши ҳам мумкин.

Авторитар ёндашув. Унда томонлардан бири ўзининг обрўсидан фойдаланиб, ўз нуқтаи назарини ўтказиши мумкин.

Танқидий ёндашув. Баҳс иштирокчиларидан баъзилари ўз рақибининг фақат камчилиги, кучсиз ўрни ва мавқеига диққатни жалб қиласди ва, аксинча, рақибининг фикридаги ижобий унсурларни кўришга интилмайди ва муаммонинг ечими бўйича ўз таклифларини ҳам бера олмайди.

Догматик ёндашув. Унда томонлардан бири баҳсни ҳақиқатни ўз манфаати учун ўзининг шахсий мақсадларига мувофиқ келадиган томонга бошлаб кетади.

Прагматик ёндашув. Иштирок этувчилардан бири ва ҳар бир томон факатгина ҳақиқатни ўрнатиш учунгина баҳс юритмайди, балки ундан ўзларининг яширин ва баҳс иштирокчиларига маълум бўлмаган амалий манфаатларига буриш учун фойдаланади.

Баҳсни ўтказишда қўйидаги қоидаларга аҳамият бериш лозим:

- оппонентининг ўз фикрини асословчи сўзини тинглаб, кузатиб бориши;
- оппонентини сўзлашдан тўхтамиб қўйишга шошилмаслиги;
- майда-чуйда деталларга эътибор қаратмаслиги, энг муҳимини кўришига, тушунишга ҳаракат қилиши;
- кучсиз ўринлар, далил-исботлар, мисолларни топиш ва таҳлил қилиши;
- оппонентини ўзидан кучли деб ҳисобламаслик;
- ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш ва ишонишга ружу бермаслик;
- қўрқиши рақиб олдида мағлубият эканлигини эсда тутиши.

## Таянч тушунчалар

Ўйинли технологиялар, ўйин функциялари, назарий аспект, ўйин тузилмаси, педагогик ўйин, тадбиркорлик ўйинлари, социал-психологик муаммолар.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т., 2003 ва 2006
- 2.. Беспалко В.П. Слагаемкे педагогических технологий-М., 1997
3. Бордовский Г.А., Извочкив А.А. Новый технологии обучения-М., 1967
4. Кларин М.В. Педагогическая технология-М., 1989
5. Муомала тренинги-Т. : Университет, 1994.

## **Танқидий фикрлашни ўстирувчи фаол методлар**

### **Режа:**

Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи педагогик технологиялар: белгиси, асоси ва механизми.

Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат қиладиган методлар «Демократик таълим учун» консорциуми томонидан амалга ошириладиган «Танқидий фикрлаш учун ўқиш ва ёзиш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Консорциумнинг аъзолари: Халқаро ўқиши ассоциацияси, Хобарт ва Уильям Слимс колледжлари ва Шимолий Айова штат университети. Бу лойиҳани Нью – Йорк Очиқ жамият институти ва Марказий Осиё тўғрисидаги Марказий ва Шарқий Европадаги Сорос фонди маблағ билан таъминлайди.

Бу параграфда методлар мазмуни мазкур лойиҳа материалларига мувофиқ равишда ёритилади.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишида қуйидаги асослардан келиб чиқадилар: **Танқидий фикрлаш нима?**

**Фикрлаш** – ўқиши, ёзиши, сўзлаш ва эшлишига ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, унда ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни қамраб олади.

Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган кўникма эмас.

Танқидий фикрлаш таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас.

Браун (1989) таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилган ўқув кўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўникмаларни янги вазиятларда қўллай олмайдилар.

Рихер таъбири бўйича ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультмедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Бу тадқиқотларнинг асосий натижалари:

1. Самарали ва муттасил ўрганиш асосида талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш, синтезлаш ва уларни тўла эгаллаш фаоллиги ётади (Андерсон ва унга ҳаммуаллифлар, 1985).

2. Ўрганиши жараёни фикрлаши фаолиятини ривожлантиришининг турли туман стратегияларидан фойдалангандагина муваффақиятлроқ бўлади. Бундай стратегия ўрганиши жараёнини янада онглилаштиради (Палинскар ва Браун, 1989).

3. Ўрганиши ва танқидий фикрлаши талабаларнинг аниқ вазифаларга нисбатан янги билимларни қўллаши имкониятларига эга бўлган тақдирда ривожланади (Ресник, 1987).

4. Ўрганиши талабаларнинг олдинги билимлари, тажрибаларига таянгандагина мустаҳкамланади. Булар талабаларнинг билган билимларини янги ахборотлар билан боғлаш имкониятини беради (Рос, 1990).

5. Танқидий фикрлаши ва ўрганиши гоя ва тажрибаларнинг турли-туманлигини педагоглар тушунган ва қадрлаган вақтдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаши

*«яккаю ягона түгри жавоб»ни қабул қиласынан менталитет жараёнида юз бермайды.*

### **Танқидий фикрлашнинг ривожланиш муҳитини яратиш**

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ.

Лекин танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд. Унинг учун:

- талабаларга фикр юритиши учун имконият берии;
- турли-туман гоя ва фикрларни қабул қилиши;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаши;
- талабаларни кулгига қолмасликка ишонтириши керак;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишига қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйготиши;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадорлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- ўзига ишончни орттириши ва ўз фикри ҳамда гояларининг қадрини тушуниши;
- ўқув жараёнида фаол иштирок этиши;
- турлича фикрларни эътибор билан тинглаши;
- ўз ҳукмларини шакллантиришига ҳамда ундан қайтишига тайёр туриши лозим.

**Вақт.** Танқидий фикрлаш вақт талаб қиласи.

Пирсон, Хансен, Гордон (1979)лар таъкидлашадики, ўз фикларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жихатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

- фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаши;
- ўзаро танқидий фикрлар алмашиши;
- ўз гояларини ифодалай олиши ва конструктив таклифларга жавоб ола билиши;
- фикрларни муайян гоялар қиёфасида, қулай муҳитда амалга ошира олиши ва ўз гояларини тўла ва аниқ ифодалай олиши.

**Изн.** Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалар маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар хақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар йўл қўйиладиган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар.

Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бунда таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниқлаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган ва дўстона ҳамда самарали шароитда берилади.

**Ранг-баранглик.** Талабаларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади.

Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги ҳақидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда талабаларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб мавжуд бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнлардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида талабалар ана шу жавобни топа олсин.

**Фаоллик.** Танқидий фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Одатда, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимлари ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб қолган. Ўқув жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва ўқишиларига ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги танқидий фикрлашда қутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғоялари ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндошув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Михали Чикжентихалий (1975) таъкидлайдики, талабалар ўша мураккаб даражадаги ўқув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида қатнашганлигидан катта баҳра оладилар ва ўзларида чуқур қониқиши хиссини сезадилар.

**Таваккалчилик** Эркин фикрлилик таваккалчиликка асосланади. Унинг билим фаолиятида қўрқмай таваккал қилувчи инсонларни рағбатлантириб туриш жоиздир. Фикрлаш жараёнида «аҳмоқона ғоялар» ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи уни ўқув жараёнини табиий ҳолати сифатида талабаларга тушунтириши лозим.

Талабаларни таваккалдан ҳоли бўлган, яъни ғоялар қадрланган, талабаларнинг фикрлаш фаолиятида фаол иштирокини юқори мотивациялаш имкони бўлган муҳитда ўйлаш лозимлигини уларда ишонч ҳосил қилиш зарур.

**Қадрлаш.** Танқидий фикрлашнинг омилларидан бири талабаларнинг фикрлаш жараёнини қадрлашдир. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида талабалар ўз ғоялари, тасаввурларининг ўқитувчи томонидан қадрланаётганини тушунган чоғдагина чуқур масъулият ва эътиборга яраша жавоб қайтарадилар.

Талабалар ўз фикрлаш жараёнини қадрлашни намойиш қилишга харакат қиласидилар, унга ва унинг оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар.

**Қимматлилик.** Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан ҳоли бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиши энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш зарур. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари зарур. Улар ўз фикрининг тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим, шунингдек, катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

**Ўзаро фикр олишув.** Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро фикр олишувини кўзда тутади. Талабаларнинг ўзаро фикр олишиши уларнинг бир-биридан ўрганишдаги ўртоқчилигига асос солади. Талабалардан фикрловчи сифатида ўзларида бўлган йирик фикр ва оддий хатога бўлган қобилиятларини бошқаларга очиб бериш талаб этилади.

Ўзаро фикр олишишда талабалардан дикқат билан тинглаш, ўзининг қарашлар тизимини сўзловчига зўрлаб ўtkазиш ва бошқа сўзловчиларни тузатиб туришдан

ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимиға тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд. Улар:

- ўзига ишонч ҳосил қилиши;
- ишда фаол иштирок этиши;
- ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр олиши;
- ўзгалар фикрини тинглай олиши.

**Танқидий фикрлашни таъминловчи саволлар.** Танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларини таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишига қаратилган саволлардан фойдаланилади. Қўлланмада таҳлил қилинаётган бу масалалар Сэндерс (1969) ифодалари ва Блум тизимли саволларидан олинди. Бу саволлар турли сатҳдаги қийинчиликда фикрлашнинг турли кўринишларини таъминалашда восита бўлиб хизмат қиласи. Эслаб қолишига хизмат қиласидиган саволлар ёки формал сатҳдаги саволлар энг куйи сатҳдаги саволларга тааллуқлидир. Баҳолаш ёки ҳукм чиқариш бериладиган саволлар фикрлашни таъминлайдиган иккинчи сатҳдаги саволлар сифатида қаралади.

### Танқидий текшириб қўриш



Формал сатҳ саволлари фактологик ахборотлар олиш мақсадида берилади. Улар факат механик эслашни ва талабаларда яхши жавоб бериш учун қисқа муддатда маълум предметлар бўйича билим қисмлари (фрагмент)ни талаб қиласди.

Ахборотларни бир шаклдан иккинчи шаклга кўчириш талабалардан уни кўчим (транформация) қилишни талаб қиласди. Кўчириш саволлари талабаларга ўрганаётган, тавсифлаган ва кўрган вазиятлари, саҳналари ва воеаларини ўзлари намойиш эта олишлари учун берилади. Кўчириш саволлари талабаларни ахборотларни қайта ишлаш ёки бошқа шаклларга кўчим қилишга илҳомлантиради. Талабаларга сезиш, кўриш (сенсор) тажрибасини яратиш, шундан сўнг эса бошқаларга ўз кўрганларини етказиш учун уни эълон қилиш зарур. Бу фикрлашга тортишнинг фаол ижодий жараёнидир.

Талабаларга ғоялар, фактлар, қайдлар ва қадриятлар орасидаги боғланишларни очиш учун изоҳлашга қаратилган саволлар берилади. Сэндрс изоҳлашга қаратилган саволларга нисбатан юқори даражадаги фикрлашни талаб қиласиган таянч саволлар деб қарайди, бошқалари эса (Вогн ва Эстес) тушунишнинг ўзигина изоҳлашдир, деб хисоблайдилар.

Татбиқ қилишга қаратилган саволлар ўқиши (талаффуз) жараёни ёки ўрганиш тажрибасида учрайдиган мантиқ муаммоларини ечиш ва чуқур ўрганиш учун имконият беради.

Таҳлил этишга қаратилган саволлар талабалардан у ёки бу воеанинг аҳамияти етарли даражада яхши ёритилганми, йўқми деган саволга жавоб беришга ундейди. Синтез қилишга қаратилган саволлар янгича фикрлаш асосида ижодий муаммоларни ҳал қилишга даъват этади. Синтез саволлари талабаларга ўзининг барча билим ва тажрибаларини муаммонинг ижодий ечилишида фойдаланишга имкон беради. Синтез саволлари муқобил сценарийлар яратишни ҳам тақозо қилиши мумкин.

Баҳолаш саволлари яхши ва ёмон, адолатли ва адолатсизлик тўғрисида хукм чиқариш учун берилади.

Баҳолаш саволлари талабалар, ахборотлар сифатини, янги ахборотларга нисбатан ўз муносабатини баҳолай олиши, уларни қадрлай олиши учун берилади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок қилишнинг 4 типини фарқлайдилар:

*Яхлитлигича идрок этиши.* Мавзу ёки фан тўғрисида умумий билим берадиган идрокнинг шаклидир.

*Изоҳли идрок этиши.* Бу Блум изоҳлари даражасига айнандир. Идрокнинг бу типида талаба ғоя ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини ёритади, унинг моҳиятини муҳокама қиласди, фаннинг турли соҳаларига оид ғоя ва ахборотларни ҳатто ташқи жиҳатдан боғлиқ ҳодисаларни бирлаштиради.

*Шахсий идрок этиши.* Талабалар ўзларида аввалдан мавжуд бўлган шахсий тажриба ва билимлар тузилмасини янги билимлар билан боғлаб тушуниш жараёни акс эттиради.

*Танқидий идрок этиши.* Мазмунни бир томонга қўйиб, уни таҳлил қилиш, унинг нисбий қимматини, тўғрилигини, фойдалиигини ва талабаларнинг билиши, тушуниши ва қабул қилиши доирасида унинг аҳамиятини баҳолашдир.

Шундай қилиб, ахборотларни чорлаш, ўйлаб кўриш ва фикрлаш методикаларидан фойдаланиш қўйидаги муҳим вазифаларни ечиш имкониятини беради:

- талабаларга мақсадларини англаб олишига ёрдам беради;
- машғулотларда фаоллигини таъминлайди;
- самарали мунозараға чорлайди;
- талабаларнинг ўзлари саволлар тузиини ва уни савол тарзида бера олиши учун ёрдам беради;
- талабаларга ўз шахсий билимларини ифода қилишига ёрдам беради;
- талабаларнинг шахсий мутолааси мотивациясини қўллаб-қувватлайди;
- ҳар қандай фикрларга бўлган ҳурмат кайфиятини яратади;
- талабаларда персонажларга бўладиган изтиробини ўстиришига ёрдам беради;
- талабалар қадрланадиган фикрлашига шароит яратади;
- талабаларнинг танқидий жалб қилинишига бир қатор умидлар билдирилади.

**Кластерларга бўлиши.** Бу педагогик стратегия бўлиб, талабаларнинг у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фақат ғоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузилмани аниқлаб олишни талаб қиласди. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан зия боғланади.

Кластерларга бўлишдан ахборотларни чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланилиши мумкин. Кластерларга бўлиш талабаларнинг тасаввурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини яқунлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бу ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тасаввурига ва уни тушунишга йўл очадиган назардаги стратегиядир.

Кластерларга бўлиш қўйидаги усулларда амалга оширилади:

1.Хушингизга келган барча фикрларни ёзиб олиш. Бу фикрларни муҳокама қилманг, шунчаки ёзиб олаверинг.

2. Хатни (матнни) кечикирадиган имло ва бошқа омилларга ҳам парво қилманг.

3. Сизга берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ёзишдан тўхтаманг. Миянгизга фикр келиши тўхтаб қолса, токи янги фикрлар келгунга қадар қофозда нималарнидир чизиб ўтилинг.

4. Имкони борича, боғланиши мумкин бўлган ғояларни тизиб чиқинг, ғояларнинг оқими сифати ва улар орасидаги алоқаларни чегаралаб қўйманг.

Кластерларга бўлиш, Стил ва Стил (1991)нинг таъбирича, бу жуда мослашувчан стратегиядир. Уни индивидуал тарзда ҳам гуруҳда ҳам қўллаш мумкин. Гуруҳ фаолиятида у гуруҳ ғояларининг тирговичи сифатида хизмат қиласди. Бу эса талабаларни ҳар бир амалда бўлган боғланишларга, алоқаларга яқинлаштиради.

**Синквэйн.** Ахборотларни қисқача баён қилиш, мураккаб ғояларни, сезгиларни, тасаввурларни бир неча сўзлар воситасида баён қилиш имконияти муҳим малакадир. Бу бой тушунчалар заҳираси асосидаги ўйланган рефлексияни талаб қиласди. Синквэйн бу шеър бўлиб, у бирор воқеа муносабати билан ёзиладиган ёки

рефлексия қилинадиган қисқа ифодаларда ахборот ва материалларнинг синтезланишни талаб этади.

*Синквэйн* сўзи французча сўз бўлиб, беш деган таржимани беради. Демак, синквэйн беш қатордан иборат шеърдир.

Синквэйнни ёзиб чиқиши қоидаси қуйидагича:

1. *Биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади (одатда от туркумидаги оид сўз билан).*

2. *Иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).*

3. *Учинчи қаторда уибу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади.*

4. *Тўртинчи қаторда темага алоқадорликни кўрсатувчи 4 сўздан иборат гап (ибора) ёзилади.*

5. *Бешинчи қатор мавзу моҳиятини тақрорловчи бир сўздан иборат синонимдир*

Амалиётда синквэйн:

- *мураккаб ахборотни синтезлаши қуроли;*
- *талабалар тушунчалар заҳирасини баҳолаши воситаси;*
- *ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир.*

Синквэйн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айни замонда қурол хисобланади.

### **Таянч тушунчалар**

Танқидий фикрлаш, ча<sup>3</sup>ирав, англаш, хулосалаш, изн, ранг-баранглик, фаоллик, таваккалчилик, ўзаро фикр олишув.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. Ташкент, 2000.

2. Гальперин П.К. К теории программированного обучения – М.: 1967

3. Кларин М.В Педагогическая технология-М.: 1989

4. Кудрявцев П.о. Проблемное обучение: источник и сущность-Знание: 1991

## **Мавзу : Муаллифлик технологиялари.**

Режа:

- 1.Муаллифлик технологиялари.
- 2.Хамкорлик педагогикаси.
- 3.Ўқив жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш.

### **Муаллифлик технологияси**

Ўқитишик технологияси педагогик стратегия сифатида талаба ва ўқитувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш воситаларига эга бўлади. Бундай технологияларга қуидагиларни келтириш мумкин:

- педагогик жараёнда шахсни кўзда тутшига асосланган педагогик технология (*Ш.А.Амонашвили технологияси*);
- ўқув материалини схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитишини жадаллаштириши технологияси (*В.Ф.Шаталов технологияси*);
- ўқув жараёнини самарали бошқариши ва ташкил этиши асосига қурилган технология (*С.Н.Лисенкова технологияси, Н.П.Гузикнинг ўқитиши тизимини режсалаштириши технологияси*);
- ўқитишини индивидуаллаштириши технологияси (*Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков технологияси*);
- ўқитишини дастурлаш технологияси (*Б.П. Беспалъко*).

### **Ҳамкорлик педагогикаси**

Ҳамкорлик педагогикаси XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлади ва таълимдаги кўпгина инновацион жараёнларни ҳётга чорлади. Бу технология негизида таниқли рус ва чет эл педагогларининг тажрибаси ётади. Улар К.Д.Ушинский, Н.П.Пирогов, Л.Н.Толстой, Ж.Ж. Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский ва бошқалардир.

Ҳамкорлик педагогикаси 4та асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

- шахсга инсон, шахс сифатида ёндашув;
- диалектик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи маъсума;
- тарбия концепцияси;
- атроф-муҳитни таълим-тарияга мослаш;

**Ш.А.Амонашвилиниң инсон-шахс технологияси.** Шалва Александрович Амонашвили таниқли педагог олим ва амалиётчидир. У ўзининг экспериментал мактабида ҳамкорлик педагогикасини, шахсий ёндашувни, тил ва математика ўқитишининг ажойиб методикасини ишлаб чиқди ва ҳётга татбиқ этди.

Ш.А. Амонашвилиниң асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

- боланинг шахсий хислатларини намоён қилиши орқали унда олижсаноб инсоннинг шакланиши, ривожланиши ва тарбияланнишига имкон туждирмоқ;
- боланинг қалби ва юрагини улуғламоқ;
- боладаги билишга бўлган кучларни ривожлантириши ва шакллантириши;
- кенг ва чуқур билим ҳамда малака олиши учун шароит туждирмоқ;
- идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбияламоқ.

Ш.А. Амонашвили ўзининг технологиясини амалга ошириш учун қуидаги методика ва методик усуллардан фойдаланди:

- инсонпарварлик;
- шахсий ёндашув;
- муроқот маҳорати;
- оила педагогикасининг қўшиимча имконияти;
- ўкув фаолияти.

Ш.А. Амонашвили технологиясида бола фаолиятини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Баҳолардан фойдаланиш ўта чекланган. Микдорий баҳолашдан кўра сифатли баҳолашга ургу берилади, яъни тавсиф, натижалар пакети, ўз-ўзини баҳолаш.


### **Ўқитишни жадаллаштириш технологияси**

Бу технологияни Виктор Федорович Шаталов ишлаб чиқди ва ҳаётга жорий қилди. У ўқитишнинг анъанавий синф-дарс усулиниң ҳали очилмаган катта имкониятларини кўрсатиб берди.

В.Ф. Шаталовнинг максад-мўлжалари:

- билим, малака ва қўникмаларни шакллантириши;
- ҳар қандай индивидуал хусусиятларга эга бўлган барча болаларни ўқитиши;
- ўқитишни тезлаштириш.

Таянч сигналлар конспекти





## Ахборот бирликлари



## Таянч сигнал

Тамойиллар:

- кўп марта тақрорлаш, мажбурий босқичма-босқич назорат, қийинчиликнинг юқори даражаси, катта блокларда ўрганиши, фаолиятнинг динамик қолити, хатти-ҳаракатнинг таянчи, мўлжалдаги асосини қўллаши;
- шахсни кўзда тутиши асосида ёндашув;
- инсонпарварлик;
- зўрлаб ўқитмаслик;
- ўқув вазиятларининг конфликтсизлиги, ҳар бир ўқувчининг муваффақиятларидан боҳабарлик, тузатиши (йўлга солиш), ўсиши, ютуқларга истиқболни очиши;
- ўқитиши ва тарбияни боғлаши.

В.Ф. Шаталов методининг ўзига хослиги:

- материаллар катта ҳажмда киритилади;
- материаллар блоклар бўйича жойлаштирилади;
- ўқув материали таянч схема – конспект кўринишида расмийлаштирилади.

Жадвалдан қўриниб турибдики, таянч конспект кўргазмали схемани ташкил этмоқда.

В.Ф.Шаталов таянч (таяниш) деганда бола ҳаракатларининг тахминий асосини, ички фикрлаш фаолиятининг ташқи ташкил қилиниш усулини тушунади.

Таянч сигнал ўзаро узвий боғловчи рамзлар (ишора, сўз, схема, расм ва х.о) бўлиб, қандайдир маъноли моҳиятни алмаштиради.

Таянч конспект - ўқув материаллари ўзаро боғланган усулларининг бутун қисмлари сифатида фактлар, тушунчалар, ғоялар тизими ўрнида қўллана оладиган кўргазмали конструкциялардан иборат қисқача шартли конспект кўринишидаги таянч сигналлар системасидир.

В.Ф.Шаталовнинг хизматлари шундаки, у машғулотларда етарли даражада ва барчанинг фаоллигини таъминловчи ўқув фаолияти тизимини ишлаб чиқди. В.Ф.Шаталовнинг ўқув жараёни технологик схемаси таблицада кўрсатилган.

В.Ф.Шаталов методикаси 4 босқичдан иборат бўлиб, улар бир қанча усул ва методик ечимларни ўз ичига олади:

1. Назарияни синфда ўрганиш: таҳтада оддий тушунтириш (бўр, кўргазмали курол, ЎТВ билан); бўялган плакат – таянч конспект бўйича қайта тушунтириш; плакат бўйича қисқача баён қилиш; ўқувчиларнинг ўз конспектлари устида индивидуал ишлашлари, конспект блоклари бўйича кенг мустаҳкамлаш.

2. Уйдаги мустақил ишлар: таянч конспект+дарслик+ота-оналар ёрдами. Ўқувчиларга уқтириш: конспектдан фойдаланган холда ўқитувчининг тушунтирганларини эсла, берилган материални китобдан ўки; ўқиганларингни конспект билан қиёсла; конспект ёрдамида дарслик материалларини сўзлаб бер

(кодлаштириш-декодлаштириш); конспектни сўзлаб бериш учун таянч сифатида ёдда сақла; конспектни қайта ишлаб чиққиши ва намунага қиёсла.


3. Биринчи такрорлаш - конспектни ўзлаштиришни ҳар томонлама кенг назорат қилиш: барча ўқувчилар конспектни хотирасида қайта ишлаб чиқадилар, ўқитувчи уларни пешма-пеш текшириб боради; бир вақтнинг ўзида «аста» ва магнитафон орқали сўраб боради; ёзма ишдан сўнг оғзаки сўраш бошланади.

4. Таянч конспектни оғзаки сўзлаб олиш - ўзлаштиришдаги ташқи нутқ (оғзаки) фаолиятининг энг муҳим босқичи, у турли савол-жавоблар жараёнида юз беради.

5. Иккинчи такрорлаш-умумлаштириш ва бир тизимга келтириш (тартибга тушириш): ўзаро назорат дарслари; олдиндан синов саволлари рўйхатини нашр қилиш; тайёрлаш; барча турдаги назоратлардан фойдаланиш (тахтада, астагина, ёзма ва б.); ўзаро сўраш ва ўзаро ёрдам; ўйинли унсурлар (жамоалар беллашуви, ребусни топиши ва б.).

Назорат, баҳолаш. В.Ф. Шатолов ўқувчиларнинг билим, малака ва кўнималарини босқичма-босқич назорат қилишнинг бош муаммосини ҳал қилди. Доимий ташқи назоратни ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш билан боғлаш, ҳар бирини босқичма-босқич назорат қилиш, кучи етадиган даражада талаб қилиш, доимо тузатишнинг имконияти мавжудлиги, натижалар ошкорлиги, икки баҳонинг йўқлиги, паст баҳодан қўрқишининг йўқлиги.

## **В.Ф. Шаталов тизимининг технологик схемаси**



Назорат шакллари: таянч конспект бўйича ёзма иш, мустақил ишлар, баланд овозда сўраш, магнитафонда, жуфтликда ўзаро назорат, гуруҳдаги ўзаро назорат, уй назорати, ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқувчи томонидан олинган ҳар бир баҳо билимларни маҳсус очилган кўзгуга кўйиб борилади. У гўё ўқувчига хизмат қиласидан рўйхат вазифасини бажаради, баҳолар эса ижобий шифрланган тавсифнома аҳамиятига эга бўлади. Бундай тавсифномани эълон қилиш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Бу тавсифноманинг энг муҳим томони шундаки, ўқувчи хоҳлаган вақтида ҳар қандай баҳони нисбатан юқори баҳога ўзгартириши мумкин. Очиқ имконият тамойилининг моҳияти ҳам шунда. Ҳар бир баҳо, - деб таъкидлайди В.Ф. Шаталов, авваламбор, ўқувчида ижобий эътиборни қўзғатадиган восита, туртки бўлиб хизмат қилиши лозим. Икки баҳо салбий ҳисларга сабаб бўлади, ўқитувчи ва фан билан зиддиятни келтириб чиқаради. Шаталов бундай конфликтли вазиятларни бартараф қиласиди.

Методик усуллар (педагогик микроунсурлар) тиркамасига: учирма такрорлаш, релели (алмашма) назорат ишлар, десант методи, занжир методи, вазифалар ичида «чўмилмоқ», китобдаги хатоларни топмоқ, варакчаларда мисол-масала ечиш, танлов асосида мисол-масала ечиш, 4 кўлда ечиш, тажриба дарслари, «мияга» ниқташ, қуйидан юқорига қараб ечиш, айтиб берганни рағбатлантириш, очик фикрлар дарси, олтинчи балл, ижодий конспект, тезайтиш, кескинликни юмшатиш усуллари (мусиқа, ёруғлик, танаффус ва б.) ва б.) ва б.

В.Ф.Шаталов томонидан ишлаб чиқилган ўқув фаолияти тизими мактаб ўқувчиларида эксперимент қилинган, лекин унинг методикаси математика ўқитиши доирасидан чиқиб, нафақат табиий фанлар, балки гуманитар фанлар: тил, тарих каби фанларни ўқитишида ҳам кенг тарқалди.

В.Ф. Шаталов методикаси олий ўқув юртларида ҳам муваффақиятли қўлланмоқда.

**Таянч схемалар изоҳидан фойдаланган ҳолда истиқболли ўқитишини бошқариш С.Н.Лисенкова технологияси.** Бу технология асосида қуйидагилар ётади:

- ҳамкорлик педагогикасига бўлган шахсий ёндашув;
- ўзлаштириши (муваффақият) - ўқитиши жараёнида болалар ривожланишининг энг муҳим шарти;
- синфдаги файл: хайриҳоҳлик, ўзаро ёрдам;
- хатоларидан огоҳ қилиши, лекин хатолар устида ишилаш эмас;
- ўқув материалининг кетма-кетлиги, изчиллиги;
- вазифанинг ҳар бир ўқувчига қулайлиги ва уларга алоҳида-алоҳида бўлиб берилиши;
- аста-секин тўлиқ мустақилликка ўтиши;
- билагон ўқувчи воситасида билмайдиган ўқувчиларни ўқитиши.

С.Н.Лисенкова методикасининг хусусияти шундаки, қийин мавзулар дастурда белгиланган соатларда эмас, балки ундан олдин ўрганила бошланади. Бу истиқболли тайёргарликдир.

**Истиқболли тайёргарлик** ўрганилиши яқинлашиб келаётган қийин мавзуларни йўл-йўлакай ўтишнинг бошланишидир.

**Умумлаштириш** бу муайян билимлар асосидаги мавзуни умумлаштиришdir.

С.Н.Лисенкова методикаси асосида материални ўзлаштириш уч босқичда кечади:

1. Келгусида ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни олдиндан кичик ҳажмларда бериб бориш;
2. Янги тушунчаларни аниқлаштириш, уларни умумлаштириш ва қўллаш;
3. Фикрлаш усуллари ва ўқув хатти-ҳаракатларининг равонлигини ривожлантириш.

### **Ўқитишни табақалаштириш**

Г.К.Селевко тадқиқотларида ўқитишни табақалаштириш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли сифатида изоҳланади, ўзида билим даражаси бир хил бўлган, у ёки бу жиҳатдан ўқув жараёнида умумий сифатларга эга бўлган ўқувчилар грухси билан ўқитувчи ишлайди. Ўқитишни табақалаштириш ўқув жараёнидаги таълим олувчиларнинг турли грухларини ихтисослаштирилишини таъминлайдиган умумий дидактиканинг бир қисми сифатида ҳам белгиланади.

**Ўқитиш тизимининг қурама технологияси** (Н.П. Гузик).

«Ўқитиш тизимининг қурама технологияси» савиясига ва дарсларда мавзу бўйича даврийликни ривожлантиришга кўра синф ичидағи ўқитишнинг табақалаштирилиши деб қаралади. Дарслар ҳар бир мавзу бўйича кетма-кет жойлашган беш типдан иборат бўлади:

- 1) мавзуни умумий таҳлил қилувчи дарслар (улар лекциялар деб юритилади);
- 2) таълим олувчиларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқув материалининг чуқурлаштириб ишлаб чиқишини кўзда тутган, тузилган семинар машғулотлари (бундай дарслар учтадан бештагача бўлиши мумкин);
- 3) билимларни умумлаштириш ва тартибга тушириш (грухлаш) дарслари (мавзулар бўйича синовлар);
- 4) фанлараро материалларни умумлаштириш (мавзулар бўйича вазифаларни химоя қилиш);
- 5) дарс-практикумлар.

Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг савияларига кўра табақалаштириш ишларини ташкил этади. Бу иш янги материални бериш, уни мустаҳкамлаш ва такрорлаш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилишдаги амалга оширилади.

Бу технологияда учта табақалаштиришнинг турли даражадаги қийинчиликда: «А», «В», «С» дастурлари ажralиб туради.

Дастурлар қуйидаги вазифаларни ҳал қиласди:

- муайян даражадаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашни таъминлайди;
- таълим олувчиларнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди;

«С» дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим олувчилар фан бўйича ўқув материалини, уни қайта тиклай олиш даражасида ўзлаштирадилар. «С» дастури вазифаларини нисбатан қийин дастурга ўтмасдан олдин ҳар бир ўқувчи бажара олиши лозим.

«В» дастури мавзуни кўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўқув ва ақлий фаолиятининг умумий ва ўзига хос усуллари билан бирга эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритиладиган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исботлайди, намойиш этади ва ойдинлаштиради, тушунчаларнинг амал қилиш ва қўлланишини кўрсатиб туради.

«А» дастури ўқувчиларнинг билимларини тўла англаш, ижодий қўллаш даражасига кўтаради. Бу дастурда ижодий қўллаш истиқболли тобора такомиллашиб борувчи маълумотлар, чукурлаштириледиган материаллар, унинг мантикий асосланганлиги жойлаштирилган.

Материалларни тақорлашда турли даражадаги вазифаларни эркин тиклаш методикаси қўлланади.

Табақалаштирилган вазифаларни назорат қилишда индивидуалликка ўтилади ва у чукурлаштирилади.

## Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси

Инге Унт, А.С. Границкая, В.Д. Шадриков тадқиқотларида индивидуал ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли, модели сифатида белгиланади. Унда:

- педагог фақат биргина талаба билан ўзаро муносабатда бўлади;
- бир талаба фақат ўқитиши воситалари (китоблар, комьютер ва б.) билан ўзаро алоқада бўлади.

Индивидуал ўқитишда фаолиятнинг мазмуни, методлари ва суръати талабанинг хусусиятларига мослаштирилади.

Шахсий ёндошиш деганда:

- у педагогиканинг тамойтили бўлиб, унга кўра педагог ўқув – тарбия ишлар жараённада талабаларнинг шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда айрим талабалар билан индивидуал модел бўйича ўзаро муносабатда бўлиш, индивидуал хусусиятларига асосланиши;
- ўқув жараённада талабаларнинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиши;
- барча талабаларнинг ривожланишигина эмас, балки ҳар бир талабага алоҳида ривожланиши учун психологияк–педагогик тадбирлар яратиши тушиунилади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш;

- ўқув жараёнини ташкил этиши бўлиб, унда ўқитиши усуллари, суръатини танлаш талабанинг индивидуал хусусиятлари билан боғланади;
- индивидуал ёндашувни таъминловчи турли ўқув-методик, психологик–педагогик ва ташкилий-маъмурий тадбирлардир.

Шундай қилиб, дидактика бўйича амалга оширилган тадқиқотларга кўра ўқитишни индивидуаллаштириш ўқув жараёнининг шундай ташкил қилинишики, унда индивидуал ёндашув ва индивидуал шакл устувор ҳисобланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш қуйидаги муаллифлик техналогияларида асослаб берилди:

- Инге Унтнинг ўқитишини индивидуаллаштириши техналогияси;
- А.С. Границкаянинг мослашувчан ўқитиши техналогияси;

- В.Д. Шадриковнинг индивидуалликка қаратилган режса асосида ўқитиши технологияси.

Инге Унтнинг ўқитиши индивидуаллаштириш технологиясидаги асосий концепция ҳозирги шароитда ўқитиши индивидуаллаштиришнинг муҳим шакли ўқувчиларнинг мактабдаги ва уйдаги мустақил ишлари деб қоидалаштирилган. Инге Унт унинг мазмуни ва методикаси деб мустақил ишлар учун индивидуал ўқув вазифалари, жорий ўқув адабиётига мослаштирилган, индивидуаллаштирилган мустақил ишлар қўлланмаси асосида нашр этилган иш дафтарларини тушунади.

А.С.Границкая ўзининг мослашувчан ўқитиши тизимини синф-дарс тизимида ташкил этиш ва унда ўқитувчи 60-80% вақтини ўқувчилар билан индивидуал ишлашга ажратиш мумкинлигини қайд қиласди. А.С.Границкая методикасининг ўзига хослиги унинг дарсни муайян ғайриодатий қурилма асосида ташкил этишидир:

- *Биринчи қисм – барчани ўқитиши;*
- *Иккинчи қисм – икки параллел жараён: ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва ўқитувчининг айрим ўқувчилар билан индивидуал ишилаши, яъни умумлаштирилган схемалардан фойдаланиши, алмашиниб турувчи жуфт ўқитувчи бўлиб ишилаши, мослашувчан кўп қуррали вазифалар ва б.*

В.Д.Шадриков гипотезасига кўра агар болага мураккаблашиб борувчи вазифаларнинг тафсилоти берилса, унга ўрганиш жараёнини мотивациялаш таклиф этилса, лекин болага шу бугун унинг учун мумкин ва қулай ишлаш имконияти қолдирилса, ўқувчилар қобилияти самарали ривожланади деб ҳисобланади. В.Д.Шадриков методикаси асосини ҳар бир ўқувчининг қобилиятига қараб ўқитишига имкон берадиган олти даражадаги ўқув режаси, дастур ва методик қўлланма ташкил этади. Ҳар бир фаннинг мураккаблик даражасига кўра кучи етган варианти танлаб олиб, ўқувчилар синфда тез-тез алмашиб туради ва фаннинг ҳажми ва мазмунини қўлдан чиқармай биргаликда ўқув дастурини ўзлаштиришга ҳаракат қиласди. Мураккаблик даражасини танлаш тезликда амалга оширилади, «баъзан» уни амалга ошириб бўлмайди, чунки у синфдаги ўқувчиларнинг тенглашиш, ўқувчиларнинг қобилияти ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мураккабликнинг олти даражаси амалда барча болаларга эътибор беришга, барчанинг кучи етадиган, ўқувчининг қобилиятига, унинг ривожланишига мосланган, ўқув жараёнини ташкил этишига имкон беради.

Бу ўқитиши индивидуаллаштириш муаллифлик технологияси негизида умумий тамойиллар мавжуд:

- индивидуаллаштириши ўқитиши жараёни стратегиясидир;
- индивидуаллаштириши-индивидуалликни шакллантиришининг зарурӣ омили;
- барча ўрганиладиган фанларда индивидуаллаштирилган ўқитишидан фойдаланишининг мумкинлиги;
- индивидуал ишларни ўқув фаолиятининг боиқа шакллари билан интеграциялаш;
- индивидуал суръатда, услугда ўрганиш.

Индивидуаллаштириш технологиясининг умумий хусусиятларига қуйидагилар киради;

- ўзлаштира олмасликка олиб келувчи омилларни қайд қилиши;
- фикрлаш жараёнида билим, малака, кўникмаларни эгаллаш индивидуал камчиликларни тузата олиш усуллари;
- оила тарбиясидаги мотивациянинг бўлинмаслиги, ироданинг сустлиги камчиликларини қайд қилиши ва енга олиши;
- қобилиятли ва истеъодоли ўқувчиларга нисбатан ўқув жараёнини оптималлаштириши (ижодий фаолият, синф ва синфдан ташқари ишларни ҳисобга олиш);
- ўқитиши жараёнини танлаш эркинлигини берши;
- умумий ўқув малакалари ва кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз-ўзига мос баҳо бера олишини шакллантириши;
- ўқитишнинг техник воситаларидан, шунингдек, ЭҲМдан фойдаланиши.

Ўқитиши индивидуаллаштириш технологиясига қуйидагилар киради:

Батов тизими. АҚШда ишлаб чиқилган бу тизимда ўқув жараёни икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм- бутунича синф иши.

Иккинчи қисм- индивидуал машғулотлар.

Бундай машғулотлар унга зарурият сезган ўқувчилар билан ё умум томонидан қабул қилинган меъёрлардан орқада қолмаслик ёки нисбатан ривожланган қобилиятлари билан ажralиб турганлар билан бир қаторда бўлишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Юқори қобилиятли категория ўқувчилар билан ўқитувчи, нисбатан камроқ қобилиятли ва қолоқ ўқувчилар билан ўқитувчи ёрдамчиси шуғулланади.

Трамп режаси – бу технология АҚШда жуда машхур. Бу ўқитиши шаклларининг шундай тизимики, унда катта аудиториядаги машғулотлар кичик гурухлардаги индивидуал машғулотлар билан қўшиб олиб борилади.

Замонавий техник воситалар ёрдамида 100-150 кишидан иборат катта гурухларда юксак малакали ўқитувчилар, профессорлар лекция ўқийдилар. 10-15 кишидан иборат кичик гурухлар эса лекция материалларини муҳокама қиласидилар, баҳс юритадилар.

Индивидуал ишлар эса мактаб кабинетларида, лабораторияларида ўтказилади. Лекция машғулотларига 40%, кичик гурухлардаги машғулот 20%, кабинет ва лабораториялардаги индивидуал ишларга 40% ажратилади. Одатдаги синф тушунчаси йўқ, кичик гурухлар ҳам доимий эмас.

### Таянч тушунчалар

Ўқитиши технологияси, программалаштирилган ўқитиши, таба<sup>3</sup>алаштирилган ўқитиши, таълимни индивидуаллаштириш, аудиовизуал, трамп режаси.

### АДАБИЁТЛАР:

- 1.Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. Ташкент, 2000.
- 2.Молибог А.Г. Программированное обучение-М., 1967
- 3.Унт Инге. Индивидуализация и дифференциация обучения.- М.: Педагогика, 1990.
- 4.Юдин В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.
- 5..Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – М.: Педагогика,1980.

## **Мавзу: Тарбия технологиялари.**

### **Режа**

1. Тарбиявий технологиялар.
2. Тарбиявий технологиялар турлари.
3. Тарбиявий технологияларга ўқитиши.

Бизга яхши маълумки, тарбия жараёни узоқ муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос ҳусусиятларга эга. Гарчи замонавий таълим технологияси ўқувчининг таълим жараёнидаги етакчилик ролини ёқлаётган бўлсада, тарбия жараёнида тарбияланувчи асосий мавқеини эгаллай олмайди. Чункий унда характер, дунёқарааш етарлича шаклланмаган бўлиб, у бу борада тарбиячининг ёрдамига эҳтиёж сезади шу боис тарбия технологияси мантиқий, ҳам таркибий жихатдан таълим технологиясидан фарқ қиласди.

Тарбия технологияси асосида тарбиявий жараён ётади. Укувчилар фаолиятини ташкил этувчилар бўшлиб, улар томонидан эришиладиган натижаларни режалаштириш ва унга эришиш усуллари, бу усулларни моделлаштириш ишлаб чиыарилган режа ва моделларни рщёбга чиыариш, бу режаларни амалга оширувчи шахснинг фаолияти ва ахлошини бошыариш кабилар хисобланади. қ

Тарбия – тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар-билим ва тарбияга эга бўлган кишилар тарбияланувчилар-билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайён даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриб ва билим ўргана олмайдилар.

### **Тарбия жараёни**

- мақсадга йўналганлик;
- қўп омилилк;
- жсўиқинлик;
- давомийлик;
- узлуксизлик;
- комплекслилик;
- варитлилик;
- икки томонли характер;
- натижаларнинг олислиги;

### **Тарбия вазифалари**

1.Ўз ватанини фуқоросини тарбиялаш. Тарбиянинг бу вазифаларни амалга ошириш қуйидагиларни тақазо этади;

Миллий ватанпарварлик, ўз ватанига, тарихига, маданиятига ифтихор туйғуси;

Миллатлар аро маданий муносабатлар, сиёсий маданият.

2.Шахснинг маънавиятини шакллантириш. Маънавиятгкишининг ички дунёси бўлиб, унинг жамият ва табиатдаги «Мен»и, образи, тақдири ва ролини ифода этади. Маънавият даражасиғбуу, маълум маънода, инсонийлик мезонидир.

Маънавиятни шакллантириш бу унинг шахсий харакатлари, интилишлари, рефлексияси билан кишининг ички дунёсини вжудга келтиришдир.

3. Мехнаткаш ионни иқтисодий тафаккурини тарбиялаш меҳнотга, касбга хурмат ва ижтимоийғпсихологик жихатдан ёшларда мустақиллик, ижод, ишчанлик, фаоллик, юқори касбий тайёргарлик сифатларини кучайтириш зарур.

4. Рухий - жисмоний соғломликни тарбиялаш. Бу ахлоқий – хаётий мувозатат ва психологияк қулайлик холатини ушлаб туриш хамда жисмоний ривожланиш меъёридан узоқлашиб кетишга йўл қўймаслик кўникмаларини шакллантиришдир.

5. Кишининг табиат билан муносабатини уйғунлаштириш.

Экологик фожиа муаммоси давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Кишининг табиат билан муносабатини уйғунлаштириш конкрет худудий ўзига хосликни хисобга олган холда ўлкашунослик ва табиатшунослик бўйича амалий фаолиятни кучайтириш ва кенгайтиришни талаб этади.

Бу эса, ўз навбатида, тарбияланувчиларга нафақат экологик хавфсизлик қоидаларинанг англаш етиш балки, табиатни қўриқлаш ишида шахсан қатнашиш зарурлигига ишонч хосил қилиш имконини хам беради.

6. Шахсада индувидуаллик ва жамовийликни тарбиялаш.

Собиқ Иттифоқ даврида педагогика шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялашга йўналтирилган эди. Хозирги пайтда айрим педагогик доираларда индивидуал тарбия хаддан ташқари мақталмоқда. Аслида индивидуал ва жамоавий тарбия бирғбирига зид эмас. Индивидуаллик табиат тухфаси бўлиб, уни ривожлантириш зарур, Модамики, инсон жаимятда яшар экан, у жамиятдаги ахлоқ ва хукуқ меъъонларини, ижтимоий фикрларни хурмат қилиши лозим. Мехнатнинг аксарият қўринишлари учун жамоа харакати зарур бўлади. Шу туфайли жамоавийлик руҳида тарбиялаш долзарб масала бўлиб хисобланади. Айни чоғда индивидуал тарбия нихоятда мухимдир, чунки бунга дастлаб етарлича эътибор берилмаган эди, хозир эса буни замонавий ижтимоийғиқтисодий ўзгаришлар талаб этмоқда.

#### Тарбия тизимининг миллий хусусиятлари:

- миллий тарих ва маданиятнинг ўзига хос жихатларини хисобга олиш;
- тарбиявий ишларда миллий удумлар, анъаналар, урғодатлар, диний маросимлардан фойдаланиш;
- миллий маданият жаҳон маданиятининг бир бўлаги эканлиги тушунчасини шакллантириш.

#### Тарбия принциплари

Тарбия принциплари – бу умумий қоида бўлиб унда тарбиявий жараёнини ташкил қилиш мазмуни, методлари шаклларига бўлган асосий талаблар акс этган. Таълим принципларидан фарқли равишда улар ўқитувчилар томонидан тарбиявий вазифаларни хал этишда қўлланилади. Бу принципларниг асосий жихатлари: мажбурийлик, комплекслилик( уйғунлилик), teng ахамиятлилик бўлиб хисобланади.

Тарбия принциплари – бу тарбиячилар учун тайёр ва хар нарсага ярайдиган қоида эмас, чунки уни қўллаш билан юқари натижаларга эришиб қолинмайди.

Бу тарбиячининг на тажрибасини, на маҳоратини алмаштира олади, уларнинг амалга ошириши шахс фаолияти билан шаклланган.

#### Тарбия принциплари тизими(системаси)

Тарбиявий жараён таянувчи принцплар тизимида қуидагиларни ажратиш мүмкін:

- тарбиянинг ижтимоий йўналганлиги;
- тарбиянинг хаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги;
- тарбияда ижобий жихатларга таяниш;
- тарбияни инсонпарварлаштириш;
- шахсий ёндошиш;
- тарбиявий таъсирнинг умумийлиги.

Тарбиянинг ижтимоий йўналганлиги. Илгор ўқитувчилар тарбияни ижтимоий иниститут сифатида тушунганлар. Турли давларда ё ижтимоий, ё давлат, ёки шахсий йўналиш касб этиб, унинг мазмун принцплари ўзгарган. Мазкур принцп ўқитувчининг барча фаолияти тарбиянинг давлат стратегиясига мос холда ўсиб келаётган авлодини тарбия вазифаларига бўйсундиришни талаб қиласи ва тарбиячилар фаолиятини шахсни ижтимоийлаштиришга йўналтиради. Бу принцпларни амалга оширишнинг асосий қоидалари тарбиявий (меҳнот, ижтимоий, ўйин ва б.) фаолият жараёнида ўқувчиларда фаолиятнинг ижтимоий қиммат ва мухим сабабга молик, ижтимоийлаштириш суратини тезлаштиришни ташкиллаштириш зарурияти билан боғланган.

Тарбиянинг хаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги Мазкур принцп ўқитувчилар фаолиятининг икки асосий йўналишини қўзда тутади:

- а) тарбияланувчиларни кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат фаолияти, унда рўй берадиган ўзгаришлар билан атрофлича ва дархол таништириш;
- б) тарбияланувчиларни хақиқий хаётий муносабатлар, ижтимоийғойдали фаолиятнинг турли кўринишларига жалб қилиш.

Тарбиянинг хаёт билан боғлиқлиги принцпини амалга ошириш ўқитувчидан қуидагиларни таъминлаш маҳоратини талаб этади:

ғтарбияланувчилар томонидан меҳнатнинг жамият ва алоҳида шахс хаётидаги ролини тушуниш;

ғфуқороларнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун иқтисодий базанинг ахамияти;

ғмоддий ва маънавий бойликларни яратувчи меҳнат кишиларига хурмат;

ғижодий меҳнатга бўлган қобилиятини ривожлантириш;

ғзамонавий ишлаб чиқаришнинг умумий асосларини тушуниш;

ғиктисодий билимларни эгаллаш;

ғумумий маданият, меҳнатни илмий ташкил этиш;

ғмехнат фаолиятига шахсий ва ижтимоий қарашларни қўшиб олиб бориш;

ғжамият мулки ва табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ғхўжасизлик, маъсулиятсизлик, бокимандалик, текинхўрлик кўринишларига муросасиз муносабатда бўлиш.

Тарбиянинг хаёт, меҳнат алоқаси принцпи қуидаги шартларга риоя қилиб амалга оширилади:

ғижтимоий, иқтисодий ва меҳнат тарбиясида мавхумлик ва ақидапарастлиликни бартараф этиш;

ғтарбияланувчиларнинг фаолиятининг турли кўринишларида( шу жумладан, каникул давридаги ишларни қўшган холда) иштирок этиш хошишларини қўллаб кувватлаш;

ғтарбиявий ишларда махаллий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш; ғқабул қилинаётган қарорларга масъуллик хиссини ўргатиш;

ғижтимоийғ иқтисодий соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга мувофиқ тарбиянинг мазмуни, методи, восита ва шаклларини янгилаш.

Тарбиявий жараённи шундай ташкил этиш керакки, тарбияланувчилар ўз меҳнатларининг кишилар жамият учун зарурлигини уларга манфаат келтиришни сезсинлар.

Фойдали ишларга таяниш. Тарбияда фойдали иўга таяниш кишидаги ижобий хислатларни ва шу асосда етарлича шаклланмаган ёки салбий шаклланган сифатларни зарур даража ва уйғунликда аниқлашни қўзда тутади.

Принцпни амалга ошириш қўйидаги қоидаларга асосланади:

- тарбиявий жараёнда адоват, тарбиялочининг тарбияланувчи кураши куч ва позицияларини қарамағарши қўйиш мумкин эмас;

- ижобий натижалар тарбияланувчи тақдирида тарбияловчининг хамкорлик, тоқат ва манфаат кўрувчи сифатида иштирок этиш имкониятини беради;

- тарбияланувчининг ахлоқида юзага келган камчиликларга диққатни қаратмаслик, ижобийларини аниқлаш ва қўллаб қувватлаш зарур;

- ўкувюртида ижобий тарбиявий мухит, руҳийғпсихологик иқлим юзага келтириш, сарамжонғаришталиқ , тозаликни сақлаш зарур;

- тарбияланувчиларни юқори натижаларга эришиш имконияти мавжудлигига ишонч хосил қилиш.

Тарбияни инсонпарварлаштириш.

Бу принцпга қўйиладиган асосий талаблар:

- тарбияланувчи шахсига инсоний муносабат;

- унинг хуқуқи ва эркинлигини хурмат қилиш;

- тарбияланувчига кучи етадиган ва оқилона шакллантирилган талабларни қўйиш;

- тарбияланувчининг холатини хатто у тақдим этилган талабларни бажаришидан бош тортган пайтда хам тушуниш;

- кишининг ўзи билан ўзи бўлиш хуқуқини хурмат қилиш;

- тарбияланувчилар онгига тарбиянинг мақсад ва вазифаларини етказиш;

- талаб этилаётган сифатларни мажбурий шакллантирмаслик;

- шахснинг орғономус ва қадрғимматини камситувчи жазога йўл қўймаслик;

- маълум сабаблар билан шахснинг хақлигига зид келувчи сифатларни шаклланишини унинг томонидан тўлиқ рад этилиш хуқуқини тан олиш.

Тарбиявий жараённинг инсонпарварлаштирилиши унинг демократлаштирилиши билан бевосита боғланган. Демократлаштириш, даставвал тарбиявий тизимнинг барча босқичларини услиб ва методларида кўринади. Шу маънода демократлаш авторитаризмнинг аксиидир.

Шахсий ёндошиш. Бундай ёндошиш тарбияланувчиларнинг шахсий сифатларига таянишни қўзлайди ва тарбиячидан қўйидагиларни тадаб этади:

- шахснинг индивидуал хусусиятларини (характери, мижози(темпераменти), қарашлари, одатлари ва б.) мунтазам ўрганиш ва яхши билиш;
- мохирона ташхислаш ва шахсий сифатларнинг реал шаклланганлик даражасини билиш;
- тарбияланувчини шахснинг ривожланишини таъминловчи мураккаблашиб борадиган фаолиятга тортиш;
- шахснинг активлигига таяниш;
- шахсни тарбиялашдан ўзғўзини тарбиялашга ўтиш, мақсадни, мазмуни, методларни ўз –ўзини тарбиялашнинг шаклларини белгилаш маҳоратини хосил қилиш;
- фаолиятнинг муваффақиятга олиб келувчи мустақиллик, ташабbus, тарбияланувчиларнинг ташаббускорлигини, мохирона ташкил этиш ва йўналтиришни ривожлантириш.

Тарбиявий таъсирнинг бирлиги. Бу принцип тарбияга дахлдор бўлган барча шахслар, ташкилотлар, ижтимоий институтлар, педагогик таъсирни ўзаро тўлдирган холда, бирлашиб харакат қилишлари тарбияланувчиларга келишилган холда талаблар қўйишлари, бирғбирлари ёрдам беришлари талаб этилади.

#### Принципни амалга оширишнинг асосий қоидалари:

- тарбиячилар томонидан тарбиявий таъсир этишнинг бошқа соҳаларини хисобга олиб бориш;
- ўқувчиларнинг оиласи билан алоқада бўлиш, тарбиявий вазифаларни хал этишда унга таяниш, тарбиявий харакатларни келишиб олиш;
- тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак (ўз тарбияланувчиларига сингдирилиши лозим бўлган сифатларга эга бўлиш);
- тарбиячининг тарбиявий жараёндаги бошқа субъектлар билан хамкорлигига бирлаштирувчи(айиравчи эмас) омилга таяниш;
- ўз хамкасблари, жамоаси, ижтимоий ташкилотлар ва бошқаларнинг маъқул талабларининг тарбиячи томонидан қўллабғувватланиши;
- тарбиявий таъсир этишда анъанавийлик, тарбиявий жараёнда мунтазамлик;
- тарбиявий жараённинг барча субъектлари орасида алоқаларни ўрнатиш.

#### Тарбия жараёнининг мазмуни

Тарбия жараёнининг мазмуни бу билимлар, эътиқодлар, қўникмалар, сифатлар, шахс қиёфаси, ахлоқнинг барқарор одатлари системаси бўлиб, тарбияланувчилар қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ уларни эгаллаб олишлари зарур.

#### Тарбиянинг асосий –оялари:

1. Тарбия мақсадлари реализми.
2. Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти.
3. Ўз йўлини белгилаб олиш.
4. Тарбиячининг шахсий йўналганлиги.
5. Ихтиёрийлик.
6. Жамовийликка йўналганлик.

Уюшган тарбия инсонни хаётдаги учта асосий ролга фуқороликка, ходимликка ва оиласпарварликка тайёрлаш лозим.

**Фуқороликни шакллантириш чоғида аниқ мўлжалга асосланиш:**

- фуқоролик мажбуриятларига Ватан, жамият, отағона олдидаги мажбурият ҳисси, миллий ифтихор ва ватанпарварлик түйғуси;
- давлат Каниситуцияси, давлат хокимияти органлари, мамлакат Президенти, давлат рамизлари (герб, байроқ, мадхия)га ҳурмат;
- мамлакат тақдирига жавобгарлик;
- жамоат тартиби ва яшаш маданияти;
- мамлакатнинг миллий бойлиги, тили, маданияти, анаъналарини асраб авайлаш;
- ижтимоий активлик;
- демократик тамоилларга роя этиш;
- табиатни асрабғавайлаш;
- ўзгаларни ҳуқуқ ва эркини ҳурмат қилиш;
- актив ҳаётый позиция;
- ўз ҳуқуқини англаш ва фуқоролик масъулияти;
- ҳалоллик, ростгүйлик, сезирлик, меҳирғашвқат;
- ўз иши ва қилмишларига жавобгарлик;
- халқаро ҳамкорлик, бошқа мамлакатлар халқига ҳурмат ва бошқалар.

**Ходимни** фарқловчи белгилар:

- интизомлилик ва масъулият;
- ишчанлик ва ташкилотчилик;
- умумий, маҳсус ва иқтисодий билимлар;
- сиёсий билимлар;
- меҳнатга ижодий ёндошиш;
- қатъият, топширилган вазифани тез ва сифатли бажаришга интилиш;
- касбий ғуур, маҳоратга ҳурмат кўрсатиш;
- онглилик, ҳушмуомалалик, батартиблик;
- меҳнат фаолияти тажрибаси;
- меҳнатга, ҳаётга, фаолиятга эстетик муносабат;
- жамоавий, бирлашиб меҳнат қилиш лаёқати;
- ташаббускорлик, мустақиллик, Ватан, жамият равнақи учун кўп ва самарали меҳнат қилишга тайёрлик;
- ишчанлик ва улдабуронлик;
- меҳнат кишиларига, ишлаб чиқариш усталарга ҳурмат ва бошқалар.

**Оилапарварликни** фарқловчи белгилар:

- меҳнатсеварлик, масъулиятлилик;
- ҳушмуомалалик, мулоимлик, алоқа маданияти;

ўзини жамоада тута билиш;

покизалик, озодалик, гигеник кўникмалар;

саломатлик, актив турмуш тарзига кўнизиш;

дам олишни ташкил этиш ўтказиш омилкорлиги;

хар томонлама билимдонлик;

хуқукий нормалар ва қонунларни билаш;

болаларни тарбиялаш лаёқати;

никоҳдан ўтишга тайёргарлик ва оилавий вазифаларни бажариш;

ўз ота- оналари, ёши улуғ кишиларга ҳурмат ва бошқалар.

**Дунёқарашни шакллантириш.**

Дунёқарашғбу киши онгининг билимлар, қарашлар, маслак ва олий мақсадларни қамраган, табиат ва жамиятнинг ривожланишига унинг муносабатини кўрсатадиган, Унинг ижтимоийғсиёсий ва ахлоқий- эстетик мавқеи ва хулқини хаётнинг турли соҳаларида белгилайдиган ўзига хос соҳадир.

Билимларғудунёқарашнинг объектив компоненти сифати шахснинг тавсифий, тасдиқланувчи мулоҳазаси шаклига эга бўлиб илмий хақиқат тарзида тасаввур этилади.

Қарашларғбу хикматнинг табиат ва жамиятда учровчи у ёки бу ходисаларни тушунтириш, бу ходисаларга ўзининг муносабатини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хукумлар, субъектив хуросалардир.

Ишончғ бу чуқур англаңган ва хаяжон билан бошдан кечирган –ояларни мажмуи бўлиб, улар мафкура, сиёsat, ахлоқ ва санатга дахлдор бўлган шахснинг хаётий мавқеи хамда фаолияти ва ахлоқи характеристининг барқарор эканлигини билдиради.

Олий мақсад – англаб етилган ва таъсирчан идрок этишинг олий камолати бўлиб, шахснинг фаолият мақсади ва хаётий маслагидир.

Дунёқараш вазифалари:

ахборат – иниқосли;

орентирли – бошқарувчи;

бахоловчи;

Дунёқарашнинг асосий кўринишлари:

илмий;

диний;

кундалик (хаётий).

Илмий билимларни маслакка айланишига ёрдам берувчи психолофпедагогик механизмлар ва педагогик шартғшароитлари:

билимларни чуқур ва мустахкам ўзлаштириш;

дунёқараш характеристидаги барча далил ва асосларнинг мантиқан исбот этилувчи ва ўзаро зид эмаслигини чуқур илмий асослаш;

таълим ва тарбиянинг фуқоролик йўналиши;

тариҳийлик принципини амалга ошириш;

билиш активлиги ва мустақиллигини ривожлантириш;

ўрганаётганларнинг ўрганилаётган материалга нисбатан хиссий муносабатини ўйғотиш;

ўқитувчи шахсининг ижобий таъсири.

Фуқоро бу муайян давлатда доимо яшайдиган, унинг химоясида фойдаланадиган, хуқуқ ва бурчлар мажмуига эга бўлган шахсdir.

Фуқорони тарбиялаш ўқиётганларда ватанпарварлик, халқаро муносабатлар маданияти, сиёсий маданиятни тарбиялашни кўзда тутади.

Ватанпарварлик –Ўз ватанига, халқига садоқат ва меҳр мухаббатdir. Кишининг туғилиб ўсган жойига боғлиқлик, она тилига бўлган хурмат, ватан манфаатларга содиқлик ва –амхўрлик, унинг эркин ва мустақиллигини химоялаш; ижтимоий ва маданий ютукларидан фахрланиш; тарихий ўтмиш ва ахлоқий анъаналарга хурмат муносабати; ўзининг меҳнати, кучи ва қобилиятини ватан равнақига бағишлиш хисси ватанпарварликда намоён бўлади.

Халқаро муносабатлар маданияти турлихалқларнинг халқаро иқтисодий, маънавий ахлоқлари, турли миллат вакилларининг ўзаро хурмат қилишлари, муайян ахлоқий хушмуомалаликнинг сақлашни, бошқа халқларнинг тили, одатлари ва анъаналарини менсимасликка йўл қўймасликда қўринади, бу муносабатларнинг юқори даражадаги такомили ва ривожланишини кўзда тутади.

Халқаро муносабатлар маданияти қўйидагиларни акс эттиради:

бошқа миллат кишиларига, уларнинг тили, миллий урфгодатлари ва анъаналарига хурмат;

бошқа мамлакатлар ва халқларнинг хаёти ва маданияти ютуқларига қизикиш билан қараш;

умумисоний қадриятларни ривожлантиришга интилиш.

Тарбияланувчилар фаолиятининг дарсдан ташқари тизимини лоихалаш

Дарсдан ташқари фаолият тизими ўқитишнинг

Назарий ва амалий тизимини тўлдиради.

Унинг асосий вазифаси ўқитишдан ташқари вақтини ўзиниғўзи тарбиялаш ва ижтимоий фаолиятини меҳнат билан шағилланиш учун оқилона тақсимлашга ёрдам беришdir.

Таъли олаётганларнинг дарсдан ташқари фаолиятини лоихалаш вазифалари:

ижтимоий мослашув зонасини ташкил этиш ва ўқиётганларни ижтимоий харакатчанлигини кўрсатиш;

бўлажак мутахассисларни касбий мослашуви учун шартғшароитлар яратиш;

ўқиётганларнинг мустақил ўқиши йўли билан таълимни давом эттиришга йўллаш;

хар бир таълим олувчининг қобилияти қизикиши ва иштиёқини ривожлантириш учун шартғўароитлар яратиш;

ўқувчиларни эркин вақтдан унумли фойдаланиш дам олиш маҳоратини эгаллашга ўргатиш.

Тарбия жараёниниг мохияти, қонуниятлари ва ўзига хос жихатлари ҳусусидаги мавжуд назарий ва амалий ғояларга педагогик билимларга таянган ҳолда тарбия технологиясиниг таркибий қисмларини қўйидагича белгилади:

1. Тарбия жараёнини умумий лоиҳаси;
- 2.тарбияни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж (рағбат);
- 3.тарбия мақсади.
- 4.тарбия мазмуни(шакл, метод, усул ва техник воситалар);
5. ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти;
- 6.ўқувчи(тарбияланувчи фаолияти);
- 7.тарбия самараси(натижа).

Тарбия назарияси – педагогиканинг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённи мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёси ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндошиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараённи ҳам қайта кўриб чиқишина тақазо этмоқда.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларни аниқ бир мақсадга қаратилган, бирғбири билан ҳамкорликда қиласиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади. Бугунги кунда шунчаки

билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъдоди билан ажралиб турувчи ишбилармон инсонни тарбиялаш замон тақазосидир.

Ўқув юртларида тарбиявий жараённи ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий аҳлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошқалар қўйилиши керак.

Шу билан бирга тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, гоявий, аҳлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклланади, жисмоний куч қувватлари мустахкамланади.

Таянч тушунчалар:

Тарбия, тарбия технологиялари, табақалаштирилган ёндошув, жамоавийлик.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Азизхужаева Н.Н. Укитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси Т.: 2000
2. Муомала тренинги – Т.: Университет, 1994 йил
3. Эльконин Д.В. Психология игрқ – М., 1997

## МАЪЛУМОТНОМА

### Юлдашева Саодат Мамасахатовна

2010йил 2 сентябрдан бўён:

Тошкент фармацевтика институти ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси



**Туғилган йили:**

11.04.1967

**Туғилган жойи:**

Сурхондарё вилояти,  
Шеробод тумани

**Миллати:**

ўзбек

**Партиявийлиги:**

йўқ

**Маълумоти:**

олий

**Тамомлаган:**

1990 йил, Термиз давлат педагогика институти  
(кундузги)

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

педагогика ва психология

**Илмий даражаси:**

йўқ

**Илмий унвони:**

йўқ

**Қайси чет тилларини билади:**

рус тили

**Давлат мукофотлари билан такдирланганми (қанақа):**

йўқ

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ қўрсатилиши лозим)**

йўқ

### МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1985-1986 йй - Сурхондарё вилояти, Чехов номли 55-мактабда кутубхоначи

1986-1990 йй. - Термиз давлат педагогика институти педагогика ва психология факультети талаба

1990-1996 йй. - Термиз давлат педагогика институти педагогика ва психология кафедрасида ўқитувчи

1996-1998 йй. - Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида тадқиқотчи

1998 й.х.в. Тошкент молия институти фалсафа кафедраси катта ўқитувчisi

2008 й. Тошкент молия институти Илмий кенгашининг қарорига биноан фаҳрий доцент лавозимига сайланди

2010 й. х/в. Тошкент фармацевтика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчisi

## **ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 1997 йил, 29 август.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” 1997 йил, 29 август
3. Ўзбекистон Республикаси ЎРОЎМТВ нинг 2010 йил 25-август 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги » буйруқнинг бажарилишидир. Ушбу Низом 2010 –йил 5- сентябрдан кучга кирган.
4. Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2008 йил “23” августдаги “263” - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **Педагогик технология фанидан ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР**

- Услубий мажмуадан тўғри ва унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг бу сизнинг умумий саводхонлигинги оширишга хизмат қиласди.
- Фанни ўзлаштиришда мавзу юзасидан таянч илмий атамаларни чуқур ўрганиш муҳим. Бунинг учун мажмуадаги глоссарийдан фойдаланинг!
- Услубий мажмуада мавзу юзасидан берилган материалларни тўлдириш учун бирламчи манбалар билан ўз вақтида танишиб боришни унутманг!
- Олинган назарий билимларни таълимий тажрибаларда синаб кўришга одатланинг. Педагогик технологияни ўрганишнинг қуроли факат тажриба эканлигини ёдингизда туting!
- Педагогик технологияни билиш нафакат илм нуқтаи назаридан, балки инсон ҳаёти ва амалий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши билан ҳам характерли хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу фанни яхши ўзлаштиринг!

## **Реферат мавзулари**

1. “Педагогик технология” тушунчасининг мазмун,моҳияти.
2. Ўзбекистонда педагогик технологиянинг ривожланиш йўналишлари.
3. Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллаш.
4. Аниқлаштирилган мақсадли ўқув жараёнида назоратнинг ўрни.
5. Репродуктив тестнинг асосий мақсади ва мазмуни .
6. Продуктив дарс технологиясининг афзаллик томонлари.
7. Тестнинг қандай турлари.
8. Янги педагогик технологияларини келиб чиқиш тарихи.
9. Ўқув жараёнини мақсадини белгилаш .
- 10.Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.
- 11.Дифференциаллашган ёндошув асосида дарсини ташкил қилиш йўллари.
- 12.Педагогик технологияларни хусусиятлари.
- 13.Педагогик технологияларни тамоийлари.
- 14.Б. Блум таксаномияси.
- 15.Дидактик ўйинлар технологияси ва унинг аҳамияти
- 16.Янги педагогик технологияларни амалиёитга жорий этиш зарурати .
- 17.Педагогик технологиялар мақсад ва вазифалари.
- 17.Педагогик технологияларнинг турлари.
- 18.Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш зарурати
- 19.Инновацион технологиялар ҳақида тушунча.
- 20.Репродуктив таълим ҳақида тушунча.
- 21.Педагогнинг талабаларига нисбатан бўлган муносабати.
- 22.Анъанавий таълим тизимини ижобий ва салбий томонлари.
- 23.Педагогни ўз руҳиятини ва ўз хулқини бошқариш маҳорати.
- 24.Педагогик технологияларни классификацияси.
- 25.Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг ўзаро боғликлиги.
- 26.Педагогик технологияларни ишлаб чиқишида амал қилиши лозим бўлган тамоийллар.
- 27.Интерфаол технологияларни аҳамияти.
- 28.Олий таълимда педагогик технологияларни ўрни.
- 29..Педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифалари
- 30.Очиқ тестга мисол келтиринг.
- 31.Янги педагогик технологияларни келиб чиқиш шарт шароитлари.
- 32.Б. Блум таксономияси ҳақида нима биласиз
- 33.Муаммолли таълимда муаммоли вазиятларни ташкил этилиши.
- 34.Олий таълимда ишбилармон ўйинларни аҳамияти
- 35.Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллаш.
36. Рейтинг технологиясини аҳамияти

## **Хориж адабиётлари**

1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2004.
2. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
3. Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии.М.:Педагогика 2000г.
4. Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва 1998.
5. Гальперин П.К. К теории программированного обучения – М.: 1967
6. Кларин М.В Педагогическая технология-М.: 1989

## **Интернет сайтлари**

1. [www.glef.org](http://www.glef.org). Джордж Лукаснинг Таълимнинг фонди.
2. [www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). Таълимнинг янги уфқлари.
3. [www.rhecherswithoutborders.org](http://www.rhecherswithoutborders.org). Чегарасиз ўқитувчилар.
4. [www.thelearningweb.net](http://www.thelearningweb.net). Таълим тармоғи.
5. [www.inetlibrary.com](http://www.inetlibrary.com). Интернет-кутубхона

## **Умумий саволлар**

1. “Педагогик технология” тушунчасига изох беринг
2. Тест ва оғзаки назорат турларини таққосланг.
3. Анъанавий мақсадни белгилаш қоидаларига изох.
4. Дидактик ўйинларга изох беринг.
5. Очик ва ёпиқ тест турларининг фарқи нимада?
6. Ўзбекистонда педагогик технологияларни таълим амалиётига
7. тадбиқ этиш амалиёти.
8. Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллаш.
9. Аниқлаштирилган мақсадли ўқув жараёнида назоратнинг ўрни.
10. Экспресс методни қўллашнинг қулайликлари нимада?
11. Репродуктив таълим типлари ва даражалари қандай?
12. Подуктив технологияга бағишлиланган дарс структурасини ёзиб беринг.
13. Продуктив дарс технологиясининг авзаллик томонларини кўрсатинг.
14. Дифференциал технологияга изох беринг.
15. «АВВ» га қўйиб иқтисодий муаммони ечимини топинг
16. Тестнинг қандай турларини биласиз?
17. Ўқув максадларини назоратга утказиш деганда нимани тушунасиз?
18. Тест ва рейтинг технологиясига изох беринг.
19. Анъанавий мақсадни белгилашга изох беринг.
20. Ролли ўйинлар методига изох беринг.
21. Очик ва ёпиқ тест турларига мисол келтиринг
22. Янги педагогик технологияларини ривожланиш тарихи.
23. Ўқув жараёнини мақсадини белгилаш неча хил бўлади, уларни таққосланг.
24. Тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.
25. «ВДЛ»ни қандай ҳолатларда қўллаш мумкин?
26. Ёдда сақлашга қаратилган тестга изох.
27. Дифференциаллашган ёндошув асосида дарсини ташкил қилиш йўллари.
28. Педагогик технологияларни хусусиятларини санаб беринг.
29. Педагогик технологияларни тузища қандай тамоийларга амал қилиниши шарт.
30. Репродуктив ва продуктив тест орасида қандай фарқ бор?
31. Ижодий тестга характеристика беринг.
32. Б. Блум таксаномияси ҳақида нима биласиз?
33. «ВЕНН» диаграммасига изох беринг ва мисол келтиринг.
34. Дидактик ўйинлар технологияси ва унинг аҳамияти
35. Очик тестга мисол келтиринг .
36. Бирор мавзуга аниқлаштирилган режа тузинг.
37. Янги педагогик технологияларни амалиёйтга жорий этиш зарурати?
38. Психотехник ўйинларга қандай ўйинларга мисоллар келтиринг.
39. Метод билан педагогик технологияни таққосланг.
40. Муттаносибликка бағишлиланган тест тузинг.
41. Педагогик технологиялар мақсад ва вазифалари.
42. Тестнинг қандай шаклларини биласиз?

43. Педагогик технологияларни қандай турларини биласиз?
44. Кейс технологиясига изох беринг.
45. Балиқ скелети методига изох беринг.
46. Инвариант тестга изох.
47. Продуктив ўзлаштириш технологиясининг ўзига хос жиҳатлари.
48. Тўрт хил мураккабликка эга назорат ишлаб чиқинг
49. Экспресс методига изох беринг
50. Кейс технологиясига изох беринг.
51. Педагогик маҳоратнинг мазмуни ва мақсади.
52. Педагогик маҳоратга эришиш йўллари
53. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш зарурати
54. Ўқув мақсадларини тест ва назорат ишларига ўтказинг.
55. Нутқ маҳорати ва техникаси деб нимага айтилади?
56. Педагогик вазиятларда педагогик маҳоратни қўллаш
57. Педагогик маҳорат ва актёрлик санъати.
58. Педагогик маҳоратни белгиловчи омиллар.
59. Программалаштирилган таълим технологиясига мисол келтиринг
60. Ақлий штурум технологиясига мисол келтиринг.
61. Педагогнинг нутқи ва унга қўйиладиган талаблар.
62. Нутқ маданиятини ривожлантириш йўллари.
63. Инновацион технологиялар ҳақида тушунча.
64. “Т” схемадан фойдаланиб педагогик технологияларни хусусиятларини ажратинг
65. “Диагностика” тушунчасига изох беринг.
66. Педагогик жараёнини ташкил қилиш маҳорати
67. Репродуктив таълим ҳақида тушунча.
68. Педагогнинг талabalariiga нисбатан бўлган муносабати.
69. Муносабат турларига изох.
70. Анъанавий таълим тизими니 ижобий ва салбий томонлари.
71. Педагогни ўз рухиятини ва ўз хулқини бошқариш маҳорати.
72. Лойихалаш технологиясига изох беринг.
73. Шаклига кўра тест турларини аниқланг ва тавсифланг.
74. Педагогик технологияларни классификацияси.
75. «ПМИ» технологиясига мисол келтиринг.
76. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг ўзаро боғликлиги.
77. Педагогик технологияларни ишлаб чиқишида амал қилиши лозим бўлган тамойиллар.
78. Интерфаол технологияларни аҳамияти.
79. Олий таълимда педагогик технологияларни ўрни.
80. Мураккаблик даражасига кўра тест турларини аниқланг ва тавсифланг.
81. Педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифалари
82. Педагогик маҳорат ва актерлик санъати.
83. Методикани ўзига хос хусусиятлари
84. Тестни қандай шакилларини биласиз?
85. Очик тестга мисол келтиринг.
86. Янги педагогик технологияларни келиб чиқиш шарт шароитлари.
87. Б. Блум такономияси ҳақида нима биласиз?

88. Педагогик маҳоратни белгиловчи омиллар.
89. Педагогик нутқига қўйиладиган талаблар.
90. Муттаносибликка бағишланган тестларга мисол келтиринг.
91. Педагогни ўз рухияти, хулқини бошқариш маҳорати.
92. Педагогик жараёни ташкил этиш йўллари.
93. Муаммолли таълимда муаммоли вазиятларни ташкил этиш
94. Педагогик технология тамойилари.
95. Олий таълимда ишбилармон ўйинларни аҳамияти?
96. Педагог нутқи ва унга қўйиладиган талаблар.
97. Тарбия жараённида педагогик технологияларни қўллаш.
98. Рейтинг технологиясини аҳамияти.
99. Дифференция нима?

Экспресс метод қандай ҳоларда қўлланилади?

100. Продуктив дарс технологияларнинг хусусиятлари.
101. Репродуктив тестнинг мақсади ва мазмуни.
102. Педагогик маҳорат ва актерлик санъати.
103. Педагогик технологиялар методикадан нима билан фарқ қиласди?
104. Аниқлаштирилган мақсадли режа тузинг.
105. Педагогнинг тарбиялланувчиларга бўлган муносабати.
106. «ПМИ» технологиясига мисол келтиринг.
107. Рейтинг технологиясининг авзаллик томонлари қандай?
108. Диагностиканинг йўллари.
109. Ижодий тестга изоҳ.
110. Педагогик маҳоратга эришиш йўллари.
111. Педагогик технологияларни мазмуни ва мақсади
112. Эквивалентлик нима?
113. Назоратнинг тест усулини ижобий ва салбий томонлари.
114. Ёпиқ тестга мисол келтиринг.
115. Педагогик технология нима?
116. Кластер усулига характеристика беринг.
117. Педагогик маҳоратнинг ва педагогик технологияни ўзаро таъсири
118. «АВВ» технологиясига изоҳ
119. Дифференцияни турлари ва унинг аҳамияти
120. Лойихалаш методининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
121. Педагог нутқига қўйиладиган талаблар.
122. Педагогик технологияларни келиб чиқиши шарт шароитлари.
123. Блум таксономиясининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
124. Органайзерлар ва уларни қўллаш зарурати.
125. “SWOD” таҳлил методига тавсиф беринг.
126. Технологик харита қандай тузилади?
127. Кластернинг қандай турларини биласиз?
128. Педагогик маҳоратнинг қандай компонентлари мавжуд?
129. Бирор мавзу юзасидан номуттаносиблик вазиятини яратинг.
130. Кейс технологиясини қўллаш шарт-шароитларига тавсиф беринг.
131. Шахсий хусусиятларни ривожлантиришга қаратилган технологияларга изоҳ беринг.

132. Технологик паспортнинг тузилиши ва зарурати.
133. Бирор мавзу юзасидан низо вазиятини яратинг.
134. Репродуктив тестнинг асосий мақсади ва мазмуни нимада?
135. А. Ромишевскийнинг продуктив дарс технологиясининг авзаллик томонларини аниқланг,
136. Репродуктив ва продуктив тест орасида қандай фарқ бор?
137. Ижодий тестга характеристика беринг.
138. Очиқ тестга мисол келтириңг .
139. Ақлий хужум технологиясига мисол келтириңг.
140. Танлаш вазиятига мисол келтириңг.
141. Муаммоли вазиятларнинг қандай турларини биласиз?
142. Педагогик маҳоратни белгиловчи омиллар.
143. Педагог нұтқига қўйиладиган талаблар.
144. Таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар.
145. Педагогик технологияларни амалиётта жорий этиш шарт-шароитлари.
146. “Педагогик технологиялар” тушунчасига берилган таърифларнинг таснифи.
147. Узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни.
148. Иқтисодий таълим тизимида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти
149. Педагогик технологияларнинг турлари.
150. Педагогик технологияларни классификацияси.

## **Мустақил иши мавзулари**

### **Педагогик технология фанидан мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равища бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришdir.

Талаба мустақил ишини ташкил этища ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

-айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш;

- назарий билимларни амалиётда кўллаш;

- Дидактик материаллар ва намуналар яратиш ва бошқалар;

Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Талаба учун фан бўйича мустақил иш топшириqlари тегишли кафедра профессори томонидан ўқув машғулотини бевосита олиб борувчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади, ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва

банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қиласди.

### **“Педагогика технология” фани бўйича**

**Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Педагогик технологияларнинг таълим жараёнида тутган ўрни.
2. Педагогнинг инновацион фаолияти ва инновацион фаолиятининг тузилиши.
3. Ўқув машғулотини технология жиҳатдан лойиҳалаш.
4. Масофавий таълим технологияси
5. Муаллифлик педагогик технологиялар.
6. Муаммоли таълим
7. Ўйин технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

**Мустақил ишининг шакл ва турлари баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.**

ТМИ нинг ўзлаштириши қўйидагича баҳоланади. Максимал балл

<b>Баллар</b>	<b>Баҳо</b>
4,3-5,0	“5” аъло
3,6-4,2	“4” яхши
2,8-3,5	“3” қониқарли
2,8 дан кам	“2” қониқарсиз

Талабанинг мустақил ишдан олган бали ЖБ балига қўшилади